

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРХЎЖАЕВ ПАЙЗУЛЛА

БАДИИЙ БЕЗАК САНЪАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан олий ўқув юртлари 5140700 – «Тасвирий санъат ва
муҳандислик графикаси» бакалавриат таълим йўналиши
талабалари учун ўқув қўлланма сифатида
тавсия этилган

Тошкент
«IQTISOD-MOLIYA»
2008

Тақризчилар: Санъатшунослик номзоди, профессор Н.У.Абдуллаев
Доцент в/б З.Ш.Сотиболдиев

Қодирхўжаев П.

Бадий безак санъати. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма /
П.Қодирхўжаев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007. – 96 б.

Ушбу ўқув қўлланма педагогика олий ўқув юртлари санъат факультетларининг «Амалий санъат» ҳамда «Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси» йўналишидаги талабаларни, бўлажак ўрта умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус касб-хунар коллежлардаги тасвирий ва амалий санъат ўқитувчиларини бадий безаш ишлари билан таништиради. Шунингдек, шу соҳага алоқадор ўқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

© «IQTISOD-MOLIYA», 2007

© П. Қодирхўжаев, 2007

Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири-бу маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш гоёси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишдир.

И.А. Каримов

МУҚАДДИМА

Мавжуд таълим–тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, соҳиятли авлодни тарбиялаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим ва кадрлар тайёрлаш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисидаги фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг негизини ташкил қилади.

Бу долзарб вазифалар президентимиз ва ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб, бошқа фармон ва қарорларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Ўзгалликни ҳис қила олишни ривожлантириш, юқори эстетик дидни шакллантириш, санъат асарларини, тарихий ва меъморлик ёдгорликларини, она табиат ўзгалликларини, бойлигини тушуниш ва кадрларни шакллантириш мақсадида ҳар бир ўқув фани, айниқса шахснинг билим доирасини кенгайтиришга хизмат қиладиган ва катта тарбиявий кучга эга бўлган адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат, эстетика каби фанлар имкониятларидан унумли фойдаланиш керак.

Бадий безак ишлари фани тасвирий санъат, чизмачилик ва амалий санъат ўқитувчиларини касбга тайёрлашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бадий безак ишлари предмети эстетик дидни шакллантиради, санъат асарларини тушуниш ва кадрларга ўргатади, меҳнатга ҳурмат ва муҳаббатни тарбиялайди, меҳнат кўникмаларини такомиллаштиришда ёрдам беради. Ҳозир бадий безак ишлари, умуман оммавий кўргазмалар ахборот воситалари аҳоли, шу жумладан, ёш авлоднинг гоёвий, маънавий - маърифий ва эстетик тарбиясининг муҳим омили сифатида баҳоланмоқда. Шу сабабли мамлакатимиздаги корхона ва муассасалар, жамоа ва фермер хўжаликлари, олий ўқув юртлиари ва таълим масканларида шакли ҳамда мазмуни жиҳатдан хилма–хил плакатлар, стендлар, деворий газеталар ва

хоказоларни кўриш мумкин. Айни пайтда буларнинг сифатига қўйилаётган талаблар ҳам ортиб бораётир. Бу талаблар бадий безаш ишларига бевосита дахлдор кишиларни мазкур ишларнинг таъсирчанлигини оширадиган янги воситаларни, янги композицион ечимларни топишга даъват этмоқда. Ана шу борадаги ишланишлар ҳозирда маълум бўлган ва бадий безаш ишларида муваффақиятли қўлланаётган назарий асосларни такомиллаштиришда, янги воситалардан оқилона фойдаланишда ўз аксини топмоқда.

Ушбу қўлланма бўлажак мутахассисларни лицей, мактаб ва коллежларда бадий безаш ишларини аъло даражада бажаришга тайёрлашда бевосита ёрдам бериш мақсадида яратилди. Унда ўқув даргоҳидаги бадий безаш ишларининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари ва таълимий-тарбиявий аҳамиятини ёритиб беришга ҳаркат қилинди, шунингдек, мазкур ишларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

Мактаб, лицей, коллежлардаги бадий безак ишлари жуда катта таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларнинг нафақат эстетик тарбияси, балки, ғоявий–сиёсий, ахлокий, меҳнат тарбиясига ҳам самарали таъсир кўрсатади, уларнинг фикр доирасини кенгайтиради, ижодий фаоллигини оширади.

Ўқув юртлирининг ички ва ташқи қисмларини безаш, аввало, бу ишнинг функционал вазифасига кўра белгиланади. Ўқув юртидаги жиҳоз ва безакларга болаларнинг ўқиши ва дам олиши учун имкони борича қўлайлик ҳамда орасталик яратиш нуқтаи назаридан қаралади. Шунинг учун бино ичидаги жиҳозлар ва буюмлар тўғри танланиши, мақсадга мувофиқ ҳолда жойлаштирилиши керак. Шундагина улар ўқувчиларнинг диди, идроки ва, умуман, тарбиясига ижобий таъсир этади.

Ўқишга келиш болалар учун қувончли ва қизиқарли бўлиши керак. Бу эса биринчи галда, ўқув жараёнининг характери ва уларни қуршаган муҳитга боғлиқ. Ўқув юрти биносининг ички ва ташқи қиёфаси ўқувчилар учун мутлақо бефарқ эмас. Бунда меъморчилик–лойиҳалашда кўрилган тадбирлар қатори ўқувчилар қўли билан безатилган турли кўرғазмаларнинг фойдаланиши ҳам назарда тутиш лозим.

Ўқув юртини безатиш, ундаги бадий безак ишларини яхши ташкил эта оладиган мутахассислар камлиги, бу ишларни ўргатиш учун ўзбек тилида махсус адабиётлар нашр этилмагани сабаблн

Ўқув юртларда бадий безак ишлари асосида амалга ошириладиган таълим–тарбиявий тадбирлар мураккаблашмоқда.

Мазкур қўлланма шу соҳадаги кийинчиликларни бартараф этишга ҳам хизмат қилади. Талабалар олган билимларидан келажакда ўқув юртларидаги бадий безаш ишларида ижодий фойдаланадилар. Ўқув юрти интерьерлари, хона ва заллари, фасади ҳамда ҳовлисини панно, плакат ва ҳоказолар билан безатишда, деворий газеталар, альбомлар, эълонлар, таклифномалар ва ҳоказоларни тайёрлашда фаол катнашадилар ҳамда бу ишларга бошчилик қиладилар, деган умиддамиз.

Қўлланма асосан педагогика олий ўқув юртларининг бадий графика факультети талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан касб - ҳунар мактаблари, коллеж ва лицейлар, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари, тарбиявий ишлар учун масъул шахслар, мактабдан ташқари муассасаларнинг тўғарак раҳбарлари ва ҳаваскор безакчи усталар ҳам фойдаланишлари мумкин.

I Боб. БАДИЙ БЕЗАШ ИШЛАРИНИНГ МАҚСАДИ, МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Инсон учун зарур билимлар микёси тобора кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда муайян фактлар йиғиндисини ўзлаштириш билан чекланиб бўлмайди. Шунинг учун ўқувчиларга ўз билимларини мустақил равишда тўлдириб ва бойитиб боришни, ўзининг диққат-эътиборини илмий ва сиёсий ахборотларнинг энг муҳимларига қаратишни ўргатиш керак. Бу вазифа ўқувчиларнинг бадий безаш ишларини таълим – тарбия жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда кенгайтириш ва ривожлантиришни ҳам тақозо этади.

Маълумки, безак санъати турлари ижодий меҳнат билан омукта бўлиб кетади ва шунинг учун ўқувчиларда ишга ижодий муносабатни таркиб топтиради, уларни маънавий жиҳатдан бойитади.

Безак санъати бугунги ҳаётимизнинг турли соҳаларини, ҳар хил воқеаларни тўла қамраб олиши лозим. У давлатнинг ташки ва ички сиёсатини, халқнинг меҳнатдаги ютуқларини, мамлакат тарихи, илмий, бадий ҳаётидаги янгиликларни, табиат ва бошқаларни ифодалаши керак.

Ўқувчи куннинг анча қисмини мактабда ўтказади. Ўқув юртидаги бутун муҳит уни гўзаллик қонунлари асосида яшашга, ҳаётдаги ранг - баранг ҳолатларни кўра билишга ўргатиши лозим.

Ўқувчи ўқув юрти биносига, унинг ёнидаги участкага ўйин ҳамда спорт майдончаларига қараб, улардаги гўзалликни ҳис этиши, умуман ўқув даргоҳининг кифоаси унда ўзи билим оладиган муҳит ҳақида ижобий тасаввур ҳосил қилиши лозим. Бунда пухта ўйлаб, чиройли қилиб безатилган ва алоҳида эътибор билан тутиладиган табиат бурчаги, дид билан ишлов берилган йўлка ва гулзорлар, ҳовли, қираверишдаги мемориал тахта, коинотни забт этиш, меҳнат, ҳарбий жасорат каби мавзулардаги стендлар, бионинг жойлашиши тасвирланган схема ва ҳоказолар катта ёрдам беради. Мана шуларнинг ҳаммасида мазкур бадий безаш услуби кўзга яққол ташланиб туриши шарт.

Безак санъатининг бинони безатишдаги асосий йўналишлари ўқув хоналарини, спорт ва мажлислар залларини, коридорларни безаш, кўргазмалар ташкил этиш, мактаб театри учун декорация ишлаш. декоратив – амалий санъат буюмлари ясаш, плакатлар чизиш, турли ахборот воситаларини тайёрлаш ва ҳоказолардан иборатдир.

Лицей, коллеж, мактабларга кираверишда унга номи берилган шахснинг бюсти ёки портрети, дарс жадвали, ўқувчиларнинг ижодий ишларидан намуналар кўзга ташланиб туриши керак. Имкони бўлса, меҳнатда ибрат кўрсатган ота-оналарнинг расмлари қўйилган стендларни тайёрлаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бинонинг ҳар қайси каватини қуйи, ўрта ва юқори синфлардаги ўқувчиларнинг ёшларига мос қилиб безаш маъқул.

Қуйи синф ўқувчилари "Ҳар доим бўлсин куёш!" шиори остида расмлар танловини ўтказадилар. Расмлар асфальтга ёки томоша залининг полига тўшалган линолеум устига ёки оёққа ўрнатилган синф тахтасига чизилади. Бу ёшдаги болалар "Нега шундай?", "Топа қолинг!" каби қувноқ ўйинларни ёктирадилар.

Юқори синф ўқувчиларининг бадий ижод соҳасидаги иш доираси кенгайиб боради. Улар наққошлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, мозаика, мисгарлик ва ҳоказолар бўйича ҳар хил ишларни бажариб декоратив-амалий санъатнинг қийинроқ ва мураккаброк турларини ўзлаштириб борадилар. Турли муаммоларга доир мунозаралар, адабий кечалар, умуммактаб байрамларини ўтказиш, кўргазмалар тайёрлаш, деворий газеталар чиқариш ва бадий безаш ишларини амалга ошириш юқори синф ўқувчиларидан ўткир дид, ихтирочилик ва билимдонликни талаб қилади.

Болаларга ҳар бир ишда ижодий қатнашиш имконини бериш, уларнинг фаолиятини шошилиб, ҳаддан ташқари, ортиқча талабчанлик билан баҳоламаслик, аммо ишни сифатсиз бажараверишларига ҳам йўл қўймаслик, шогирдларнинг таассуротини ўстириш ва уларга ўз таассуротларини ифодалашнинг қулай шаклларини топишда қўмаклашиш лозим. Мана шулар кичик ўсмирлар ва барча ёшдаги болаларда мустақил фикрлашни ривожлантириш, ўз кучига ишончни тарбиялашнинг муҳим омилларидир. Бу ҳам асосий вазифаларимиздан биридир. Бинобарин, боланинг таълим – тарбиявий ишлар жараёнида фаол қатнашуви ҳозирги ҳамма педагогик йўналишларнинг бош мазмунидир.

Бу гаплар болаларни бадий безаш ишларига жалб этишга ҳам бевосита тааллуқлидир. Мана шу ишлар энг аввало ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини самарали ташкил этишда, уларни биргалашиб ишлашга, ўз ишларининг оқибат натижасини тасаввур қилишга ўргатишда қўмаклашади. Шунингдек, бадий безаш ишлари санъатининг бир неча турлари сифатида ўсиб келаётган инсонга дунёни тушунтиришда ёрдам беради, унинг ёш қалбига озик

бахш этади, уни кенг ва турлича фикрлашга одатлантиради, халкнинг маънавий маданиятига яқинлаштиради, энг муҳими, меҳнатга ижодкорлик билан ёндашишга ўргатади. Шунингдек, ўқувчиларда ахлокий ва фуқаролик фаоллигини, ватанпарварлик ҳиссини таркиб топтиради.

Илғорлар тажрибасидан кўринадики, бадий безаш ишларида стендлар ва стендли кўргазмалар тайёрлаш энг катта ўрин тутди. Стендга жуда кўп ва ҳар хил ахборотлар сиғиши сабабли у бинони ва унинг территориясини безашда энг оператив элемент ҳисобланади. Ўқувчилар уюштириладиган стендли кўргазмаларнинг мавзулари маъсулиятли ва турли-тумандир. Улар масалан, "Ер юзида ҳаёт сақлансин", "Кимдан ўрнак олиш керак?", "Мен ер куррасини деярли кезиб чиққанман", "Ҳаётда билим жангдаги милтиқдек зарур" ва бошқалардан иборатдир.

Бадий безаш ишлари юқори синфлардаги ўқувчилар билан олиб бориладиган ғоявий-тарбиявий ишнинг энг муҳим мақсадларини амалга оширишга, яъни ўғил ва қизларда дунёқараш асосларини, ижтимоий фаолликни, онгни интизомни, маданий ҳуққатворни таркиб топтиришга, ҳуқуқий билимларни, меҳнатга ижтимоий мулкка муносабатни, касб танлашга интилишни шакллантиришга, политехник ва эстетик билимлар доирасини кенгайтиришга, бадий қобилиятни ўстиришга хизмат қилиш керак.

Юқори синф ўқувчилари бадий-амалий ижодининг ўзига хос хусусияти турмуш тарзи, нормаларининг бутун комплексини, ўқув юртининг ва биринчи галда, юқори синфлар қиёфасини ишорали бадий йўсинда гавдалантиришдан иборат. Бунда бино умуман ёшларга мос оптимистик, завқли ҳиссиётни; уларнинг ахлокий фаоллигини акс эттирадиган руҳда безатилиши ва ана шу руҳ юқори синфлар ўқийдиган каватга кираверишдаёқ ҳисэтилиши муҳим.

Декоратив санъат воситалари орқали мана маънавий – маърифий кечаларнинг ҳар бири учун керакли муҳит яратилиши кеча мавзуси, унинг мазмуни мураккаблигидан катъи назар, ўқувчи уни чуқур этишида катта ёрдам беради.

Ҳар қандай методик вазифа сингари бадий безаш ишлари ҳам профессионал аниқликка ва ижодий ёндашишни талаб этади. Профессионал ўқитувчи ўқувчининг бадий изланишларини тўғри ва конструктив йўналишга солиб, ижодий ёндашиш, етук бадий ҳулосалар чиқаришга олиб боради.

Бадиий безаш ишларини тобора такомиллаштириб бориш эстетик тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, ўқувчиларнинг рассом-педагог раҳбарлигидаги ўқув юрти муҳитини қайта қуриш, кенгайтиришда ижодий фаоллик кўрсатишлари ниҳоятда муҳимдир.

1. Композиция

Тавсвирий санъатнинг барча турлари каби бадиий безаш ишлари ҳам композициянинг умумий қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам бу ишлар безакчи расомдан етарлича билим ва малакаларни талаб қилиши билан бирга доим композиция масалаларини диққат марказида тутишни тақозо этади.

Композиция лотинча тўқиш, тузиш, жойлаштириш, алоҳида қисмларни бутун қилиб бирлаштиришни англатади.

Бадиий безаш санъатида бажарилаётган ишларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида баъзан композиция қоидаларини маълум даражада бузиш ҳам мумкин. Кўпинча бадиий безак ишларида қўлланаётган янги, илгари ишлатилмаган материаллардан фойдаланишда маълум оригиналликка эришиш учун шундай қилинади.

Бадиий безак ишларида композициянинг асосан учта: текис, ҳажмли, кенглик ва чуқурликка эга бўлган турлари қўлланади. Буларнинг барчаси у ёки бу ғояни амалга оширишда қандайдир бир умумий сифат ва белгиларга эга бўлади.

Фронтал композиция иккита координаталар бўйича фронтал тасвири ташкил этиш демакдир. Фронтал композициянинг харақтерли хусусияти унда ҳажмли элементларни ишлатишнинг чекланганлиги ва шу билан бир пайтда, унинг ўлчовларини катталаштириш имкониятлари ортиб боришидадир. Шунинг учун айрим рельефсимон тасвирлар (масалан, кандакорлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги ва ҳоказолар) пластика қонуниятлари асосида қурилса ҳам, текис композициялар турига киради.

Бадиий безаш ишларининг кўп қисми, масалан, кўргазмали қуруллар, деворий газеталар, мавзутик стендлар, таклифнома, мавзутик альбом ва ҳоказолар фронтал композиция асосида бажарилади.

Композициянинг қурилиши маълум объектнинг вазифаси ва мазмуни, ундан кўзланган мақсадга боғлиқ бўлади. Композицияларнинг асосий схемалари куйидагилардан иборат:

Горизонтал композиция. Бунда композиция элементлари горизонтал юзага жойлаштирилади, масалан, дала, шаҳар панорамаси ва бошқалар.

Вертикал композиция фаол, динамик композиция бўлиб, юқорига ўсиш, парвоз тасаввурини ҳосил қилади; унинг деталлари асосан тик чизик бўйича жойлашади.

Диагонал композициянинг қурилиши динамик ва шиддатли схемаларга асосланади.

Учбурчак ёки пирамидал композицияда турғун осойишта ҳолатга таянилади. Сурат юзасининг пастки қисми пирамиданинг негизи ҳисобланади.

Бадий безаш санъатида фронтал композицияларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг юпқа юза тарзида ижро этилишидир. "Фронтал композиция" атамаси французча "фронте" ясси, рўпарадаги деган сўздан келиб чиққан.

Фронтал композиция бошқа турдаги композициялардан ҳажми, масофа ва кенгликни бериши билан фарқланади. Бу икки ўлчамнинг бирлиги бутун композицияни яхлит кўришга имкон яратади. Реал буюмларнинг тасвири асар юзасида шартли равишда тасвирланади.

Фронтал композициянинг томошабинга таъсири бир канча омилларга боғлиқ. Улардан бири композиция жойлашган кенгликнинг хусусиятларидир.

Кенглик тўсилган бўлиши мумкин. Буларга ўқув биноси, ўқитувчилар хонаси ва бошқалар киради. Худди шу композициянинг ўзи очиқ жойда, бинодан ташқарида, мактаб саҳнида, кўчада бошқача бадий таассурот пайдо қилади.

Био интерьердаги фронтал композицияларнинг таассуроти, аввало, бинонинг ҳажми ва шаклига боғлиқдир. Бундан ташқари, улар ҳар қандай ўқув юрти биносида кўп учрайдиган турли ҳажмдаги жиҳозлар, масалан, мебел, қандиллар, турли ускуналар, асбоблар ва бошқалар билан ўзаро бирликда таъсир кўрсатади. Шунингдек, бинонинг ёруғлик ва ранг даражаси, хатто ундаги ҳарорат меъёри ва интерьернинг акустик хислатлари ҳам катта роль ўйнайди. Фронтал объектларнинг баъзи турлари, масалан, мавзутик альбомлар, табрикномалар, ёрлиқ ва бошқалар уларни саклашнинг муносиб даражада уюштирилишини талаб этади.

Фронтал композицияга хос анчагина қонуниятлар интерьер ва кўчадаги композициялар учун бир хилдир. Бирок кейингиларнинг

баъзи бир жиҳатлари бор. Масалан, ўқув юрти худуди ҳамда биносини безашга хизмат қиладиган монументал шакллар ҳамма ўқувчиларга бирдек тааллуқлидир. Демак, улар ўз мазмуни ҳамда шаклига кўра барча ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган бўлиши керак.

Бинодан ташқарисидаги плакатлар, чақириклар, эълонлар бино ичидагиларга қараганда йирикрок, кўзга яққолрок ташланадиган қилиб тайёрланиши керак. Шунингдек, уларни ёғингарчиликка ва ёрқин қуёш нурларига чидамли материаллардан (асосан бўёқлар) тайёрлаш лозим. Уларни пухта ва қулай ўрнатиш керак.

Ҳажмли композиция турли кўриш нукталаридан идрок қилишга мўлжалланган уч ўлчовли шаклда бўлади. Масалан, кўчадаги шакллар ҳар хил паннолар, ёдгорликлар ва ҳоказолар. Уч ўлчовли композицияда формулаларнинг ҳажмдорлиги ва тектоник қонуниятлари асосий роль ўйнайди.

Кенглик ва чуқурликка эга бўлган композициялар-томошабин бўшлиқ ичига қираётганида, ҳаракатда бўлган вақтда идрок этишга мўлжалланган шакл ва элементларнинг бир-бирига нисбати демакдир. Истироҳат боғлари (баъзан ўқув юрти тажриба участкаси), шунингдек, интерьердан ташкил этилган кўргазмалар бунга мисол бўла олади.

Бадий безаш санъати асарларининг анчагина хусусиятлари бор. Асарларнинг вазифасига мувофиқ композициянинг бирор хусусияти бўрттирилиши мумкин. Масалан, спорт мавзусида декоратив паннода композициядаги динамикани ифодалаш лозим.

Композиция ўз хусусиятлари билан пировард натижада бадий безаш ишларининг юксак бадийлигини таъминлайдиган асос бўлиб хизмат қилади.

Гармоник бирлик тушунчаси ўзида анчагина аспект (жиҳат) ларни мужассамлаштиради. Биз буюмни ёки асарни кузатар эканмиз, аввало унинг умумий кўринишига эътибор берамиз ва бўлақларини бир-бирига таққослаймиз.

Бадий безакларнинг бир бутунлиги (яхлитлиги) композицияни ташкил этадиган барча қисмларнинг ўзаро боғлиқлигидир. Элементларнинг гармоник бирлиги ўзида композициянинг хусусиятларини мужассамлайди. Бу эса ҳамма турда композициялар учун хос. Лекин текис композицияларда фонга алоҳида эътибор берилади, чунки у композицияга қирувчи барча элементларни ўзаро боғлайди.

Композицияларнинг гармоник яхлитлигида ранглар ҳам алоҳида аҳамият қасб этади. Айниқса, ранг асосий роль ўйнайдиган

мозаика панно, витражларда композицион гармонияга жиддий эътибор билан қараш лозим. Шундагина асарнинг ранг бирлиги эстетик таъсир этувчи энг асосий омилларидан бирига айланади.

Яхлитлик тушунчаси композиция элементларининг бир-бирига бевосита бўйсунishi каби тушунчалар билан боғлиқдир. Айтиш мумкинки, бу тушунчалар мазмун жиҳатдан бир-бирига жуда яқин ва бир хил қимматга эга. Элементларнинг бир-бирига бўйсунishi қандайдир бир томонлама механик боғланиш натижаси эмас, албатта. У фақатгина композицион заминда мавжуд бўлади.

Композиция қонуниятларидан асоссиз четланиш, одатда, безаш ишлари мазмунини ҳам, эстетик моҳиятини ҳам пасайтиради. Чунки, иккинчи даражали элементларни ўзига бўйсундирувчи асосий элементга эътиборни кучайтирмай, асарнинг таъсирчанлигига эришиш қийин.

Асосий ва иккинчи даражали элементлар тамойилини санъатнинг барча турларида кузатиш мумкин. Масалан, меъморлик санъатида бу тамойиллар оқилона қўлланиб, ажойиб бино ва ансамбллар бунёд этилган. Рангтаъсир, ҳайкалтаъсир ва график асарлар ҳам ўзида композицион ва мазмун марказига эга бўлиб, бошқа элементларни ҳам ўзига бирлаштириши керак.

Агар композиция элементлари томонларда бир-бирига нисбатан бир хил жойлашса, улар композицион мувозанатда бўлади.

Элементлар унча кўп бўлмаган тасвир текислигида композицион мувозанатни сақлаш айтарли қийинчилик туғдирмайди. Унда элементларни симметрик тарзда тасвирлаш ва жойлаштириш тамойилига амал қилиш, яъни элементларни марказий ўққа нисбатан бир хил узоқликда, бир хил катталиқда тасвирлаш асосий талаб ҳисобланади.

Композицион элементларнинг ассиметрик бўлиши бадиий безаш ишларида элементларни қўллаш учун маълум қўлайликларни яратди. Бунда композицион мувозанат марказий ўқдан келиб чиқмайди, балки композицион марказ у ёки бу томонга кўчирилган бўлади.

Текис ассиметрик композициялар бир ва бир неча элементлар заминиде қурилади. Бу элементларнинг характери ва ўзаро ўрин эгаллаши ҳар хил бўлиши мумкин.

Энди композицияда иштирок этаётган элементлар сонига қараб композицион мувозанатни сақлаш вариантларини кўриб чиқамиз.

1- вариантда бадиий безак элементи горизонтал ёки вертикал ҳолатда жойлашган картина текислигининг ўртасига жойлаштири-

лади. Бунга мисол қилиб айлана, овал ва бошқа симметрик шакллардаги орнаментал ва декоратив элементларни келтириш мумкин.

2- вариантда элемент у ёки бу томонга бир оз суриб тасвирланади. Бунга мисол бўла оладиган этюд ва картиналарни, айниқса, манзарачи рассомлар ижодида кўп учратиш мумкин. Шунингдек, ҳаракатни тасвирловчи композицияларда ҳам бу ҳолни кўриш мумкин, яъни ҳаракат йўналиши тасвирланган томонда кўпроқ бўш жой қолдирилади.

3- вариантда элемент картина текислигининг бир томонига деярли бутунлай сурилган бўлади. Бундай схемаларни бадий безаш ишларида (стендлар, деворий газеталар ва ҳоказоларда) кўп кўриш мумкин. Шунингдек, бундай вариантлар тасвирий санъатнинг графика, китоб графикаси каби турларида ҳам қўлланади.

Композициянинг асосий масалаларидан бири комбинациядир. Комбинация асосида бир ва бир неча элементнинг жойини ўзгартириш орқали композициянинг янгидан-янги ифодали вариантлари тайёрланади.

1- комбинация -- катталиги бир иккита элементдан ташкил топган композицион схема. Бу схемада ишланган вариантлардаги элементлар ўзаро рақобатлашаётгандек тус олиб, томошабин эътиборини жалб қилиш хусусиятига эга. Бадий безаш ишларида бундай схемалар жуда осон бажарилади.

2- комбинация -- катталиги икки хил бўлган элементлардан ташкил топган композицион схема. Бунда элементларнинг фақат ўлчамлари эмас, балки ранги ва фактураси ҳам ҳар хил бўлиши назарда тутилади.

Композиция йиғинчоқ ва кўриниши таъсирчан бўлиши учун фоннинг турли-туманлигини қандай аниқлаш мумкин? Аввало, композицион марказни, унда иштирок этаётган элементларни кенг ёки катта томонга ёки бўшлиққа сурилади. Шундагина композиция маркази бўртиб туради. Агар элементлар картина текислигини бутунлай қамраб олса, фон деярли йўқолади.

Элементларни композицион схемада қийшиқ ҳолатда жойлаштиришдан ҳам рангтасвир, графика декоратив-амалий санъат ва бадий безаш ишларида тез-тез фойдаланилади.

3- комбинация -- бир элементни иккинчиси устига жойлаштириб тасвирландиган композицион схема. Кўпгина вариантларда қуйидаги усул қўлланилади:

композицион схемадаги катта элемент кичик элементнинг устида ва аксинча тасвирланади. Ҳар икки вариантда ҳам бу элементларни ранглар ва уларнинг тўйинганлик даражаси бўйича ажратилади.

Бир элементнинг иккинчи элемент устида тасвирланиши рангтасвир ва графика санъатида кенг қўлланилади. Санъатнинг мазкур турларида бу усулларни қўллаш асардаги фазовий муҳитни, биринчи ва иккинчи пландаги предметлар орасидаги масофани ифодалашда қўл келади. Бадий безаш ишлари учта элементдан ташкил топганида ундан ҳам қизиқарлироқ композицион ечимлар ҳосил қилиш мумкин. Бундай элементлар ҳам ўлчамли, ҳам жойлашиши бўйича комбинацияланади. Бир катта ва бир кичик элементнинг комбинацияланишидан келиб чиқадиган композицион ечимлар бадий безаш ишларида жуда кўп қўлланилади.

Шакли ҳар хил учта элементдан ташкил топган комбинацион схемани бажаришга киришишдан олдин ҳар бир элементнинг мазмундан келиб чиққан ҳолда уларнинг асосийларини ранги ёки бошқа сифатига кўра ажратишга алоҳида эътибор бериш керак.

Нихоят, тўрт ва ундан ортиқ элементнинг қўшилишидан ҳам композицион ечимлар ҳосил қилинади. Бундай ҳолларда тўғри композицион ечим ҳосил қилиш учун иштирок этаётган асосий элементларни тўғри топиш муҳимдир. Айни пайтда қолган элементлар асосий элемент билан узвий боғланишда бўлиши керак ёки аксинча қолган элементлар асосий роль ўйнаб, бир элемент уларни тўлдирувчи, иккинчи даражали элемент сифатида қўлланиши мумкин.

Маълумки тўрт ва ундан ортиқ элемент бўлган декоратив панно эскизининг мукамал композицион ечимини топиш анча мураккаб вазифадир. Лекин бу элементларни мазмунан бир гуруҳга бирлаштириш вазифани енгиллаштиради.

Маълум кенгликка эга бўлган композицион ечимларда мувозанат мақсад ва объектлар доираси кабилар билан чегараланади. Бунга болалар бадий ижодиёти намуналаридан кўргазма ташкил этиш, интерьерни, унинг атрофидаги ҳудудни (спорт ва ўйин майдончаларини, йўлка ва яшил зоналарни) режалаштириш, шу жойларда плакатлар ўрнатиш ва ҳ.к. ни мисол қилиш мумкин.

Композицион мувозанатни тор доирада тушуниш ярамайди. Бу, масалан, бино фасади олдидаги йўлканинг ўнг томонига учта шчит (тахта) ўрнатилган бўлса, чап томонида ҳам шунча шчит бўлиши керак, деган гап эмас. Бундан фаркли ўларок, йўлканинг

ўнг томонига учта шчитни горизонтал ҳолатда ва чап томонига битта транспортант ёки декоратив элементни тик ҳолатда ўрнатиш мумкин.

Бадий безаш санъатида динамиклик ва турғунлик буюмларнинг умумий шаклида ҳам, уларнинг ташкил этувчи алоҳида элементларнинг характерида ҳам ўз ифодасини топади.

Динамик ва турғун композициялар ҳам ўз қонуниятларига эга. Безакчи рассом ёки халқ устаси бирор ишга киришишдан олдин ўзи бажарадиган вазифани яққол тасаввур этиши, ўз асаридаги композициянинг динамик ёки турғунлигини, қайси бири асосий ўрин тутишини кўз олдида келтира олиши керак. Булар ўртасида қарама-қарши маъно келиб чиқишига йўл қўймаслик, яъни асосий ва иккинчи даражали элементларнинг мантикий уйғунлигига эришиш лозим.

Агар бажарилаётган композицион ишда динамиклик асосий ўрин тутса, ҳамоҳанг турғун элементлар композициянинг асосий ғоясини ифодалаб туриши керак.

Квадрат ва айлана шаклидаги элементлар турғун характер касб этади. Тўғри тўртбурчакда эса бир оз ҳаракат аломати бўлиб, тўғри тўртбурчакнинг горизонтал ва вертикал томонларининг нисбати канча қисқариб борса, ҳаракат аломати шунчалик долзарб-лашади.

Агар тўғри тўртбурчакнинг бўлаклари кичиклашаётган томон баландлигини ҳам қисқартириб борилса, ҳаракат йўналиши янада конкретлашади.

Декоратив санъатда турғунлик етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Тўғри тўртбурчак, овал ва айлана шаклларидаги кандакорлик, ўймакорлик ва наққошлик буюмлари, шунингдек, бадий безаш объектлари - стенд, витрина, плакат ва шу кабилар кўп ҳолларда ташки турғунликка эга бўлади.

Безакчи рассомлар ўз ижодида динамик композиция воситаларидан кўп фойдаланади. Динамик композиция деганда буюм бўлаклари ва уларнинг ўзаро миқдорий боғланиши тушунилади. Бу боғланиш айрим пластик формаларнинг, текис ва ҳажмли нарсаларнинг қурилишида ҳам, бутун композиция структурасида ҳам кўринади.

Қадимда меъморлар ўз асарларида композиция воситаларини ўта даражадаги маҳорат билан қўллашган. Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси, Самарқанддаги Регистон ансамбли, Хивадаги Исмоил Ҳожи минораси, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси ўзи-

нинг ўта мутаносиб шакллари, фусункорлиги билан фикримизга далил бўла олади.

Қадимги Греция рассомлари табиатдаги ҳамма нарсанинг мутаносиблигига алоҳида эътибор бериб, унинг шакл ҳосил қилувчи қонуниятларини меъморлик, ҳайкалтарошлик, амалий санъат ва бошқа соҳаларда кенг қўллаганлар. Бундан ташқари, улар табиатдаги деярли барча нарсалар асосида геометрик шакллар ётишини аниқлашган.

Ўлчамларнинг мутаносиблиги кенглик ва чуқурликка эга бўлган композицияларда ҳам қўлланилади, айниқса у композиция режасини тузишда ҳисобга олинади.

Бунда энг асосий масала (айниқса, дастлабки босқичда) шчитларнинг иш майдони ва мутаносиблигини аниқлашдир.

Декоратив характердаги ҳажмли буюмларда, жумладан, энининг бўйига нисбати кўпинча эстетик вазифалар асосида ҳал этилади. Айни пайтда уларнинг функционал вазифаси ҳам ҳисобга олинади. Сув ёки бошқа шарбатлар сақлашга мўлжалланган кўза баланд, чўзиқ пропорцияга эга бўлиши керак. Чунки паст ва япалок кўзадан идишга сув қуйиш ноқулай бўлади. Ёки таом қўйиш учун мўлжалланган ликопча япалок бўлиши керак ва ҳоказо.

Классик санъатдан келиб чиққан "Олтин кесим" қонунияти жуда кенг тарқалган бўлиб, моҳияти шундан иборатки, бутунни иккита тенг бўлмаган бўлакка ажратилганда кичик томоннинг бўйи катта томоннинг энига тўғри келади.

Олтин кесим қонуни ўсиб боровчи сонлар каторида акс этади: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 13, 21, 34, 55, 89, 144 ва ҳ.к.

Безак санъатида ҳам "Олтин кесим" қонидаси кенг ишлатилади. "Олтин кесим" пропорцияси асосида бажарилган панно ҳажмли гармоник таассурот қолдиради.

Тасвирий санъатда композиция тузишда контраст ва нюанс алоҳида диққатга сазовордир.

Контраст композициянинг кенг қўлланиладиган воситаларидан бўлиб, декоратив - амалий санъатда ҳамда бадиий безаш ишларида жуда кенг қўлланилади.

Маълумки, баъзи мавзулар фаол, контраст ечимни талаб этади. Шундай мавзу устида ишлаш жараёнида контрастга мурожаат этилмаса, иш натижаси зерикарли, хира, айни пайтда ғояни нотўғри кўрсатадиган бўлиб қолади. Баъзан эса элементларнинг такрорланиши сабабли контраст композицияга мос тушмайди. Ана

шундай ҳолларда нюансга рангларнинг нозик томонларини ишлаб чиқишга аҳамият берилади.

Контрастнинг анчагина турлари мавжуд бўлиб, уларнинг орасида ҳажмлар контрасти сезиларли ва таъсирчанроқ бўлади. Ёнма-ён қуйилган иккита буюмни кузатишда уларни солиштириб кўриш эҳтиёжи туғилади. Бу оддийгина солиштириш, аввало буюмнинг ўлчамлари ҳажми ва вазнига тааллуқлидир. Агар солиштирилаётган буюмларнинг ҳажми бир хил бўлса, улар ракобатлашаётгандек туюлади, бири иккинчисидан сезиларли даражада катта бўлса, контрастлилик ҳосил бўлади.

Ҳажмлар контрасти - композиция таъсирчанлигини таъминловчи воситалардан бири.

График йўсинда бажарилган текис композицияларда контраст бошқача тус олади: оқ фондаги қора элемент максимал контраст беради. Бадиий амалиётда ана шу ўта контрастлилик кенг тарқалган. Фикримизнинг далили сифатида оқ қоғозга қора тушъ билан ишланган расмларни, журналлар ва китобларнинг иллюстрацияларини эслаш kifоя.

Контраст масаласига, фақат бадиийлик нуктаи назаридан ёндашиш ярамайди. Унинг аҳамияти техник эстетика мосламалари билан боғлиқ буюмларнинг функционал моҳияти ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда акс эттирилади.

Одатда, контрастни бир вақтда ранг нозиклиги (нюанс) тўлдириб боради. Композициянинг бу икки воситасидан фойдаланиш юксак бадиий савиядаги асарлар яратиш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Ранглардаги контраст ва нюанс санъатнинг барча турларига тааллуқлидир. Бу нозик чизиклар, қаламсурат, рангларни устма-уст қўйиш ҳисобига тўйинтириб борувчи акварель графикаси ёки ҳақиқий пластик воситали ҳайкалтарошлик санъати бўлиши мумкин.

Санъатнинг ҳамма турларида (музыка, театр ва кинода ҳам контрастлилик нюанслар билан тўлдириб борилади).

Контраст ва нюанс бир-бири билан ўзаро қонуний боғланишга эга. Бу қонуний боғланишга амал қилиш асарларни қизиқарли ва принципиал тўғри композицияли қилиб яратишга ёрдам беради.

Ранглар нозиклигини таъминлашга, одатда, ишнинг якуний қисмида киришилади. Лекин ҳақиқий уста рассом композиция ғоясини ишлаб чиқиш жараёнидаёқ контраст ва нюанснинг характери

ва даражасини ҳал қилиб олади. Декоратив - амалий санъатнинг айрим турларида бошқача йўл бўлиши ҳам мумкин эмас.

Мозаика ёки витражни бошлашда муаллиф ўз ихтиёрида қандай материаллар, яъни қанча контраст, қанча ноконтраст рангли бўёқлар борлигини билади.

Юқорида баён этилганлардан хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, мактабларда амалга оширилаётган бадий безаш ишларининг ҳаммасида ранглар, шакллар ва фактураларнинг бўлиши ва аини пайтда улардаги нозик фарқларни тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бадий безаш ишларида метрик такрорланиш алоҳида роль ўйнайди.

Композициядаги метрик такрорланиш асарда қандайдир элементнинг бир неча марта ишланишидир. Такрорланиш расом бажараётган қайсидир қисмда ёки бир декоратив звено (бўғин) да акс этиши мумкин. Уларнинг ҳар хил такрорланиши қатор қонуниятларга асосланади ва бу қонуниятлар энг аввал такрорланаётган элементларнинг шакли ҳамда катталигига боғлиқдир.

Метрик такрорланишни санъатнинг барча турларида учратиш мумкин ва у санъатнинг айрим турларида композициянинг белгиловчи омили бўлиб хизмат қилади.

Безак санъатида метрик такрорланиш кенг қўлланади. У айниқса, бадий нақш ва ўймакорлик асарларида аниқ ифодаланади. Агар такрорланиш сони кам бўлса, асар гўёки тугалланмагандек туюлади. Чунки 2-3 марта такрорланган элементлар алоҳида идрок этилади. Метрик такрорланиш шунчаки эстетик ташкил этилган воқеа бўлиши ҳам мумкин. Бунда асардаги элементлар алоҳида – алоҳида эмас, балки бир қарашда умумий бўлиб, ўзаро ҳамохангликда идрок этилади. Бунга эса такрорланиш сони олти-етти мартадан ошгандагина эришиш мумкин.

Ясси ва ҳажмли элементлар такрорланишининг хусусияти шуки, киши уларни турлича идрок этади. Ясси элементлардан фарқли ўларок ҳажмли элементларнинг такрорланиши кам микдорда бўлса ҳам, олдинроқ кўзга ташланади. Бунинг сабаби – ҳажмли шакллар мураккаброқ бўлиб, бизга перспектив қисқаришда кўринишидадир. Ҳажмли, кенглик ва чуқурликка эга бўлган қурилмалар доимо текис элементларга нисбатан фаолроқ кўринишга эга бўлади.

Ритмик такрорланиш коидаси баъзан онгли равишда бузилади. Масалан, икки параллел чизик билан чегараланувчи бадий нақшда маълум такрорланишдан сўнг қандайдир янги элемент қўшиш эҳтиёжи туғилади. Бу эҳтиёж нақшнинг бадий ва эстетик қимматини оширади.

Бундай ўлчовли элементларнинг кетма-кет такрорланиши ритм деб аталади. У аста-секин сон жиҳатдан ўзгариб боришни ифода-лайдиган ўзига хос қонуният ҳисобланади.

Ритмик қаторда ясси ва ҳажмли шакллар, структурали ҳамда бошқа қурилмалар бўйсунди.

Динамиклик ва мувозанат тушунчалари билан боғлиқ ритмик қатор шаклларнинг ҳаракатини очиб беради.

Арифметик ёки геометрик прогрессия асосида қурилган ҳаракатлар тизимидаги даражаларни лозим бўлса, кучайтириш ёки пасайтириш имконини беради. Арифметик прогрессия асосида қурилган ритмик қатор ундаги элементларнинг фарқлари доимий сақланиши билан характерланади.

Ритм қонуниятларини билиш таъсирчан композиция тузишда ритмик кўринишнинг характерини тўғри танлашга катта ёрдам беради.

2 - §. Ранг ва ёруғлик

Ўқув юртидаги бадий безаш ишларининг асоси бўлган интерьерларни ёритиш масалаларига ўзаро узвий боғлиқ қараш лозим. Инсон кўзи сиртлардаги ёрқинлик ва рангларни шу сиртларга тушаётган ёруғликнинг қайтиши натижасида идрок қилади. Сиртларнинг ёрқинлиги, биринчидан, уларни қандай рангли ёруғлик нурлари билан ёритилганига, иккинчидан, шу сирт унга тушаётган нурларни қандай акс эттиришига боғлиқ. Қундузги ёруғликда ранглар ва уларнинг туслари яхши кўринса, кам ёритилган жойларда ранглар тўқнашади ва бир-бирдан фарқланиши қийинлашади.

Ранглар спектрида мавжуд бўлган барча рангларни учта асосий кўрсаткич бўйича характерлаш қабул қилинган:

1. Ранг қайтариш коэффиценти ўлчанадиган ёрқинлиги (сиртга тушаётган ёруғлик ва сиртдан қайтувчи ёруғлик нисбатлари) билан.

2. Ранг тўлқинидаги айнан ўша рангнинг ўзи билан.

3. Рангнинг тўйинганлиги ва тозаллиги (рангнинг ранглар спектридаги бошқа рангларга нисбат миқдори) билан.

Ўқув юрти интерьерларидаги ранг ва ёритилиш масаласида энг аввало кўриш учун оптимал шароит яратиш талабларидан келиб чиқиш лозим. Ёруғлик ва ранглар дарс самарадорлигига, кўриш учун қулайлик даражасига, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг умумий саломатлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Иш хоналари: синфлар, лабораториялар, устахоналар, кутубхоналар ва умуман кўзга ҳамда диққатга зўр келадиган жойларда ёруғлик ва рангга меҳнатни, ҳиссиёт ва кайфиятни яхшилаш ҳамда тез чарчашнинг олдини олиш воситаси сифатида қараш керак.

Рангнинг психологик вазиятлари турли ранглар ва ранг бирикмаларининг кишилардаги ҳиссий ҳолатларга таъсир этиш қобилятидан келиб чиқиб яратилади. Гарчи рангнинг идрок қилишда кишининг шахсий хусусиятларига, ҳаётининг тажрибасига боғлиқ жуда кўп субъективлик мавжуд бўлса-да, мутахассислар ранг кишига таъсир кўрсатишининг қатор умумий хусусиятларини ифода қилишди¹. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, хона ва интерьерларни жиҳозлаш, оммавий тадбирлар: мунозара, митинг, тантанали маросим ва кечалар ўтказиладиган жойларни безаш учун нурни филтрлайдиган рангли ёриткичлар ва аппликациялардан фойдаланиш керакли кайфиятни вужудга келтиришда катта роль ўйнайди. Бунинг далили сифатида шуни айтиш мумкинки, мунозараларда сариқ, тўқ сариқ, яшил, оч жигар ранг ёриткичлар ёрдамида кўшимча ишончлилиқ, ошқоралиқ вазияти, кечаларда оч тусли кизил, сариқ, ҳаво ранг ёриткичлар орқали кўтаринкилик кайфияти, тантанали митингларда сариқ, кўк, тўқ сариқ, яшил рангли ёриткичлар билан жиддийлик, батартиблиқ вазияти вужудга келтирилади².

Дам олиш хоналаридаги ранг ва ёруғлик ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ишдан ва ўқишдан бўш вақтларида яхшироқ ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароит яратадиган бўлиши лозим.

Замонавий мактаб интерьерини бадий безатишда унинг ёритилганлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Интерьерни ёритишда табиий ёруғлик манбаидан тўғри, оқилона ойдalanиш анча мураккаб ишдир. Бунда, биринчидан, хоналарнинг ёруғлик тушадиган томонини ҳисобга олиш зарур. Масалан, тасвирий санъат, бичиш-

¹ Ранг. Прикладная цветопсихология. М.: 1973.

² Ранг. Лутошник А.Н. Эмоциональная жизнь детского коллектива М.: Знание, 1978, 36 - бет

тикиш машғулотлари учун ажратилган хоналарга табиий ёруғлик манбаи чап томондан тушиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, айнан шундай ёруғликда рангларнинг нозик томонларини илғаб олиш учун қулай шароит туғилади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ҳаво булутли пайтда бичиш-тикиш хонасида шугулланаётган ўқувчилар қора матодаги қирққа яқин ранг тусларини фарқлай олишлари мумкин. Агар ҳаво чараклаб турган бўлса, нурлар кўкимтир тус олади, бу эса рангларни таққослаш имконини пасайтиради.

Иккинчидан, синф хонасига ёруғликнинг тушиши ҳажмини аниқлашда муайян шароитларни ҳисобга олиш лозим. Ёруғлик тушадиган дераза қанча катта бўлса, тушаётган ёруғлик ҳажми шунча кўп бўлади. Лекин бу деразанинг катталиги шимолий ҳудудларда синф хонасини иситишни қийинлаштиради, жануб томонларда хоналар ҳаддан ташқари исиб кетишига сабаб бўлади.

Шунинг учун меъморчиликда табиий ёритилганлик коэффициенти нормаллаштирилади. Меъморчиликнинг вазифаси барча ҳоллар учун оптимал вариант топиш, хоналарини ёруғлик билан бир текис таъминлаш чораларини қўллашдир. Унинг ихтиёрида турли сунъий ёритиш манбалари ҳам бўлади.

Ўқув устахоналарини ёритишда кўпроқ юқоридан сунъий ёруғлик бериш усули қўлланилади. Бу усул нурларни бир хил йўллаб, тўғри соя ҳосил қилади.

Ёруғлик гигиенаси жуда зарур компонент эканини доимо ёдда тутиш лозим. Шифокорлар тўғри ёритилган хонадаги муайян шароит иш унумдорлигига, ўқитиш сифатига, ўқувчиларнинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатишини аниқлаганлар.

Ёритиш қоидалари унча кўп эмас ва уларга амал қилиш айтилган қийинчилик туғдирмайди. Биринчидан, синф хонасининг умумий ёритилганлик даражаси (стол лампаси ёки бошқа турдаги манба бўлганда ҳам) етарли бўлиши керак.

Иккинчидан, ёритиш манбаини тўғри жойлаштириш керак, яъни у чап томондан тушиши мақсадга мувофиқдир. Ёруғлик лампасидан кўзга тўғридан - тўғри ёруғлик тушмаслиги, ёруғ билан соя, ёритилган сиртлар билан ёритилмаган сиртлар ўртасидаги контраст жуда кескин бўлмаслиги, шунингдек, парталар устида бир неча ёруғлик манбаидан буюмларнинг соялари тушишига йўл қўймаслик керак.

Машғулотларнинг 3-4 – соатларига бориб имкон бўлса, хоналарнинг ёритилганлик даражасини ошириш ўқувчилар иш қо-

билиятини яхшилаиди. Агар ёз пайтларида республикамиз мактабларида бу масала табиий ёруғлик ортиши ҳисобига ҳал этилса, киш кунлари бу масалага алоҳида эътибор бериш лозим.

Атрофдаги буюмларга соя туширадиган ёруғлик манбаи улардаги рангларни идрок этишни қийинлаштиради. Тасвирий санъат хонаси, картиналар галереяси ташкил этилган жойларда техник тавсияларга мувофиқ келадиган ёритиш воситаларини ўрнатиш зарур.

Хоналарнинг ёритилиш даражаси нормадан кам бўлса, кўз жуда қийналиб ишлайди. Бу фақат кўриш аппаратини эмас, балки бутун организмни чарчатади. Бундай шароитда сурункасига шуғулланиш эса кўзнинг касалланишига ҳам олиб келади.

Ёритилиш даражаси ўқувчиларнинг кўриш фаолиятигагина эмас, балки психик ҳолатларига ҳам таъсир қилади.

Кўриш майдонидаги ёруғликнинг нисбатларига риоя қилиш кўриш учун жуда муҳимдир.

Инсон кўзи турли даражадаги ёритилганликка мослашиши мумкин. Рақамлар билан ҳисоблаганда сезиларли даражада бўлсада, кўриш қобилияти ёритилганлик даражаси жуда юқори бўлган шароитга ҳам, жуда паст бўлган шароитга ҳам қўникади.

Ёритилганлик даражаси тез - тез ўзгариб турса, кўз ҳам тез чарчайди. Сабаби кўз ҳар бир ўзгаришга мослашиши керак. Қўникма жараёни тез-тез такрорланиб туриши кўзнинг толиқишига олиб келади. Шунингдек, кўриш майдони қамраб олган сиртларнинг ёркинлигидаги фарқлар ҳам кўзни толиқтириб қўяди. Шунинг учун ҳам тахта, деворлар, стол ва полларнинг ранги катъий регламентлаштирилган бўлиши керак.

Маълумки, ёруғлик ҳамма ранглар гаммасини вужудга келтиради. Ранг қуёш нурлари ёки ёритиш манбаларисиз ҳосил бўлмайди.

Ҳамма ранглар ахроматик (оқдан қорагача) ва хроматик (спектр ранглари) рангларга бўлинади.

"Рангнинг ёруғлиги (ёки ёркинлиги), - дейди Е.С. Хмелевская, - унинг оққа яқинлик даражасидир. Қизил ва пушти бир хил тусдаги ва ёруғлиги ҳар хил ранглар бунга мисол бўла олади"¹.

Ранглар табиатини илмий асослаш жаҳоннинг кўпгина олимларида қизиқиш уйғотган. Жумладан, Исаак Ньютон ёруғлик синиб ўтиб, ранг деб ҳисобланган назарияни инкор этиб, унинг учбурчак

¹ Ранг. Хмелевская Е.С. Наружная окраска зданий. Лениздат 1953.

шаффоф призмадан ўтиб, турли рангли нурларга айланишини тажрибада кўрсатиб берди.

Интерьерларни бўяшда бўёқлар рангининг таъсирини албатта ҳисобга олиш керак. Тиббиётда ранглар кишининг организмга таъсир қилиш жараёни комплекс тарзда кечишини, яъни барча сезги органларини қамраб олишини исботланган. Одам организми ранг ва ёруғликнинг озгина ўзгаришини ҳам сезади.

Айрим рангларнинг спецификаси ҳароратни, катталики, оғирлики ва масофани психологик ўзгаришига олиб келади.

Оч рангларга бўялган сиртлар тўқ рангларга нисбатан юқориқоққа чиққандек туюлади. Яна шу нарса маълумки, оч рангга бўялган буюм енгилроқ, тўқ рангга бўялган буюм эса оғирроқ деб тасаввур қилинади.

Яна шуларга алоҳида эътибор бериш керакки, оқ девордаги қора тахта оққа бўялган столнинг устки, сирти ёки қора рангли стол ва парталар фонидаги оқ қоғоз, дафтарлар кўзни тез толиқтиради, ўқувчи организмнинг умумий чарчаши меҳнат лаёқатининг сустлашишига олиб келади.

Кўриш майдонининг ён томонларидаги ёруғлик тақсимланишида хонадаги барча сиртларни умумий ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Хонадаги сиртларнинг ёруғ қайтариш коэффициентлари юқори бўлса, қайтариувчи тарқоқ нурлар билан ёритилади. Бунда тўқ ранг соялар йўқолиб кетади.

Кундуз кунлари хона деворлари қайтарувчи нурлар билан қамроқ ёритилган бўлади. Икки сменада ишлайдиган мактабларда (айниқса, қиш пайтларида) кўриш майдонининг ён томонидаги деразали деворлар сунъий ёритиш манбаларидан тушаётган нурлар ҳисобига ёрқинлашади. Шунинг учун деразани қарама-қарши томондаги девор рангига бўяш, ойнани эса ёруғлик қайтариш коэффициенти деворнинг ёруғлик коэффициентига мрс рангли парда билан беркитиб қуйиш лозим.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ёруғлик тушганда ялтираш хусусиятига эга бўлган буюмлар ҳар томонлама талабга жавоб берадиган қилиб ёритилган хоналардаги комфортни бузади.

Кўриш органи қамроқ чарчаши учун синф хоналарини тўғри ёритиш билан бирга улардаги ранглар гаммасига жиддий эътибор бериш керак. Синф хоналарини бўяш учун ранглар спектридаги яшил, сариқ ва оқ ранглар энг оптимал ранглар ҳисобланади. Чунки кўз бу рангларга ўрганишда бошқа рангларга ўрганишдагига

нисбатан камроқ чарчайди. Шунинг учун синф хоналарини тўйинганлик даражаси унча катта бўлмаган иссиқ гаммага бўяш керак. Иссиқ ёки совуқ гаммадаги рангларни танлашда маҳаллий шароитлардан келиб чиқилади. Катта сиртларни (девор, пол ва ҳоказоларни) бўяшда танланган ранглар кичик сиртларда унча ёрқин кўринмайди. Чунки катта сиртларга хонадаги бошқа сиртлардан қайтувчи нурлар кўпроқ тушади. Катта сиртларни кул ранг ёки унинг юқорида айtilган ранглар билан аралашмасига бўяш мувоффиқдир.

Тоза оқ ранг синф хоналаридаги ички сиртларни бўяш учун тавсия этилмайди, чунки у ранглар ёрқинлигидан контрастни жуда ошириб юборади. Синф хоналаридаги буюм ва сиртларнинг айрим қисмларини қора рангга бўяш ҳам худди юқоридаги вазиятни вужудга келтиради. Ундан ташқари, қора ранг ўзининг ёруғликни ютиш хусусияти билан хонанинг умумий ёритилганлик даражасига ҳам салбий таъсир ўтказди.

Барча ёшдаги ўқувчилар тоза ва ёрқин рангларни хуш кўрадилар. Лекин ўқувчиларнинг у ёки бу рангга мойилликлари ёшлари улгайиши билан ўзгариб боради. Кичик ёшдаги ўқувчилар иссиқ тусдаги рангларни кўпроқ ёқтирадилар, совуқ тусдаги ранглар огушида улар ўзларини ўқув-тарбиявий жараён талаб қилганидай ҳис эта олмайдилар. Ўрта ёшдаги ўқувчилар илик тусдаги рангларни афзал кўришса, катта ёшдаги ўқувчилар совуқ тусдаги рангларга мойиллик билдирадилар.

Ранглар ўртасидаги муносабатларга келганда эса кичик ёшдаги ўқувчилар нисбатан тўйинган контраст рангларни хуш кўрадилар. Ўрта ва катта ёшдаги ўқувчилар бироз мураккаброа бири-бирига яқин рангларни яхши кўрадилар.

Мактаб биносини ранг жиҳатидан безашда унинг ҳамма жойларида бир хил рангнинг қайтарилиши мутлақо нотўғридир. Афсуски, айрим мактабларда бу ҳол юз бериб туради. Мактаб коридорлари, синф хоналарининг панелларини бир хил рангга (мисол учун яшил ёки ҳаво рангга) бўялади.

Ранглардаги ҳаддан ташқари монотонлик ўқувчиларни тез зериқтиради ва чарчатади. Эстетик нуқтаи назардан олганда ранглардаги тўйинганлик ва ёрқинлик даражаси турли вариантларда олинган тақдирда ҳам талабларга жавоб бермайди. Бир хил ранглар чарчаш, хатто, тўйинган рангларга эга бўлган сиртлар ҳам унча назарга тушмай қолишга олиб келади.

Қўлланилаётган ранг хиллари айникса кичик ёшдаги ўқувчилар учун жуда муҳимдир. Шунга кўра синф хоналаридаги ранглар икки-уч хилдан ошмаслиги лозим. Ўқув юртидаги умумий ранглар уйғунлигини сақлаш учун бир хил рангларнинг тўйинганлик ва ёрқинлик даражаси бир неча вариантларда олиниши мумкин. Ўқитувчилар ёктирадиган ёрқин, тўйинган рангларни ўқув машғулотлари ўтказиладиган хоналарда қўллаш мумкин. Дам олиш хоналари, вестибюль, зинапоялар, ошхона, мажлислар зали ва бошқа жойларда қўлланиладиган рангларнинг ёрқинлиги ва гаммасига қўйиладиган қатъий талабларга жавоб берадиган ранглардан фойдаланиш керак. Бу жойлардаги рангларнинг ёрқинлик жиҳатидан контраст бўлиши ўқувчиларнинг бинога кириб келишида, та-наффус пайтларида уларнинг кайфиятини кўтаради.

Аммо ёрқин тўйинган ранглар билан катта сиртларни бўяш тавсия этилмайди. Чунки бу ҳол умумий ёритилганликни пасайтиради, ўқувчиларда тигизлик таассуротларини келтириб чиқаради, уларнинг кўзини чарчатади.

Рангларнинг тусини танлашда хоналар ва бошқа жойларнинг ёритилганлигини тўғри баҳолаш керак. Шундагина синф хоналарни ўқувчиларнинг ёшларига мос қилиб ёритиш, рангларнинг муаносиблигига эришиш мумкин.

Жило ва рангни ҳис этиш пайтида нурнинг физик хусусиятлари туфайли юз берадиган баъзи қонуниятлар ҳозир яхши маълум. Жило – ёрқин тасаввур ҳиссиёти фақат кўзнинг тўр пардасига тушаётган нурнинг интенсивлигига эмас, балки кўзнинг тўр пардасига бундан олдинги тушган нурнинг интенсивлигига ҳам боғлиқдир. Агар кўз маълум вақт қоронғиликда турган бўлса, у сезгирроқ бўлиб, нур ёрқин бўлиб туюлади. Бу ҳодисани қоронғулик адаптацияси деб аталади. Ёрқинликни ҳис этишни белгилайдиган яна бошқа омил - ҳис этаётган объектни қўшаб турган майдон ёрқинлигининг интенсивлигидир. Қора фон ўртасида турган нарсга юзаси ёрқинроқ кўринади. Унинг ранги қўшимча нур тушаётган атроф майдон ёки кенгликдаги ёрқинлик контрасти деб аталади. Агар қўнғир квадрат қора фонга қўйиб қаралса, у ёруғ фондаги қўнғир квадратга нисбатан ёруғроқ кўринади.

Бундан ташқари, давомли ёруғлик контрасти ҳам мавжуд бўлиб, бу кўриладиган объектнинг таъсиридан кейин ҳам бир оз вақтгача давом этадиган кўриш ҳиссиётининг ҳолатидир. Равшан ёнаётган электр лампасига қараб туриб, сўнг мўътадил ёритилган

деворга қарасак, унда шаклан лампочкани эслатадиган кора доғни кўришимиз мумкин.

Ранг ҳам худди нур ва соя сингари буюмнинг шаклини рўёбга чиқариб, уни билишга имкон яратади. Шу маънода шакл буюмнинг салмокли жиҳати бўлиб кўринади. Реал ҳаётда ранг шаклни ташкил этувчи омил сифатида гавдаланади.

Организмга рангнинг таъсири хусусида тўхталадиган бўлсак, қизил ранг ҳиссиётни кўзғатади, кўк ранг пасайтиради, яшил ранг тинчлантиради, деб қаралади, бу таъсирнинг қонунияти яхши ўрнатилган бўлса ҳам, ҳозирги пайтда рангнинг организмга таъсирини физиологик жиҳатдан изоҳлаб берадиган биронта ҳам тадқиқот ёки фараз мавжуд эмас. Бу таъсирларни изоҳловчи қарашлар орасида энг кўп тарқалгани қизил рангнинг олов билан, яшил рангнинг майсазор ва далаларнинг тинчлантирувчи таъсири билан, кўк рангнинг сувнинг совутувчи таъсири билан ассоциациясига доир қарашдир.

Рассомлар "иссиқ" ва "совуқ" ранг деган тушунчаларни ишлатишади. Бу тушунчалар психологик жиҳатдан деярли ўрғанилмаган. Баъзи олимлар бу атамалар мазкур ранг бошқа бир ранг тусига томон ўзгара бошлагандагина маъно билдиради, деб ҳисоблайдилар. "Илиқ" ва "совуқ" терминларининг таъсири асосий рангдан биров бўлса-да, четлашган тақдирдагина юзага чиқади. Масалан, кўк ранг қизғишга қараганда илиқроқ бўлиб туюлади.

Рангларнинг афзаллигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда келтирилган маълумотларда қарама-қаршиликлар мавжуд. Рангларнинг афзаллиги ҳақидаги қараш ижтимоий-шахсий омилларга боғлиқ, деб чиқарилган хулоса тўғридир. Либосларнинг, мебель, квартира деворларининг рангини ёқтириш - кишининг ёши, касби ҳамда уни қуршаб турган табиат: ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ҳолатига ҳам боғлиқдир.

Кўз билан кўриб ҳис этишда буюмнинг ҳамда кузатувчининг ўз ҳаракати ҳам муҳим омилларидан саналади. Ҳаракат қилаётган нарсалар бизнинг диққатимизни жим турган нарсаларга қараганда кўпроқ ўзига жалб этади.

Ҳаракатни кўриб ҳис этишни тушуниш учун ҳаракатланаётгандек тасаввур ҳосил қилишнинг аҳамияти каттадир. Масалан, атроф - даланинг ҳаракат фонида ҳаракатсиз объектларнинг ҳаракатланаётгандек бўлиб кўриниши "Ҳаракатсиз" булут тўдаси орасидаги ойнинг "парвози" ҳам мана шундай тасаввурни беради.

Одатда, болалар рангдан жуда тез ва кучли таъсирланадилар. Шунинг учун биноларнинг кандай рангга бўялиши биринчи даражали масаладир. Кўз билан кўриб ишлаш учун энг яхши шароит яратиш бўйича ишланган мамлакатимиз ва чет эл олимларининг тадқиқотларида ранг масалаларини тўғри ҳал қилиш юзасидан тегишли хулосалар чиқарилади. Бу хулосалар болалар шуғулланадиган хоналардаги ёруғлик даражасини, нур мутаносиблигини, улар учун энг маъқул рангларни танлашда катта ёрдам беради.

Тажриба синф хоналари тўғри ва функционал жиҳатдан маъқул рангларга бўялса, ўқувчиларнинг ишлари янада жонланишини ва улар ўқув материални яхшироқ ўзлаштиришларини кўрсатмоқда. Биноларга ранг бериш масалалари фақат функционал жиҳатдан эмас, балки ҳозирги замон интерьерининг бадий муаммолари нуқтаи назаридан ҳам ҳал қилинмоқда.

Ўқув юртидаги ҳамма хоналарни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Булар а) ўқув хоналари, б) дам олиш хоналари, зина, мажлислар зали ва ҳоказолардан иборатдир.

Биринчи гуруҳдаги хоналарда кўз нури ҳамда эътиборни бир ерга тўплаб шуғулланилади. Бу хоналар оддий, бир-бирига яқин оч ранглар билан бўялади.

Иккинчи гуруҳдаги хоналар ўз вазифасига кўра ранг жиҳатдан ўқув хоналарининг тескарисидир. Мажлислар зали, вестибюль, ошхона, зиналар рангдор, қувноқ, контраст рангларга бўялиши лозим. Бу жойларда рангларнинг меъёри хусусида кескин талаблар мавжуд эмас.

Ранг ҳамда ёруғликнинг кучли контрастлари ўқувчиларда қувноқ кайфият яратишга кўмаклашади. Аммо бундан мазкур хоналарнинг деворлари турли-туман тўқ рангларга бўялиши керак, деган хулоса чиқармаслик лозим. Бундай ранглар болаларнинг жигига тегиши, эстетик жиҳатдан эса ҳеч кандай манфаат келтирмаслиги шубҳасиздир. Бундан ташқари, катта юзаларнинг (пол, девор) тўқ рангларга бўялиши хонанинг ёруғлигига тўсик бўлади. Бу мойли бўёқда ҳам, бошқа хил бўёқларда ҳам салбий натижага олиб келади, хонада кўриш тиниқлиги йўқолади, хонанинг ўзи "торайиб кетади". Барча хоналар катта ва ёруғ хона таассуротини бериши керак. Ўртача қуюқликдаги, тўқ рангли бўёқ билан қутилган даражада кучли ва қувноқ таассурот берадиган вазиятни вужудга келтириб бўлмайди. Демак, мазкур хоналарнинг пол ва деворларини. эшик ва ромларини ҳам ёрқин рангга бўяш керак.

Тўрт томондаги деворнинг пастки қисмини (яъни панелини), тахтани тўқроқ қилиш лозим. Камроқ микдорда ишлатилган тўқ ранг хонадаги бошқа рангларнинг равшанлигини ва ёркинлигини қучайтириб кўрсатади.

Хонадаги деворларнинг ранг композициясини декоратив ёки монументал безаклар воситасида, шунингдек, кўрсатмали ташвиқот ва алмашилиб турадиган ҳар хил дидактик экспозициялар воситасида безаш мумкин.

Иккинчи гуруҳ хоналарга ранг танлашда ўқувчилар хонада қанча вақт ва қайси вақтда бўлиши эътиборга олинади. Маълумки, ўқувчилар камроқ вақт шуғулланадиган хоналарни қуюқ, рухлантирадиган ранг ва ранглар қўшилмасидан фойдаланиб бўялади. Ўқувчилар кўпроқ вақт шуғулланадиган хоналарни эса қуюқ ранглардан камроқ фойдаланиб, юмшоқ ранглар билан бўяш маъқул. Ёрдамчи хоналар, вестибюль ва зиналар ўқувчилар кам вақт бўладиган жойлар ҳисобланади. Ошхона ва мажлислар зали эса ўқувчилар кўпроқ вақт фойдаланадиган жойлардир.

Яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, иккинчи гуруҳ хоналари ўзининг аҳамияти жиҳатидан бир хилдир. Ўқувчилар ўқув юртига кириб келадиган вестибюль ҳамда мажлислар зали кўтаринки руҳ берадиган ҳамда эстетик таъсири кучлироқ воситалар билан безатилиши лозим.

3 -§ Шрифт

Ўқув юртидаги бадий безаш ишларига қўйиладиган эстетик талаблар ортиб бораётган ҳозирги кунда ана шу ишларнинг асосий элементларидан бири бўлмиш шрифт қўллаш санъати юқори бадий сифат даражасига кўтарилиши лозим.

Биз ҳарфлар воситасида ўз фикримизни ва ўзгалар фикрини уқиб оламиз. Бу эълон, чақириқ, деворий газета ва бошқа кўргазмали ташвиқот воситалари ёрдамида амалга ошади. Буларни бажарадиган ёки унга бевосита раҳбарлик қиладиган шахс шрифт назариясини ва ёзиш малакаларини эгаллаган бўлиши керак.

Шрифтнинг жуда кўп турлари мавжуд. Фикримизнинг далили сифатида исталган газетани олиб қарасак, ундаги сарлавҳалар турли хилдаги шрифтлардан иборат эканлигини кўрамыз.

Сўзнинг график ифодалилигига шрифтнинг образлилиги, шрифт композициясининг тузилиши ва яхлитлиги ҳисобига эришилади. Шрифт кургазмали ташвиқотнинг барча воситалари орқали ўтади ва

мавзуга боғлиқ ҳолда жўшқинлик ва ҳис-туйғуларни, чақирик ва осойишта эслатишни, лирика, ассоциация, юмор, сатира ва ҳоказоларни энг аниқ ифодалайдиган тасвирга эга бўлиши керак.

Кенг учили асбоблар билан ёзиш ва чизиш техникасини пухта ўрганиш, энг яхши шрифт намуналарини бемалол бажара олиш кишининг шрифт соҳасидаги бадий билим савиясини оширади. "Образ, образлилик, - дейди атоқли рассом С.Б. Телингатер, - киши тафаккурининг объектив олами билиш жараёнида, у ўз фикрини бошқаларга бериш учун турли воситалардан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган соҳасидир. Санъат асаридаги каби шрифт тасвиридаги бадий образ бутун жараённинг маҳсулидир"¹.

Агар журнал ва бошқа матбаа маҳсулотларини varaқласак, улардаги шрифтлар яна ҳам ранг-баранглигини кўрамиз. Шрифт услублари ва фарнитурларининг ранг-баранглиги инсоният тараккиётининг узок ва мураккаб босқичи давомида юзага келган.

Жаҳон ёзуви тарихи асосан тўртга бўлинади:

1. Пиктографик (сурат кўринишидаги) шрифт -дастлабки одамлар қояларга сурат шаклида туширган ёзувлар.

2. Идеографик (иероглиф тарзда) – эрамизнинг дастлабки пайтлардаги ва савдо алоқалари ўрнатилган давлатлар (Миср, Хитой) ёзувлари.

3. Бўғинли (бир ёзув белгиси - бўғин) - Ҳиндистондаги айрим халқларнинг ёзуви, Японияда бу ёзув Хитойнинг иероглиф тарзидаги ёзуви билан бирга қўлланган.

4. Ҳарфий товушли – (фонематик) – тилларнинг фонематик таркибини акс эттирувчи ёзув.

Ҳарфлар ва ёзувлар доимо такомиллашиб борган, бу жараён ҳозирги босқичда ҳам давом этмокда.

Шрифтларнинг айрим назарий асослари ўзгариб борса -да, лекин шрифт ва шрифтли композицияга бўлган асосий талаблар ўзгаришсиз қолмокда.

Ҳарфларнинг сифат характеристикаси бўлмиш кўшимча белгилар ҳам борки, улар ҳарфларнинг нисбатлари, йўғонлиги, чизикларнинг қалинлиги бўлиб, куйидагилардан иборат: а) ҳарфлар энининг баландлигига нисбати, б) ҳарфларнинг баландлиги, в) асосий ва бирлаштирувчи чизикларнинг контрастлиги, г) уларнинг тик ёки оғма бўлиши, д) кертик пастга ва ёнга чикадиган элементларнинг характери ва бошқалар.

¹ Қаранг. Смирнов С.И. Шрифт и шрифтовой плакат: М.: "Плакат", 1978, 6-7 – бетлар

Бадий безаш ишларида кўпроқ плакат шрифти қўлланилади. Улардан чакириқлар ёзишда, кўрғазмали ташвиқот ишларида, де-ворий газеталар ва эълонлар ёзишда фойдаланилади. Плакат шрифт-ларнинг афзалликлари шундаки, уларни ёзиш айтарли қийинчилик туғдирмайди. Шрифт белгилари содда ва тушунарли бўлгани учун тузилган матнлар тез ва осон ўқилади.

Ёзувларнинг бадий-образли ва композицион моҳияти кўп жиҳатдан шрифтларга боғлиқдир. Шрифтлар нисбатининг турли вариантлари мавжуд. Масалан, вертикал (асосий) чизиклари ба-ланд. Эни қисқа олинган чўзинчоқ шрифтлар ёки, аксинча, гори-зонтал ўқдаги ўлчами катта, вертикал ўқдаги ўлчами жуда қис-картириб олинган шрифтлар ва ҳоказо. Шрифтларнинг нисбати 1:1 дан 1:2 гача турлари бадий безаш ишларида кўпроқ қўлланади. Ёзувларнинг ўқилишини енгиллаштириш мақсадида айрим ҳол-ларда одатдаги нисбатлардан четлашиш мумкин. Маълумки, инсон кўзи яхши илғаш учун нисбати 3:5 бўлган шрифтлар қулайдир.

Шрифтларнинг яна бир сифати-чизикларнинг йўғон ёки ин-гичкалиги матнларнинг маънавий ва бадий аҳамиятини очиб бе-рувчи омил ҳисобланади. Йўғон чизикли шрифтлар билан ёзилган ёзувлар фон билан ўзига хос контраст ҳосил қилиб, осон ўқилади.

Ҳарфларнинг чизиклари йўғон бўлиши айрим декоратив иш-ларга унча мос келмаслиги, улар ўзининг конструктив тузилишига кўра умумий қатордан ажралиб қолиб, бажарилаётган ишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундай ҳолларда шрифт чизикларнинг йўғонлигини ўзгар-тиришга тўғри келади.

Шрифтларнинг оғма бўлиши ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Бунда ҳарфларнинг чизиклари вертикал ҳолатдан 7° оғма бўлиши тавсия этилади. Бундан ортиқ оғдириб ёзилган шрифтлар худди омонатдек кўринишга эга бўлиб, уларни ўқиш қийинлашади.

Плакат шрифтнинг кўпгина белгилари классификацияда кўр-сатилмаган. Масалан, "О" ҳарфи тўғри тўртбурчакдан тортиб ай-лана шаклигача кўринишларда ёзилиши мумкин. Шунингдек, "К" ҳарфи таснифдан четдан қолган. Шуни таъкидлаш керакки, кўрса-тилган вариантлар бўйича бошқа ҳарфларнинг қандай ёзилиши ҳам ҳал қилинади. Шрифтларнинг туташтириш жойлари тўғри тўртбурчак ёки силлиқ айланасимон бўлиши алифбодаги ҳамма ҳарфларга тегишли бўлиши керак. Айнан шу билан "шрифт гарнитураси" ту-

шунчасининг моҳияти характерланади, яъни ҳамма ҳарф ва ракамлар бир хил характер касб этади.

Юқорида кўрилган шрифт гарнитурасига кирувчи ҳарфлар чизикларининг йўғонлигини орттириш ёки камайтириш ҳисобиغا кизиқарли график натижа олиш мумкин. Бунда ҳарф ва ракам белгиларига турли контраст бериш ёки уларни оғма ҳолда тасвирлаш назарда тутилмоқда.

Лотинча курсив ва енгил усулдаги шрифтлар ўқув юртиларида амалга оширилаётган кундалик бадий безаш ишларида кенг қўлланилимоқда.

Лотин ва курсив шрифти асосида график равонлик ётади. Курсив шрифтининг энг асосий фаркланувчи белгиси "Г" ва "Т" ҳарфларининг шаклидир. Шунинг эвазига қатор вариантларда шрифт қаторлари жиддий тусдаги ритмик қаторлар бўлиб кўринади.

Айрим ҳолларда ритмик бир хиллик монотонликни келтириб чиқаради ва шрифтни ўқиш қийинлашади. Фақат элементли (Ў, Ж, М, Қ, Х, Ц) ҳарфлар матнга бироз жонлантириш киритади.

Агар бадий безаш ишларида курсив шрифтда ишланган ёзувлар бир ёки икки қатордан ошмаслигини ҳисобга олсак, бу монотонлик келтириб чиқармайди ва матнни бемалол ўқиш мумкин бўлади.

Енгил ёзма усулдаги шрифтлардан деворий газеталар ва турли хилдаги эълонлар ёзишда, озгина вақт сарфлаб, тез бажариш талаб этилган ишларда фойдаланиш мумкин. Турли матоларга бажарилган бундай ёзувлар фақат бир стэнд доирасида эмас, балки бутун бир интерьерни безашда муҳим декоратив-бадий вазифани бажаради.

Айтиш мумкинки, енгил ёзма ҳарфлар битилган матн декоратив маъноли ёзувдир. Шрифтларнинг бошқа турларида бўлганидек, қўл ёзма ҳарфлар билан ёзишнинг ҳам қатор турлари мавжуд. Улар ҳамма гуруҳлар учун умумий бўлган композицион белгиларга мос ҳолда хал этилади. Ҳарфлар баландлиги ва эни нисбатини катталаштириб ёки кичиклаштириб олиш ёзув қаторларини ёйилган ва йиғилган қилиб кўрсатади. Узун сўзларни маълум чегараланган ўлчамдаги юзага сиғдириш лозим бўлса, ҳарфларнинг нисбати кичикроқ қилиб олинади, кичикроқ матн билан юзани тўлдиришда эса ҳарфларнинг ўлчамлари катталаштирилади. Ҳарфларнинг чизикларини йўғонлаштирилса, жумлаларни ўқиш қийинлашади. Ҳарфлар нисбати ўртача бўлса, жумла яхшироқ ўқилади.

Ёзма ҳарфлардан фойдаланганда матн мазмуни эътиборга олинади. Бундай ҳарфлар билан турли байрамларга, бадий кечаларга таклифномалар ёзилади. Жиддий матнларни эса тўғри ҳарфлар билан ёзиш тавсия этилади.

Ёзма ҳарфларда ёзилган матнлар таъсирчан бўлишида уни бажараётган рассомнинг фантазияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўқув юртларида амалга оширилган бадий безаш ишларида қўлланган шрифтларни кузатар эканмиз, аксарият ҳолларда ҳарф шакллари нотўғрилигини кўрамыз. Хатолар шулардан иборатки, уларда шрифтларнинг ягона структурасига, ҳарфларнинг гуруҳларини ташкил этувчи характерли белгиларга, ҳарфларнинг нисбати ва чизикларининг йўғон-ингичкалигига амал қилинмаган.

Биз ана шу ҳарфларни ўрганиш, ўргатиш ва эслаб қолишни осонлаштириш мақсадида уларни ўзаро тенг катакларга ажратамыз. Ҳарфлар баландлигини бешта катакча қилиб, қалинлигини куйидагича белгилаймыз.

Б ва В ҳарфлари оддий Е кўринишдаги, нисбатлари бир хил бўлган ҳарфлардир. Бу ҳарфларнинг ўнг томонларини икки хил вариантда бажариш мумкин. Биринчиси тўғри тўртбурчак шаклида жиддий кўринишдаги варианты бўлиб, бунда фақат ташки бурчакларигина юмалоқланади. Иккинчи вариантда бу ҳарфларнинг ўнг томонлари циркуль ёрдамида ярим айлана шаклида тасвирланади.

Ғ, Е ҳарфлари яшаш учун эса Г ҳарфига белбоғ қўйиш кифоя. Т ҳарфи ҳам худди шундай хусусиятга эга.

Е ҳарфининг ҳам конструктив тузилиши содда. Унинг вертикал чизиклари 3 та, горизонтал чизиклари эса 5 та катак (яъни 3:5 нисбат) да бўлади. Горизонтал матнларда бундай нисбатда ёзилган Е ҳарфи алифбодаги бошқа ҳарфлардан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун унинг горизонтал чизиклари айрим ҳолларда ярим катакка қисқартириб олинади.

И ҳарфнинг тузилиши Н, П ҳарфларига ўхшаш ва улар билан тенг қилиб ёзилади. Ўнг вертикал чизигининг юқори қисми билан чап вертикал чизигининг пастки қисмини туташтирувчи чизигини асосий чизикларга нисбатан бироз ингичкалаштириб олиш ҳам мумкин.

К ҳарфини ёзишнинг бир неча вариантлари бўлиб, аниқ бир вариантни алифбодаги бошқа ҳарфларнинг конструктив тузилишидан келиб чиқади. Унинг ўнг томонидаги чизиклари чап томонидаги вертикал чизигининг ўртасига асосий йўғонликда туташтирилади. Агар юқорида кўрсатиб ўтилган ҳарфларнинг асосий чизик-

лари вертикал ҳолатда бўлиб, юқори туташтирувчи чизигининг ўнг томони тўғри бурчак, чап томони силликлаштирилган ҳолда бирлаштирилса, К ҳарфи ҳам худди шу гарнитурасига мос қилиб олинади, яъни ўнг горизонтал чизигининг юқори ва пастки қисмларидан ярим катак ўнг томонга буриб кўрсатилади. Айрим ҳолларда матннинг ўкилишини оsonлаштириш мақсадида соддалаштириб юбориш мумкин. Пастга тушувчи элементни қўшиш билан К ҳарфидан Қ ҳарфини ҳосил қилиш мумкин.

Ж ҳарфини ёзишда К ҳарфини ёзишдаги талабларга амал қилинади.

Қолган ҳарфларнинг ёзилишини ҳам асосан катаклар орқали ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ҳарфлар гарнитурасидаги қоғозлар рақамларга ҳам мос келади. Бошқа ҳолларда эса рақамларни матннинг мазмуни ва моҳиятига мослаб, матндаги ҳарфлар билан ҳамоҳанг ўкиладиган кўринишда ёзиш мумкин. Бунинг учун турли гуруҳдаги ҳарфларнинг конструктив тузилишига қўйиладиган талаблардан онгли равишда четлашишга тўғри келади.

Бадий безаш ишлари бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштиришнинг биринчи босқичида конструктив тузилиши жиҳатдан энг содда бажарилиши қулай плакат шрифтлари ўрганилади. Ҳарфларни аниқ ёзиш ўзлаштирилгач, бирор матнни ёзишда юқорида айтилганидек, вертикал ва горизонтал йўналишларда бўлинган катаклардан фойдаланилмайди. Чунки бу иш кўп вақт олади. Матнни ёзиш учун ҳарфлар баландлиги ва пастки асосларини чегаралаб турадиган параллел жойлашган иккита горизонтал чизикнинг ўзи кифоя қилади. Ҳарф чизикларининг йўғонлиги бир хил бўлиши учун ёзадиган қурол (мўйқалам, плакат пероси) танлаб олинади. Ҳарфлар орасида илгари айтилганидек, уларнинг турларига қараб бир ёки ярим катакка тенг жой қолдирилади. Сўзлар ораси эса битта ҳарф энига баробар бўлади.

Бу усул доим ҳам ёзув ва матнларнинг ритмик катор бўлишини таъминламайди. Бунинг сабаби шундан иборатки, алифбодаги ҳарфлар турли конструктив тузилишга эгадир.

Тошкент – Шарқ машъали

жумласида машъал сўзи асоссиз алоҳида ёзилмоқда. Унинг тўғри компановкаси қуйидагича бўлади:

Тошкент – шарқ машъали!

Ёки

Тошкент – Шарқ машъали!

Бу сўзларнинг ҳар бирини алоҳида – алоҳида қаторга ёзиш ҳам мумкин. Матнларни ёзишда уларни олдин яхшилаб ўйлаб олиш керак. Матндаги асосий ғояни шрифтларнинг контрасти, ранги, гарнитураси ва ўлчамларининг катта кичиклиги очиб беради.

II Боб. БАДИЙ БЕЗАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ

Ҳозирги кунда ўқув юртларида амалга оширилаётган бадий безаш ишларини янада такомиллаштириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Зеро бу ишларнинг барчаси ўқув юртидаги таълим - тарбия ишларига ижобий таъсир этади.

Таниқли педагоглар эстетик дид билан безатилган ташқи муҳитнинг ўқувчиларга тарбиявий таъсирини ифодалаб, уни бутун таълим – тарбия жараёнининг муҳим шартларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун амалга оширилаётган бадий безаш ишларига тарбиявий тадбирларнинг ажралмас қисми сифатида қараш лозим. Мавжуд бадий безаш элементлари декоратив панно, синф хоналаридаги мебель шакллари, синф тахтаси ва деворларнинг ранги - буларнинг ҳаммаси пировард натижада болалар психологиясига маълум даражада таъсир қўсатади. Қуйида ўқув юрти деворларини бўяшнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

1-§. Интерьер ва фасадларни бўяш

Ўқув юрти деворларини бўяш ранглар турли ёшдаги ўқувчиларга турлича таъсир этишини ҳисобга олиб амалга оширилади. Кўп ҳолларда ана шу таъсирни билмайдиган кишилар томонидан деворларни бўяшда айрим камчиликларга йўл қўйилади. Бу иш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларда бадий кенгаш ва тасвирий санъат ўқитувчиларининг иштирок этиши мақсад мувофиқдир. Деворларни бўяшда рангларни ўз ўрнида қўллаш уларнинг психологик таъсирига алоҳида эътибор бериш лозим. Рангларни ўз ўрнида қўлланиши пировард натижада таълим-тарбия ишлари сифатини оширишга қаратилган бўлса, психологик таъсирчанлик ҳам синфда ўқувчи учун маиший ва маънавий қулайлик ярата олиши керак.

Синф хоналарини бўяш учун ранглар тайёрлашда уларнинг ёруғлик қайтариш хусусиятларини назарда тутиш лозим.

Синф хонасининг шакли, ҳажми, унга табиий ёруғлик қай даражада тушишига, сунъий ёритиш характериға қараб деворларини бўяш учун у ёки бу рангнинг тўйинганлиги аниқланади. Рангларнинг тўйинганлигини аниқлаш учун турли рангларға бўялган сиртларнинг ёруғлик қайтариш коэффициентларини ҳисобға

олиш лозим. Деворларни бўяшда қўлланадиган асосий рангларнинг ёруғлик қайтариш хусусиятлари куйидагича:

Ок	-	85%	Кул ранг	-	55%
Оч сарик	-	75%	Яшил	-	52%
Оч яшил	-	65%	Ҳаво ранг	-	35%
Оч кўк	-	65%	Тўқ қизил	-	13%
Сарик	-	65%	Тўқ кўк	-	8%

Синф хоналарини бўяшда дераза қаршисидаги деворлар рангининг ёруғлик қайтариш коэффициенти 60%, синф тахтаси ўрнатилган деворники 50-60%, дераза ўрнатилган деворники 60-70%, полники эса 25-30% га тенг бўлиши оптимал ҳисобланади. Синф хоналарининг шифти ёруғлик қайтариш коэффициенти энг юкори бўлган ок рангга бўялади.

Рангларнинг иссиқ ёки совуқ бўлиб туюлувчи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда деворларни бўяш муҳим аҳамият касб этади. Республикамиз иқлимининг иссиқлигини назарда тутган ҳолда кўпроқ совуқ рангларни ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Бу ранглар хонадаги ҳароратни «психологик» жиҳатдан пасайтиради.

Деворларини бўяш билан табиий ёруғлик тушишини ҳисобга олиш бир-бирига узвий боғлиқдир. Шимол, шимоли шарқ, шимоли ғарб томонларда деразаси бор хоналарга бевосита куёш нури эмас, балки осмоннинг кўкимтир туси тушади. Бундай хоналарни янада ёруғ ва қувончли қилиш учун илиқ ранглар гаммасига бўяш тавсия этилади. Жануб, жануби шарқ, жануби ғарб томонларда деразаси бўлган хоналарга кун бўйи куёшнинг ёрқин нурлари тушиб туради. Шунинг учун бундай хоналар деворларини совуқ гаммадаги ранглар билан бўяш мақсадга мувофиқ, коридорларни, кичик ёшдаги ўқувчилар учун мўлжалланган хоналарни турли рангларга бўяш мумкин. Бу ёшдаги ўқувчиларнинг кўзи табиатдаги рангларнинг хилма-хиллигига ўрганган бўлиб, улар зерикарли рангларга бўялган хонада дарров толикиб қоладилар. Бундан ташқари, деворларни ҳаддан зиёд ранг-баранг қилиб бўяш ҳам ярамайди. Болаларнинг асаб тизими рангларга нисбатан ўта сезувчан хусусиятга эга бўлиб, бундай хоналарда узок вақт бўлиш уларнинг чарчаши ва кайфиятлари бузилишига олиб келиши мумкин. Бу ҳол ўқувчиларнинг ишлари ва ўқишларига маълум даражада салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун синф деворларини бўяш жуда маъсулиятли

ишдир. Кўшимча рангларни қўллашда, яъни ранг гаммаси контрастни тузишда уларнинг ёрқинлигини жуда кучли қилиб олиш ярамайди, чунки бу ҳол ўқувчилар психикасига қўзғатувчи таъсир кўрсатади. Шу билан бирга ранглар зерикарли, уларнинг тўйинганлик даражаси ҳам бир хил бўлмаслиги керак. Рангларнинг бирига акцент берилса, яъни у ёрқин бўлса, иккинчиси босикрок, хотиржам, яъни нейтрал (бетараф) бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни доим ёдда тутиш лозимки, ранглар спектридаги сарғиш, яшил ранг кўзни камроқ чарчатади. Бу ранглар асаб тизимига нисбатан камроқ салбий таъсир этиб, томирларга нормал қон тушишини таъминлайди, эшитиш қобилиятини фаоллаштиради. Шундай экан, синф хоналари деворларини сарғиш, яшил ранг ва ундан келиб чиқувчи рангларга бўяш тавсия этилади.

Синфларнинг умумий ранги оч, хотиржам бўлганда хоналарнинг ёритилганлик даражаси ортади. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг кўзига доимий ташланиб турувчи деворлар - синф тахтаси ўрнатилган девор, ён деворлар ҳам унча тўқ бўлмаган рангларга бўялади. Ҳозир кўп ўқув юртларидаги синф хоналарининг орқа деворига кўрсатмали ва ўқув қуроллари саклаш учун шкафлар ясалади. Ўқувчилар синф хонасига кириб келганда уларнинг кўзи дастлаб ўша деворга тушади. Шунинг учун бу шкафлар ўқувчиларни завқлантирувчи рангга бўялади.

Ҳаракатли дам олиш учун мўлжалланган хона ва коридорлар (рекреациялар) бирон тўйинганрок рангларга бўялади. Ўқувчилар дам оладиган хоналарни эса шинам оч рангларга бўяш тавсия этилади. Бу жойлар яшил бурчакларни ташкил этувчи декоратив ўсимликлар қўйиш учун энг қулайдир.

2-§ Безашда декоратив ўсимликлардан фойдаланиш

Гуллар ва бошқа декоратив ўсимликлар интерьернинг исталган жойида: вестибюль, рекреация, ошхона, синф хоналари ва ҳоказоларда бўлиши мумкин. Уларни жойлаштириш масаласи қаватларнинг умумий композициясида ҳам, интерьернинг айрим жойларида ҳам функционал, биологик ва эстетик талаблардан келиб чиқиб ҳал қилинади.

Ўқув юртлари шароитида функционал талабларни ҳисобга олиш тўғри бўлади. Гулларни қаерга ўрнатиш маъқул, уларга қандай тағлик керак бўлади? Мисол учун барги катта ва қўпчиган гулларни хоналар деразаси тағлигига ўрнатиш ярамайди. Биринчи

кават коридорлари ва рекреацияларида кўпинча куйи синф ўқувчилари доимо ҳаракатда бўладилар (танаффус пайтлари назарда тутилмоқда). Шунинг учун бундай жойларда уларни оғир таглик билан деворга ўртача баландликда ўрнатган маъқул.

Биологик талабларни махсус шароитлар доирасидан келиб чиқиб амалга оширишни биология тўғараги қатнашчилари зиммасига юкланади. Бу шартлар ўсимликларнинг ёруғлик ва иссиқлик сезувчанлигидан иборатдир. Уларни иситиш манбаларидан турли узоқликда сақлаш, суғориш режимини, зарур бўлган ҳаво намлигини сақлаб туриш ҳам ўзига хос бўлади.

Хоналар учун мўлжалланган ўсимликлар турли-туман бўлиб, биз қуйидагиларни тавсия этамиз.

Аспарагус – нозик, кўксимон яшил тусга эга бўлиб, бироз қоронғилашган жойда ўсишга мойилдир.

Аспидистра – йирик тўқ яшил баргли, оддий ўсимлик.

Бегония – ёрқин рангли, йирик япрокли ўсимлик бўлиб, кўпроқ ёруғликни талаб этади.

Глоксиния – бахмалсимон йирик япрокли, катта қўнғироқсимон, чиройли гулладиган ўсимлик. Унинг яхши ўсиши ва гуллаши учун етарли даражада ёруғлик тушиб туриши керак.

Хитой атиргули – тўқ яшил, тиканак баргли бутасимон ўсимлик, йирик пушти ва кизил рангда гуллайди.

Папоротник – тўғри тушадиган қўёш нурига чидамсиз ўсимлик бўлиб, уни жуда кўп суғориш ва тез-тез сув сепиб туриш керак.

Примула – деярли йил бўйи гуллайди. Уни иситиш мосламаларига яқин қўйиш ярамайди. Унинг гуллари пушти, кизил, оч бинафша рангда бўлади.

Традескация – пастга осилиб ўсувчи ўсимликлар турига киради. Барглари қумушсимон кул ранг, жигар ранг, пушти, бинафша рангли йўллари бўлган яшил рангларда бўлади. Ёз пайтларида тез-тез суғориб туриш керак.

Эстетик талаблар орасида рассом интерьернинг айрим жойлари учун ўсимликларнинг ўсиш компонентларини, уларнинг айни шу жойга мослигини тўғри танлай олиши муҳим роль ўйнайди.

Интерьердаги «яшил зоналар» бўшлиқни ритмик тўлдириш асосида ёки алоҳида гуруҳ сифатида ташкил этилиши мумкин.

Декоратив ўсимликларни интерьерга ўрнатишни режалаштиришда турли кўринишдаги тагликлардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Полга ўрнатиладиган тагликлар оғир, сал-

моқли бўлиши ҳам, аксинча, енгил, нафис бўлиши ҳам мумкин. Уларнинг пропорциялари ўсимликнинг характери ва огирлигига қараб белгиланади.

Одатда, юқорига қараб ўсадиган баланд декоратив ўсимликларни паст тагликка ўрнатилади ва аксинча. Тахта, пластика, темирдан паст - баланд қилиб ясалган тагликларда бундай ўсимликлар чиройли кўринади.

Бир ва бир неча гулларга мўлжалланган деворларга ўрнатиладиган тоқчаларнинг конструктив имкониятлари жуда кенгдир.

Ҳозирги қурилаётган ўқув биноларида доимий гул экиш учун ажратиш мумкин бўлган жойлар исталганча топилади. Бундай жойларда кишда ҳам, ёзда ҳам гул ўстириш мумкин. Бундай жойларни оддий декоратив плита ва тошлар билан жиҳозланади. Уларни турли рангларга бўяб ўзига хос оригиналикка эга бўлган яшил бурчак ташкил этиш мумкин. Унга ўтказиладиган гулларнинг ранг-баранглиги бу бурчакни яна ҳам жозибадор қилиб кўрсатади.

Юқорида айтилганларга қўшимча қилмоқчимизки, хоналарга ўрнатилган декоратив ўсимликлар ўқувчиларнинг психикаси ва асаб тизимларига ҳамда хона микро иклимига ижобий таъсир этади (ҳароратни пасайтиради ва намликни оширади, ҳаво таркибини яхшилади, уни кислород билан таъминлайди).

Декоратив ўсимликлар таълим-тарбиявий мақсадга ҳам хизмат қилади. Интерьердаги яшил бурчак ўзига хос лаборатория бўлиб, унда ўқувчилар ўсимликларни парвариш қилиш жараёнида уларнинг ўсиши, гуллаши, кўпайиши, қисқаси, ўсимликлар ҳаёти билан танишадилар. Декоратив ўсимликлар ўқувчиларда табиатга муҳаббат ҳиссини уйғотади.

3-§ Бадий безаш ишларида амалий санъатнинг ўрни

Амалий санъат кенг миқёсда ривожланаётган халқ амалий ижоди турларидан биридир. Унда кишининг ҳақиқий санъатга эстетик муносабати яққол намоён бўлади. Халқ амалий санъатининг бу тури ҳайкалтарошлик, рангтасвир, меъморлик, рақс ва музика билан ҳамоҳангдир.

Безак санъатининг ўзига хос эстетик жиҳатларини тушуниш учун унинг мавзуи, мазмуни, асардаги типлар, бадий техника воқиталари диапозонининг одатдан ташқари катта миқёсини назарда тутиб қараш керак. Бу бадий безак ўймакорлиги – монументал, дастгоҳли, предметли-миқёс ва турли халқларнинг миллий

кийимлари, сўзаналар, тақинчоклар ва истироҳат боғлари санъати, деворлардаги монументал декоратив расмлар, витрина, деворий газета, табрикномаларнинг безаклари ҳамда мебель буюмларидаги ўймакорлик ва ҳоказолардир. Шакллари бир-бирига ўхшамаган бу асарларни ўзаро бириктириб турган жиҳат уларнинг асосий вазифаси – ин-сонни қуршаб турган муҳитни эстетик безашдан иборатлигидадир.

Шуни таъкидлаш керакки, декоратив санъат турлари ранг - баранг бўлса ҳам, уларнинг кўпчилиги амалий-фойдали объектларга: либослар, мебель, ўйинчоклар, витриналар, бинолар ва ҳоказоларга бадий ишлов бериш жиҳати билан ўзаро боғланади. Мана шу маънода декоратив-амалий санъат дейилади. Бироқ безак санъатига, юқорида айтганимиздек, амалий жиҳатдан бевосита фойдаси сезилмайдиган асарлар ҳам кўшилади. Масалан, заргарлик буюмлари, турли тақинчоклар, ўймакорлик буюмлари ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси рассомлик ёки ҳайкалтарошликдан фарқли ўларок кундалик конкрет муҳитда, ўзларининг хусусиятларига кўра конкрет ҳолатда фойдаланилсагина эстетик маъно касб этади.

Инсон яшаётган ва ҳаракат қилаётган муҳитнинг нафосат бойлиги ана шу муҳитга олиб кирилган зеб-зийнат буюмларининг сони билангина белгиланмайди. Муҳими шундаки, бу зеб-зийнат элементлари мазкур муҳитнинг ҳаётий шароитига мослашиб, унинг ижтимоий мазмунига, одамларнинг амалий ва маънавий эҳтиёжлари вужудга келтирган талабларга нечоғлик жавоб беришига қараб ҳам баҳоланади. Нафосат элементлари муҳитни шунчаки безабгина қолмасдан, балки унинг бадий образли мазмунини қучайтириб, ошириб, ривожлантириб ҳам кўрсатади. Декоратив санъат мана шу вазифасини санъатнинг бошқа турлари – меъморлик, рассомлик, ҳайкалтарошлик билан биргаликда бажарса, унинг қиммати янада ортади.

Безак санъати асарлари воситаларида маълум давр доирасида шароитнинг бадий образли мазмунини динамик тарзда ўзгартира олиш мумкинлиги уларнинг ўзига хос хусусиятидир. Декоратив санъатнинг шу хусусиятига бинолар, кўчаларнинг байрамона безатилиши мисол бўлади. Бу безаклар ўша жойларнинг одатдаги қиёфасини маълум вақтгача ўзгартириб туради. Безак санъатининг барча турларига оид асарлар, шу жумладан, уларга яқин турувчи график санъат асарлари ҳам маълум даражада мана шундай ролни

бажариши мумкин. Масалан, байрамона табриклар ёки тасвир туширилган вимпеллар.

Ҳар бир тарихий давр алоҳида ғоявий ва ахлоқий тасаввурларни олға суриб, кишилар ижтимоий ҳаётининг алоҳида идеалларини ифодалар экан, такрорланмас декоратив санъатни вужудга келтирган. Безак санъат асарларида инсон, жамият ва даврнинг характерли ҳиссиётлари тўғрисида мавжуд ғоявий ҳамда ахлоқий тасаввурларни ифодалаш санъатнинг ростгўйлиги ёки таъсирчанлигининг асосий шартидир. Мана шу тамойилга амал қилинмаса, бадиий мақсад ҳамда шаклни ҳал қилишда ясамачилик, асарда эмоционал қиёфа бўлмаслиги, формализм вужудга келади.

Безак санъатнинг таъсирли чиқиши учун тасвирдаги реализм бирдан-бир шарт эмас. Безак санъат асарларига қўйиладиган талаблар талайгина. Шаклни ифодалашда ишлатилаётган материалларнинг, кўп ҳолларда эса усулларнинг ўзига хос жиҳатлари (ўймакорлик, тўқимачилик буюмлари ва бошқалар), ўзига хос томонлари яққол ифодаланиши талаб этилади. Безак санъатида умуман материаллар, улардаги хусусий жилонинг гўзаллик сифатлари айниқса муҳим, айрим ҳолларда етакчи ўрин тутади. Бу ҳолат безак асарлар шаклларининг ўзига хос жиҳати бўлиб, у асарлар мазмуни умумлаштирилганлиги ва мавҳумлигининг натижасидир. Уларни кўпинча сўз билан ифодалаб бўлмайди. Бироқ бу материалнинг кўрки безак санъат асарлари мазмунидаги камчилиқни тўлдириш, уни «бўяб кўрсатиш» керак, дегани эмас. Ижодий вазифаларни бундай тушунилса, ҳар доим асарларнинг композициясида формализм, мазмунан кашшоқликка йўл қўйилади.

Безак санъатида қўлланадиган материалларнинг эстетик жиҳатдан энг керакли сифатлари - ёрқинлиги, ранги, фактураси, ҳажми, вазни ёки пишиқлиги саналади. Булар яратилаётган шаклларнинг аниқлик даражаси, умумий ҳажмнинг мутаносиблиги ва бошқаларда кўринади. Материалларнинг мана шу сифатларини назарда тутиб тўғри танланиши асар шакли ва қиёфасини яратаётганда бу сифатлардан тўғри фойдаланиш – мазкур асар берадиган таассуротларнинг (масалан, байрам, спорт ўйинлари, тантаналар ва ш.к. руҳини) ёрқинлигини таъминлайди.

Интерьерни бадиий безашда декоратив-амалий санъатнинг ёғоч ва ганч ўймакорлиги, наққошлик, декоратив ҳайкалтарошлик, мозаика, витраж, чеканка ва бошқа турларидан фойдаланилади. Бадиий безаш ишларида амалий безак санъатининг ана шу турларини

қўллашдан мақсад -- таълим ва тарбия маскани бўлмиш ўқув юрти интерьерининг ўзига хос хусусиятларини тўларок ёритишдан, ўқувчиларда бу санъатга кизиқиш уйғотишдан ва амалий безак санъат сирларини ўқувчилар учун янада яқинроқ ва тушунарлироқ қилишдан иборатдир.

Афсуски, баъзи ўқув юртларининг интерьерини бадий безашда ғоят жиддий нуқсонлар ва камчиликларга йўл қўйилади. Амалий безак санъатининг сифатсиз ва савиясиз намуналари, тасвирий санъатнинг бошқа турларига бевосита боғланмаган айрим стендлар, деворий газеталар, чақириклар, эълонлар, портретлар интерьернинг кўринишини бузиб турганини кузатиш мумкин.

Бадий безаш ишларида амалий безак санъати элементларини қўллашда асосан қуйидагиларни назарда тутиш шарт:

- қўлланилаётган декоратив-амалий санъат намунаси интерьер характерида мос бўлиши керак;

- синф хонасининг вазифасини, унда шугуланидиган ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва идрок этиш қобилиятларини ҳисобга олиб декоратив – амалий санъатга дифференциал ёндашиш лозим (масалан, кичик ёшдаги ўқувчилар шугулланидиган рекреацияларда табиатга, ўрта ёшдаги ўқувчилар шугулланидиган рекреацияларда юқори синф ўқувчилари шугулланидиган рекреацияларда космосга, спортга, меҳнатга бағишланган декоратив паннолар ўрнатилиши уларга маълум даражада таълимий ва тарбиявий таъсир кўрсатади);

- бадий безаш ишларида қўлланилаётган декоратив-амалий санъат элементлари мавсумий, яъни вақти-вақти билан алмаштириб туриладиган элементлар билан мос бўлиши зарур;

- ўқув юртидаги бадий безаш ишларида қўлланилаётган амалий санъат элементлари тасвирий санъатнинг бошқа турлари билан узвий боғланиши керак (рангтасвир, хайкалтарошлик, графика ва меъморлик интерьерни бадий безашда бир-бирига гармоник боғланмаса, ҳал қилувчи омил бўла олмайди).

Юқорида таъкидланганидек, интерьерни бадий безашда бевосита унинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда иш кўриш лозим.

Агар ўқув юрти музейи, кўргазмаси ва экспозициялари ҳақида гап кетадиган бўлса, энг аввало, ундаги фазо бўшлиғи сакланиши, экспонатларни томоша қилиш учун қулайлик яратилиши лозим. Яна шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, бадий безаш ишларида декоратив-амалий санъат элементларини қўллаш мураккаб жараён

бўлиб, кўр-кўрона қўлланиладиган элементлар кўнгилдагидек натижа бермайди. Улар аввало юсак бадийликка эга бўлиб, синф хоналари ва интерьерларнинг бошқа қисмларининг вазифасига, ранг ечимларига, ундаги жиҳозлар, мебеллар ва ёритилганлик даражасига мос бўлиши керак.

Ўзбекистон ўқув юртларининг интерьерларини бадий безашда амалий безак санъатнинг наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги каби турлари нисбатан кўпроқ қўлланилмоқда. Бу табиий ҳол, чунки декоратив-амалий санъатнинг худди шу турлари қадимдан эъзозланиб, жуда кўп биноларни безашда қўлланиб келинган. Бунга Самарқанддаги Регистон ансамбли, Гўри Амир макбараси, Бухородаги Минораи Калон, Исмоил Сомоний макбараси, Хивадаги Ислохўжа минораси, Тошкентдаги Қўқалдош мадрасаси, Қўқондаги Худойрхон ўрдаси, Шаҳрисабздаги Оксарой биноси ва бошқалар мисол бўла олади.

Ҳозирги пайтда ҳам маъмурий, турар жой ва бошқа биноларни бадий безашда амалий санъатнинг юқорида айтилган турлари кенг қўлланилмоқда. Масалан, Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик катта театри, Тошкент Давлат цирки биноси кабилар фикримизнинг яққол далилидир. Тошкент метросининг «Халқлар дўстлиги» бекатида наққошлик, ганч ўймакорлигидан; «Космонавтлар проспекти» бекатида декоратив деворий суратлардан, «Чилонзор» бекатида сопол декоратив фигуралардан, «Алишер Навоий» бекатида декоратив - амалий санъатнинг бир неча туридан фойдаланилган. Бундай ишларни республиканинг бошқа шаҳарларидаги қатор биноларда ҳам кўриш мумкин.

Ўқув юртларини бадий безашда декоратив - амалий санъат турларидан наққошлик кўпроқ учрайди. Наққошлик иши етакчи роль ўйновчи мустақил вазифага эга эмас. У фақат бадий безаш ишларининг бадий сифатини бойитадиган, бўрттирадиган омил бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бадий безаш ишларида қўлланиладиган наққошлик санъати ҳам таълим - тарбиявий аҳамиятга эга. Унда иштирок этадиган элементлар табиат неъматлари (пахта, барг, гул, ғунча, анор, бодом, нок, олма, лола, куртак ва ҳоказолар)нинг стилизациялаштирилган шаклидир.

Бир қарашда декоратив - амалий санъат алоҳида эмасдек туюлса-да, усиз интерьерни тасаввур қилиш қийин. Мисол учун металлларга бадий ишлов бериш, пайвандлаш, букиш, чеканка

килиш, қирқиш, бўяш ва локлаш орқали интерьернинг турли бурчакларида турадиган гулларга таглик, эшик ва деразаларга панжара, тўсик ва ёритгич каби бошқа безаклар яшаш мумкин.

Бундан ташқари, бадий безаш ишларида керамикадан ҳам кенг фойдаланилади. Декоратив лаганлар, турли паннолар, рельефлар, гултуваклар, вазалар ва ҳоказолар энг аввалло ўқувчиларнинг эстетик тарбиясини такомиллаштиришда катта ёрдам беради.

4-§ Бадий безаш ишларида фойдаланиладиган асбоб-ускуна ва материаллар

Бадий безаш ишларида тасвирий санъатнинг кўп турлари, жумладан, графика ва чизмачилик машғулотларида кенг фойдаланиладиган «Конструктор» қаламлари ишлатилади. Бу қаламларнинг қаттиқ, юмшоқлигига кўра ҳар хил турлари қўлланилади.

Мактабдаги бадий безаш ишларининг деярли кўп қисми: эълонлар, деворий, фотогазеталар ва бошқалар қоғозга ишланади. Бадий безаш ишларида қоғознинг В, Ф, А, О турлари қўлланилади.

В – юкори сифатли қоғоз бўлиб, унга узок муддат сақланадиган ишлар бажарилади масалан: бадий кўргазма ишлари.

Ф – тушь ва гуашь билан ишлашга мўлжалланган қоғоз,

А – сув бўёқлар билан ишлашга мўлжалланган қоғоз,

О – оммавий ишлар учун тайёрланган қоғоз.

Бу қоғозлар давлат стандартларига мувофиқ ишлаб чиқарилади. Ўқув юртларида эълонлар, газета ва ҳоказоларни ёзишда махсус папкага солинган 12- форматдаги акварель, чизмачилик ва расм чизишга мўлжалланган қоғозлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бадий безаш ишларида ўчирғичнинг икки хили ишлатилади. Юмшоқ ўчирғичлар графит қалам билан чизилган чизикларни, қаттиқ ўчирғич эса тушь ҳамда сиёҳ билан ёзилган ёки чизилган ёзув ва чизикларни ўчиришга мўлжалланган.

Қаттиқ ўчирғич майдаланган шиша кукунига, юмшоқ ўчирғич эса майдаланган мармар кукунига фактис суюқлиги арашлаштириб тайёрланади.

Тўғри тўртбурчак шаклида ишлаб чиқарилаётган турли ўлчамдаги (№1, №2) ўчирғичларни ўртасидан (диагонал бўйича) қирқиб ишлатиш анча қулай.

Ўчирғич кераксиз чизикларни яхши ўчириши, яъни юмшоқ бўлиши учун уни 1-2 сутка бензинга ёки 3 - 4 сутка керосинга солиб қўйиш керак. Уларнинг ҳар иккиси ҳам топилмаса, мойбўёқ-

ларни эритиш учун ишлатиладиган №2 суюлтирувчи эритмадан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўчиргичлар айтиб ўтилган муддатда шишиб, юмшоқ ҳолатга келади. Уларни яхшилаб артиб 1-2 соат (ундан бензин ёки керосиннинг хиди кетгунча) сувда қайнатилади. Бундай ишлов берилган ўчиргичлар юмшоқ бўлади ва қалам чизикларини яхши ўчиради. Маълум вақт ўтгандан кейин яна худди шундай ишлов берилган янги ўчиргич олинади.

Бадий безаш ишларида турли перолар ишлатилади. Улардан энг кўп ишлатиладигани плакат пероси бўлиб, у комплект ҳолда сотилади. Бир комплектда №1- 8 перо мавжуд бўлиб, улар турли йўгонликдаги ҳарфларни ёзиш имконини беради. Уларни ишлатиб бўлгандан кейин албатта сувда чайиб, латта билан артиб қўйиш керак. Ишлаш жараёнида уларнинг ёрикчалари тозалаб турилади. Плакат перолар юмшоқ металлдан тайёрланган бўлиб, уларни ишлатаётганда каттик босиш ярамайди. Акс ҳолда улар тезда ишдан чиқади.

Бадий безаш ишларида унча катта бўлмаган ёзув ва матнларда, айникса, кичик ўлчамли ҳарфлар билан ёзиладиган ёзувларда «Редис» пероларидан фойдаланилади.

Бу перолар ҳам комплекташ ҳолда, коғоз кутичада 0,7; 1; 1,5; 2; 2,5; 3- номерларда бўлади. Оғма ҳолдаги кичик ҳарфларни ёзишда (айникса, ёзма ҳарфларни ёзишда) ҳам кутичага комплекташтириб солинган махсус перолардан фойдаланиш мумкин. Бу перолар ҳам радис перосига ўхшаш тузилишга эга. Фақат ҳарф ёзишга мўлжалланган жойи ясси эмас, балки қиррали бўлиб, бир томонга бироз қияроқ қилиб кесилганлиги оғма ҳарфларни ёзиш учун қулайлик яратади. Ундан ташқари, ёзилган ҳарфлардаги асосий чизикларнинг бошланиши ва туташган жойларини текислаш, шунингдек, бошқа график тузатиш ишлари учун учли махсус чизма пероси ва бошқа ўқув перолари ҳам ишлатилади.

Майда ёзувларни ёзишда шиша найчалардан ҳам фойдаланилади. Улар турли диаметрларда ва тўғри ҳолатда бўлади. Бу ҳолатда уни ишлатиш жуда ноқулайдир. Шунинг учун уларнинг уч қисмини қўлимизга мос қилиб букиб олинади. У ёзилаётган юзага перпендикуляр туриши керак. Бу шиша найчаларни букиш учун уларнинг учига ип ўраб, унга бироз мой суриб қўйилади. Ундан кейин хоҳлаган бурчак бўйича букиш мумкин бўлади.

Найчаларни ишлатиб бўлгандан кейин дархол ювиб қўйиш керак. Чунки унинг ичидаги бўёқ ёки туш котиб, найча ишга яроқсиз бўлиб қолади.

Ундан ташкари, турли каттик дарахтлар (тут, беҳи, ўрик, кай-рағоч)нинг қурук шохчаларидан олиб, бир томонини яссилаб керакли ўлчамда тайёрлаб, плакат перо ўрнида ишлатиш мумкин. Уни ишлатишдан олдин бир неча дақиқа тушга солиб қўйилади. Чунки у етарли микдордаги тушни ўзига сингдириб олиши керак.

Бадий безаш ишларида тушлардан ўринли фойдаланиш лозим. Улар асосан бинолар, хонадаги шрифтли ишларга мўлжалланган вазифаларни бажаришда қўлланилади.

Тушлар турли хил кўринишда ишлаб чиқарилади. Тахтача ёки қаламча шаклидаги каттик ва шиша идишчаларга қуйилган суюқ тушлар, ювилмайдиган туш ва қуюқ тушлар акварель бўёқлар каби сув билан эритиб ишлатилади. Тушларни (қора тушни) кўмир қуруми, спирт эритмаси, глицерин, канд, шеллак (тропик ўсимлик смоласидан тайёрланган модда) ва антисентик моддалар аралашмасидан тайёрланади. Қора тушлар суюқ ҳолатда, қаламча ҳамда тахтача шаклида (каттик ҳолатда) бўлиши мумкин. Рангли тушлар асосан кизил, яшил, кўк, сарик, жигар ранг бўлиб, улар суюқ ҳолатда шиша идишларда ва паста шаклида бўлиши мумкин. Суюқ тушлар билан бадий безаш ишларидаги катта ёзувларни ёзиш тавсия этилмайди. Чунки бундай ёзувлардаги ҳарфларни ёзганда туш тўпланиб қолган жойларнинг ранги бошқа жойларга нисбатан анча тўқ бўлиб қолади. Шунингдек, гуашь, билан бўялган фонга ҳам туш билан ёзиш ярамайди. Чунки туш қоғозга синга олмай ёрилиб, кейин эса кўчиб кетади. Қоғозга туш билан ёзилган ҳарфлар қуригандан кейин ёрилиб кетса, демак, туш қуйилиб қолган. Уни суюклаштириш учун бир неча томчи сув қўшиш мумкин. Агар суюлтирилган туш қоғозда ёйилиб кетса, унга бироз шакар ёки глицерин қўшиш керак.

Турли рангдаги тушлардан аэрографик усулда сепиш йўли билан ҳар хил афиша, эълон, чақирик, деворий газета ва бошқа кўрсатмали ташвиқот ишларининг юқори таъсирчанлиги, айни вақтда юқори даражадаги эстетик талабларга жавоб беришига эришиш мумкин.

Шунингдек, аэрографик усул билан ишлаш безаш ишлари кичик шакллариинг юксак бадийлигини таъминлашда жуда қўл келади. Лекин аэрограф ва бошқа бўёқ пуркаш учун ишлаб чиқарилган қурулларни ишлатиш учун маълум амалий кўникмага эга бўлиш ва бу борада техника хавфсизлигини билиш талаб этилади.

Бадий безаш ишларида энг кўп ишлатиладиган материаллар хар хил рангли (сувли ва мойли) бўёқлардир. Улардан коғозга, тахтага, фанерга, темир ва тунукага, деворга, матога ва ҳаказоларга ёзиш ҳамда тасвирлар туширишда фойдаланилади.

Акварель бўёқлари елимли бўёқлар туркумига кириб, уни сув билан эритиб ишлатилади. Акварель бўёқлар таркибида боғловчи модда бўлиб, у сувда осон эрийдиган гуммиарабик ва декстриндир. Бу модда акварель бўёқларнинг пластиклигини таъминлайди.

Акварель бўёқлардаги ранглар типиклиги ва ёрқинлиги билан ажралиб туради. Акварель бўёқлар тушъ, гуашъ ва бошқа бўёқлар билан яхши қоришади. Акварель бўёқларни асосан Россия бадий бўёқлар заводи ишлаб чиқаради. Улар «Нева», «Малютка» ва бошқа номларда, ярим курук ҳолатда пластмасса ва коғоз қутичаларда ҳамда ярим суюқ ҳолатда тубикларда бўлади.

Гуашъ ҳам сувда эрийдиган бўёқ бўлиб, унинг асосий таркибий боғловчи моддаси декстрин ва глицериндир. Гуашлар билан бўялган сиртлар қуригач ранги бироз очлашади ва жилосиз бахмалсимон тусга киради. Гуашъ бўёқлар шиша, тунука ва пластмасса идишларда, кичкина пластмасса идишчаларда тўплам ҳолида (6, 12, 24, 44 хил) ва пастасимон бўлиши мумкин.

Гуашъ бўёқлари билан кўрғазмали ташвикот воситаларини: эълонлар, чақириклар, деворий газета ва ҳаказоларни бадий безашда акварель бўёқлар ва флуоресцент гуашларни қўшиб ишлатиш яхши самара беради. Бадий безаш ишларидаги айрим элемент ва ёзувларни ёрқинроқ ифодалашда флуоресцент ва люминесцент гуашларни бошқа рангларга қўшмай ишлатиш керак. Акс ҳолда улардаги ёрқинлик даражаси пасайиб кетади. Бу бўёқлар ультрабинафша нурларида ярқираш хусусиятига эга бўлиб, бадий безаш ишларидаги акцент берилаётган элементнинг яққол кўзга ташланишини таъминлайди.

Шунингдек, бадий безаш ишларида анилинлар (нил бўёқлари) ҳам ишлатилиб, улар асосан фотонларни, мато, тахта, фанераларнинг рангини мақсадга мувофиқ ҳолга келтиришда қўлланади. Сувда эрийдиган бу бўёқларнинг характерли хусусияти шундаки, у материалларнинг фактурасини беркитиб юбормайди, аксинча, уни янада аниқлаштиради.

Эмульсияли бўёқлар ёзув ва бошқа бадий безаш элементлари тушириладиган юзаларни ғрунтлашда ишлатилади. Бу бўёқ

гуашь, акварель, анилин ва темпера бўёқлари билан яхши коришади. Уни сув билан эритилади.

Темпера бўёқлари ҳам мойбўёқлар ҳам тушь бўёқларига осон аралашади. Уларни ишлатишда турли техник усуллар қўлланиши мумкин. Интерьерда узок вақт турадиган витраж, панно ва ҳаказоларни бадий безашда эмульсияли бўёқлардан ташқари мойбўёқлардан ҳам фойдаланилади. Мойбўёқларни эритиш учун шиша идишларда ишлаб чиқарилаётга №1, 2, 3, 4 эритувчи суюқлик, лок, скипидар ва бошқа эритувчилардан фойдаланиш мумкин. Бу бўёқлар олдиндан грунланган сиртларда ишлатилади.

Юкорида айтилган бўёқлардан бадий безаш ишларида фойдаланишда турли шаклдаги мўйқаламларга мурожаат этилади.

Мўйқаламлар асосан уч хил бўлиб, юмалоқ (акварель бўёқларда ишлатиш учун) япалоқ (мойбўёқларда ишлатиш учун) ва овал шаклида бўлади.

Акварель бўёқларда ишлатиш учун юмшок мўйқаламлар қулай бўлиб, улар асосан сувсар, олмахон, колонокнинг жунидан тайёрланади.

Мўйқаламлар ҳар хил бўлиб, уларнинг дастасидаги рақамлар жун қисмининг йўгон ингичкалигини билдиради. Акварель билан ишлатиладиган юмалоқ мўйқаламлар учли бўлади. Бу эса катта юзаларни бўяш учун ҳам, майда деталларни ишлаш учун ҳам қулайлик яратади.

Мойбўёқлар, темпера ва гуашь бўёқлар билан ишлашда япалоқ мўйқаламлардан фойдаланилади. Шунингдек, флейцлардан турли фактурали фонлар тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Ундан ташқари каттаюзаларни грунтлашда паралон валикларни ҳам кенг қўлланади.

Мўйқаламларни ишлатиш жараёнида улардан тўғри фойдаланиш керак. Айниқса акварель мўйқаламларини ишлатаётганда уларни жунли томони билан идишга солиб қўйиш ярамайди. Чунки уларнинг уч қисми қийшайиб, вақтинча ишга яроксиз бўлиб қолади. Уларни махсус тайёрланган, ўйикчалари бўлган тахтачага дастасининг темир қисми билан ёки стол устига юнглари столга тегмайдиган қилиб қўйиш керак. Япалоқ мўйқаламларни ишлатиб бўлгандан кейин шаклси бўйича қоғозга ўраб қўйиш керак. Агар мойбўёқлар билан ишланган бўлса, уларни аввал керосин (ёки бошқа шу ишга ярокли эритма)да тозалаб, кейин совунлаб ювиб

қўйилади. Узок муддат ишлатмай саклаб қўйиладиган мўйкаламларни целлофан халтачада нафталин солиб сакланади.

Бадий безаш ишларидаги ёзувлар сифатли ва бир хил чикиши учун трафаретлардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Трафарет целлулоид ва тагидаги ҳарф тушириш учун белгиланган чизиклар кўриниб турадиган турли шаффоф пластиналардан тайёрланади.

Трафарет тайёрлашда ҳарфларнинг конструктив тузилишидаги айрим ўхшашликлардан унумли фойдаланиш керак, яъни трафаретда алифбодаги ҳамма ҳарфларнинг тасвирини киркиш шарт эмас. Трафаретни ишлатиш қулай бўлиши учун матнда кўпроқ учрайдиган ҳарфларни бир каторга, камроқ учрайдиган ҳарфларни ва бошқа белгиларни иккинчи каторга туширилади. Трафарет билан матн тушириляётганда бўёклар окиб кетмаслиги учун юнги юпка ва калта мўйкалам ёки губка ишлатилади. Трафарет билан ёзиш учун бўёкларни қуюқ қилиб олинади. Ҳарфларнинг ўртасидаги тиркишларини ушлаб туриш учун қолдирилган жойлардан ёзиляётган юзага бўёк ўтмай, ҳарфлар узук бўлиб тушади. Бу жойларни кейин кичик мўйкалам билан бирлаштириб чикилади. Трафарет билан матн тушириляётган пайтда трафаретни юзага каттик босиб туриш керак. Уни ишлатиб бўлгандан кейин албатта тозалаб ювиб қўйилади.

Нормограф ҳам худди шу усул билан тайёрланади. Фақат уни ишлатишда юзага каттик босилмайди, аксинча, махсус мослама ёрдамида матн тушириляётган юзадан бироз кўтарилиб турадиган қилинади. Нормограф оркали матн туширишда бўёк тўлдирилган шиша найчалар билан ҳарфларнинг контурлари чизиб олинади. Сўнгра уларнинг ичини мўйкалам билан тўлдириб чикилади. Нормографлар одатда қалинлиги 0,5 мм бўлган материалдан тайёрланади.

Трафаретни оддий чизма қоғозидан ҳам тайёрлаш мумкин. Лекин у узок муддат ишлатишга ярамайди. Шунинг учун қоғоздан ёки картондан тайёрланган трафаретларнинг бир томонини олифа ёки лак билан қоплаб қўйилса узок муддат ишлатиш мумкин. Улар ёрдамида мойбўёкларда ҳам ҳарфлар тушириш мумкин. Бундай трафаретлар ёрдамида нитрозмаль бўёкларида ёзув тушириладиган бўлса, трафаретнинг олифа берилган юзасига ПВА елими суртиб, қўйилади, трафаретларни полиэтилан клеёнкалардан ҳам тайёрланади. Лекин улар маълум вақт ўтгандан кейин буришиб қолади. Бундай пайтларда уларни тозалаб ювиб, фанер ёки оргалит орасига таранг қилиб узок бостириб қўйилса, яна аввалги ҳолатига қайтади.

Ўлчами жиҳатдан катта ҳарфлар учун трафарет тайёрлаганда алифбодаги барча ҳарфларни қирқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки катта ўлчамдаги трафаретлар тайёрлаш айтарли қийинчилик туғдирмайди. Бунинг учун қалин картондан шаблон (андоза) қирқиш олинади. Бу шаблон «О» ҳарфи кўринишида бўлиб деярли барча ҳарфлар (Ж,М,Ф,Ш бундан мустасно) ўлчамларини белгилаш учун хизмат қилди.

Трафарет қирққанда унинг ўртасидаги тирқишларини ушлаб қолиш учун қолдирилган жойларини тўлдириш учун мос тешикча қирқиш, трафарет туширилгандан кейин тўлдириб чиқиш мумкин.

Трафарет тайёрлашнинг яна бир тури мавжуд бўлиб, унда фақат ҳарфларнинг элементлари ўйилади. Бу элементларни бирлаштиришдан, яъни бир ҳарфни ёзишда бир неча трафарет тешикчаларидан фойдаланилганда умуман ҳарфларда узилган жойлар бўлмаслиги мумкин.

Трафаретларнинг яна бир тури борки, унда юқори сифатли ҳарфлар ҳосил қилиш мумкин. Лекин бу трафаретни тайёрлаш анча кўп вақт олади.

Матн ҳарфлари қалам билан ёзув тушириладиган юзага белгилаб олинади. Унинг устидан резина елими суртилган калька ёпиштириб чиқилади. Бу калькадан белгиланган ҳарф чизиклари кўриниб туради. Шу чизиклар бўйича калькани ўткир скальпель билан қирқиб чиқлади. Ҳарфларнинг ўрталаридаги тирқишларни қолдириш учун ўша жойларнинг калькасини қайтадан ёпиштириб қўйилади. Натижада, ҳарфлар чизикларининг ўрни очиқ қолади. У ердаги резина елимларини ўчирғич билан тозалаб ташланади. Шундан сўнг жуни қалта мўйқалам ёки губка билан керакли рангдаги бўёқ суртилади. Бундай трафаретни аэрографик усул билан ҳам тўлдириш мумкин. Сўнг калька кўчириб олинади ва қолган резина елимлари тозалаб ташланади. Бунда юқори сифатли матн ҳосил бўлади.

Бадиий безаш ишларида ҳажмли ҳарфлар ҳам ишлатилади. Бундай ҳарфлар картондан, фанерадан (лобзик билан) ҳамда пенопластдан тайёрланади ва деворий газета, синф бурчаги, машғулотлар жадвали ва ҳоказоларда қўлланиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бундай ҳарфларнинг ўлчамлари катта ёки кичик бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра уларни тўғри жойлаштиришга, композиция чиройли чиқишига ҳаракат қилиш керак. Бунда ҳарфлар ўз эффектини йўқотмаслиги шарт.

Ҳажмли ҳарфларни фақат деворий газеталарнинг ёки бошқа бадий безакларнинг номларини ёзишдагина эмас, балки катта ҳарфли (шрифтли) панноларда, шиорларда турли рангларга бўялган ҳолда ҳам ишлатиш мумкин. Бунда тайёрланган ҳарфларни керакли жойларга майда михлар билан қоқиб мустаҳкамлаш мумкин.

Бадий безаш ишларида фойдаланиладиган ҳажмли ҳарфларни тайёрлаш учун пенопласт жуда қулайдир. Одатда, пенопластдан турли ўлчамдаги (10 см дан 50 см гача) ҳарфлар тайёрланади. Пенопластнинг баъзилари юмшоқ бўлиб, майда ҳарфларни қиркишда бирмунча қийинчилик туғилади. Пенопласт оқ бўлганлиги учун ҳар қандай фонда яхши кўринади. Хатто оқ фонда ҳам ёруғ-соя ҳисобига уни бемалол ўқиш мумкин. Лозим бўлса, пенопласт ҳарфларни бадий безаш ишларидаги умумий колоритга бўйсундириш учун алюминий ёки бронза қуқунидан тайёрланган рангга, асосдаги умумий рангга ҳам бўяш мумкин. Пенопластдан ҳарфлар тайёрлаш учун электр дазмол ёки электр плита спиралидан ясалган қурилмадан фойдаланилади. Бунда электр камайтиргич орқали ток ўтказилган спираль сими кизиб пенопластни эритиб қирқади. Бу пластинканинг қалинлиги бир хил бўлиб чиқади. Симни юқорилашиб ёки пастлашиб пенопласт пластинкаларини турли қалинликда қирқиш мумкин. Ҳосил бўлган пластинкалардан ўткир скальпель билан ҳарфлар қирқилади. Пенопластни қирқиш учун темир аррадан ясалган пичоқ жуда қулай бўлади. Чунки у юпка материалдан тайёрланган, айна вақтда букилиб ҳам кетавермайди.

Ўқув юртидаги «Аълочилар», «Бизнинг фаҳримиз» ва бошқа стендларнинг сарлавҳаларини ёзишда металл лентадан тайёрланган ҳарфлардан ҳам фойдаланиш мумкин. У қовурғасимон қилиб ясалади ва стендга «Момент», «ЭПО» суперцемент ва №88 елимлар билан ёпиштирилади.

Ўқув юртларида байрам ва бошқа тантанали кунлар муносабати билан турли шиор ва чакириқлар ёзилади. Бундай чакириқлар асосан матога ёзилади. Бунинг учун матони ёғоч рамкага тортилади ва жумланинг узун-қисқалиги, ҳарфларнинг баландлиги, шиорнинг неча қатор бўлиши белгилаб олинади. Бунда ёзув қаторининг тагида юқоридагига нисбатан кўпроқ жой қолишини ҳисобга олиш керак. Шунда қаторлар мувозанати сақланади. Ёзув бир текис чиқиши учун чизгичдан эмас, балки бўрға ёки бўёқ қуқунига ишқаланган индан фойдаланиш керак. Бунда ипни

рамканинг икки ён қиррасида белгилаб устидан ўтказиб рамка четларига тортилади, кейин унинг ўртасидан юқорига тортиб туриб, қўйиб юборилади, шунда матода ипнинг изи қолади.

Матога ёзиш учун эмульсия бўёғи ишлатилади ёки бир литр сувга бўр кукунини қўшиб қаймоқ қуюқлигидаги бўёқ тайёрлаб олинади. Бу қоришмага 50 гр суюлтирилган дурадгорлик елими ёки ПВА елими аралаштирилади. Айрим ҳолларда матода мўйкалам ёки флейцнинг яхши сирғалиши учун қоришмага оз миқдорда гуашь бўёғи ҳам қўшилади. Ёзув махсус ишлов берилган ва керакли ўлчамдаги япалоқ мўйкаламларда бажарилади.

Матни ёзишга киришганда етарли амалий кўникмаси бўлмаганлар калам билан ҳарфларнинг ўрнини белгилаб олади. Матндаги ҳарфларнинг умумий сонини ҳисоблаб, ёзув битиладиган юзанинг ўртасидан бошлаб икки томонга тақсимлаб чиқилади. Матнни ёзишда бўёқларни эҳтиёт қилиб ишлатиш керак. Чунки кераксиз жойга томган бўёқ томчисини кетказиш жуда қийин. Ҳарфларни ёзаётганда уларни юқори бошланиш чизикларига текислаб қогоз қўйиб, шу қогоз устида ёзишни бошланса, ҳарфларнинг юқори четлари текис чиқади. Худди шунингдек қилиб пастки томонларини ҳам текис чиқариш мумкин. Ёғоч рамкаси матога ёзиш бир оз қийин бўлади. Уни полга майда михлар билан тортиб ёзилади. Ёзганда ҳам пол билан мато орасига полни ифлослантирмаслик учун газета ва бошқа кераксиз қогозлар тўшалади. Бадий безаш ишларида қўлланадиган материаллар жуда хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳаммаси тўғрисида тўлиқ маълумот беришни лозим топмадик. Бадий безаш ишларига қизиқувчи ўқувчилар ана шу ишлар учун керакли материаллар ҳақида тасвирий санъат ўқитувчисидан керакли маълумот ва кўрсатмалар олишлари мумкин.

Ўқитувчи рангшунослик асосларига таяниб, ўқувчиларнинг ёш ва техник имкониятларини ҳисобга олиб, уларга муносиб шаклдаги ранг ва ранг ҳодисалари ҳақидаги муҳим тушунчаларни бериши, билим, кўникма ва малакаларни сингдиришда осондан қийинга, соддадан мураккабга ўтиш тамойилини қўллаши лозим.

III Боб. ИНТЕРЬЕРНИ БЕЗАТИШ

Ўқув юрти интерьерлари ҳам жуда катта ва муҳим тарбиявий имкониятларга эга бўлган муҳит ҳисобланади, инчунун у ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришга хизмат қилиши керак.

Биринчи галда, мавжуд таълим-тарбия методлари ва ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражада бадиий безатилмаган ўқув юрти интерьерини ҳар томонлама мақсадга мувофиқ дейиш мумкин эмас.

Ўқув юртида таълим-тарбия ишларининг сифати, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг яхши дам олиши ҳамда саломатлиги ўқув юрти биносининг ичи вазифавий нуктаи назардан мақсадга мувофиқ ҳолда жиҳозланишига ҳам маълум даражада боғлиқдир.

Ўқув юрти интерьерлари – ўқув хонаси, синф хоналари, директор хонаси, ўқитувчилар хонаси, ошхона бўлишидан қатъи назар, юқорида айтилганидек, таълим-тарбия ишларига албатта таъсир кўрсатади.

Афсуски, кўпинча интерьернинг ўқувчи шахси ривожланишидаги аҳамиятига етарлича эътибор берилмайди. Ваҳоланки, ўқувчининг тушунчасига таъсир кўрсатаётган муҳит унинг руҳий оламига ҳам, атрофдаги нарсаларга муносабатига ҳам у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқувчиларни камраб олган муҳитга, шу жумладан, мактаб интерьерига ҳам тарбиянинг ажралмас қисми сифатида қараш лозим.

Интерьердаги ҳар бир элемент: дам олиш жойидаги картина ҳам, хоналарнинг ранги ҳам, мебелларнинг шакли ҳам, хатто зина-поялар ҳам ўқувчилар психологиясига оз ёки кўп таъсир кўрсатиб, уларни атроф-муҳитни идрок этишга, гўзалликни тушунишга ўргатади.

Таълим олаётган 7 ёшдан 17 ёшгача ўқувчилар асосан уч гуруҳга: кичик (I-IV синфлар), ўрта (V-VIII – синфлар) ва катта (IX-X) мактаб ёшидаги ўқувчиларга бўлинса, уларнинг ҳаммаси учун ўзига хос муҳит керак. Кичик ёшдаги ўқувчилар асосан битта хонада шуғулланидилар. Ўрта ёшдаги ўқувчиларнинг ҳам ўзларига бириктирилган хонаси бўлади. Лекин улар айрим фанлар бўйича машғулотларни фан хоналарида ўтказадилар. Катта ёшдаги ўқувчилар эса бутунлай кабинет тизимида ўтадилар.

Интерьердаги синф хоналарини режалаштиришда аввало ҳар қайси гуруҳ ўқувчиларнинг машғулоти бошқа гуруҳларга ҳалакит бермаслигига эътибор бериш лозим.

Масалан, бошланғич синф ўқувчилари юкори синф ўқувчиларидан кам шуғулланади. Дарслар уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қисқартирилиши мумкин. Айни вақтда танаффусга ажратилган вақт узайтирилади. Шунинг учун уларга алоҳида блок ажратилгани маъқул.

Интерьерни жиҳозлаш ва безашда ўқувчиларнинг ёшини ҳам ҳисобга олиш, яъни жиҳозлар фақат муайян ёшдаги ўқувчиларнинг бўйига мослигини эмас, балки турли ёш гуруҳидаги болаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам назарда тутишига эътибор бериш лозим. Кейинги пайтларда ўқув юртлари типовой лойиҳалар бўйича қурилмоқда. Бу биноларнинг режалаштирилиши деярли бир хил. Шунинг учун уларни жиҳозлаш ва безашда интерьерларнинг ўзига хос бўлишига эришиш жуда муҳимдир. Ўқув юртида ўрганиладиган фанларнинг мазмунидан қайти назар, таълимнинг бир неча шакл ва методлари мавжуд бўлиб, булар ўқув хоналарининг жиҳозлари ва уларнинг жойлашувини белгилайди. Бунда турли омиллар қатори ўқувчиларнинг ёшига хос психологик – физиологик хусусиятлари ҳам назарда тутилади. Таълимнинг асосий шакллари жамоа, гуруҳ ва яқка тартибдаги машғулотлардир».¹

Интерьерларнинг замон талаблари даражасидаги жиҳозлари ва бадий безаклари ўқувчиларни эстетик тарбиялашда, уларнинг тасаввури ҳам дидини ривожлантиришда ёрдам бериши керак. мактаб интерьерини бадий безашда тасвирий санъатнинг монументал ва декоратив ҳайкалтарошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, мозика каби турлари кенг қўлланмоқда. Ўқувчиларнинг ўзларини ана шу ишларга жалб этиш энг аввало уларда ўқув юрти биносига, ундаги жиҳозлар ва безакларга эҳтиёткорона муносабатни тарбиялашда педагогларга катта ёрдам беради.

Замонавий меъморлик намуналари интерьердаги барча элементларнинг услубий бирлиги билан ажралиб туради. Интерьерни гармоник ҳал қилиш ундаги элементларнинг муносабатини тўғри топиш, яъни хона, ундаги мебель, ранглар, ёриткичлар, безак элементлари ва ҳоказоларнинг шакллари ўзаро уйғунлигига боғлиқ. Интерьердаги барча элементлар бир хил мувозанатда бўлмаслиги керак. Чунки бундай ҳолда улар ўқувчиларга салбий таъсир

¹ Қаранг. Раннев В.Р. Интерьер. М.: Высшая школа. 1987. 116 бет.

кўрсатиши, уларни тез чарчатиб қўйиши мумкин. Шунинг учун интерьердаги айрим элементларни жозибалироқ қилиб, колган элементларнинг унга ҳамоҳанглигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Жозибалироқ элементлар бинонинг (хонанинг) асосий функционал вазифасини акс эттириб туриши керак.

1 - § Интерьердаги бадний безаклар

Интерьердаги ҳар бир нарса (интерьернинг ҳар бир бўлаги) ўзи бажарадиган вазифага мувофиқ ҳолда жиҳозланади. Ўқувчилар ва ўқитувчилар ўқув юрти вестибюлидан кириб келар экан, шу ернинг ўзидаёқ уларнинг ҳаракат жадвали таъминланади. Шунингдек, вестибюлнинг жиҳозлари бино ичига кириш ва керакли бўлимларга ўтиб кетиш учун қулай ҳолда жойлаштирилиши лозим.

Ҳозирги пайтда бир бутун комплекс бўлиб тушадиган блок ҳолида қуриладиган бинолар гардеробларни бевосита ўқув хоналарига яқин жойлаштиришни такозо этмоқда. Турли ёшдаги ўқувчилар гуруҳларининг гардеробларини алоҳида ўқув блокига кираверишда ёки унинг ҳар бир қаватида жойлаштириш маъқул.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг гардеробларини улар доимий шуғулланадиган синф ёнига, агар синф хонаси катта бўлса, унинг ичига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Кабинет тизимида ўқийдиган синфларнинг ўқувчилари учун гардероб вестибюлда ёки ўқув блокининг бошланиш қисмларида бўлиши мумкин. Бу гардеробларда ўқувчиларнинг портфеллари, китоб ва бошқа ўқув қуролларини сақлаш учун ҳам махсус жой бўлиши янада яхши.

Гардероблар ўрнини танлашда уларнинг фақат функционал вазифасига эмас, балки декоратив безатилишига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Дидсиз бажарилган ва осилган кўрсаткич, жадвал, рақам ва ҳоказолар юқори савияда жиҳозланган интерьернинг умумий кўринишини бузиб юбориши мумкин.

Вестибюлларни жиҳозлашга ҳам алоҳида аҳамият бериш керак. Айрим мактабларнинг вестибюлида пала - партиш осиб ташланган кўргазмали ташвиқот элементларининг қайси бирини ўқишни билмай қоласиз. Вестибюлнинг ҳамма деворлари турли стенд, шиор, чақирик, эълон, плакат ва ҳоказолар билан беркитиб ташланган, шунингдек, қўпчилик ҳолларда улар бир-бирига узвий боғланмаган ва ҳар хил услубда ишланган бўлади. Бундай шароитда вестибюлда байрамона муҳит, кенглик ва ёруғлики

таъминлаш кийин, албатта. Шунинг учун вестибюлда факат умум-мактаб характеридаги кўргазмалар ташвиқот ва ахборот материаллари бўлиши, қолганларини интерьернинг бошқа қисмларига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Вестибюлда «Дарс жадвали», «Эълонлар» тахталари, «Аълочилар», «Собиқ битирувчиларимиз» каби стендлар бўлиши лозим. Иложи бўлса, ўқув юрти тарихига, унинг ҳаётига бағишланган кичик-роқ кўргазмалар ташкил этиш ҳам мумкин.

Вестибюлда мактабнинг ўзига хос, яқин орадаги бошқа ўқув юртларидан фарқли хусусиятларини тўғри ифодалаш жуда муҳим аҳамиятга моликдир.

Одатда, умумий таълим мактаблари машҳур ёзувчилар, жамоат арбоблари, уруш ва меҳнат қаҳрамонларининг номи билан аталади. Бу эса ўқув юрти вестибюлини бадий безашда муҳим омил бўлиши мумкин. Масалан, вестибюлда ўқув юртига номи берилган шахснинг бюсти ёки портрети, ҳаёти ва фаолиятини ифодаловчи материаллар жойлашади, ана шулар вестибюлни бадий безашда асосий ўринни эгаллайди. Интерьердаги айрим элементлар бинодан ташқаридаги муҳитни бевосита ифодалаб туриши мумкин. Вестибюлда жой етарли бўлса, унинг ўқувчилар ҳаракатига ҳалақит бермайдиган қисмида яшил бурчак ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Уни гишт ва тошлар билан жиҳозлаб, у ерда турли хил декоратив ўсимликларни парваришлаш, вестибюлнинг мактаб участкаси, қолаверса, табиат билан уйғунлигини акс эттиради. Шунга ўхшаш маҳаллий шароит билан боғлиқ бошқа элементларни ҳам қўллаш мумкин.

Мактабдаги бошқа хоналар интерьерларини жиҳозлашда, аввало, уларнинг функционал вазифасини, қолаверса, биологик ва эстетик вазифаларини ҳисобга олиш лозим.

Синф хоналари – мактаблар интерьерининг энг асосий қисмидир.

Синф хоналари уларда шуғулланадиган ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ ҳолда жиҳозланади. 1 – 6 синф ўқувчилари учун ажратилган бир кишилиқ стол ва стулларни жуфтлаб қўйиш, столлар орасида 30 см қолдириш тавсия этилади. 5 – 8 синф ўқувчилари шуғулланадиган хоналарда икки кишилиқ столлар ўрнатилиб, улар орасида кенгрок йўлка қолдириш керак. Столлар 3 қатор қилиб қўйилади.

Синфда асосий ёзув тахтасидан ташқари хонанинг орқа томонига синф деворий газетаси, ўқув қўлланмалари, навбатчилар жад-

вали ва ўқувчиларнинг ишларидан намуналар ва ҳоказоларни жойлаштириш, уларнинг баландлиги бир хил ва ранглари бир - бирига мос бўлиши лозим. Агар синф хонасининг коридор билан туташган деворида ўқув куроллари ва кўргазмали қўлланмалар сақлаш учун шкаф бўлмаса, синф хонасининг орқа томонига 1 – 2 та шкаф қўйилади.

Синф хоналари ҳам, бошқа хоналар ҳам гигиеник, физиологик ва бошқа талаблар асосида бўялади.

Энди мактаблардаги асосий фан хоналарини жиҳозлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталамиз.

Ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, хоналари ўз хусусиятларига кўра анчагина умумийликка эга. Умуман айтганда, бу хоналарни жиҳозлаш бошқа хоналарни жиҳозлашдан тубдан фарқ қилмайди. Фақатгина буларда ўқув қўлланмалари, жадваллар, методик адабиётлар ва ҳоказолар сақланадиган шкафлар сони кўпроқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, турли мавзули кўргазмаларни намойиш қилиши учун ойнаванд ва деворга осиладиган витриналардан ҳам фойдаланилади. Ана шу витриналарнинг ранглари контраст, тўйинган бўлса, кишининг эътиборини ўзига кўпроқ жалб этади.

Хоналардаги деворларнинг ранги бошқа синф хоналаридаги деворлар рангидан фарқ қилмайди.

Математика хонасининг жиҳозланиши ва ранглари ҳам адабиёт хонасиники каби бўлади. Фақат ундаги синф тахтасида турли графикларни тез ва қулай бажариш учун катакчалар чизиб қўйилади. Маълумки, чет тиллар хонасини жиҳозлашда таълимнинг техник воситалари кенг қўлланилади. Чет тилларни ўқитишнинг ҳозирги методлари ҳар хил маркадаги кинопроекторларни, товуш ёзадиган ва эшиттирадиган теле-, аудиоаппаратлар, компьютерларни қўллашни тақозо этади.

Чет тиллар хонаси деворларини бўяшга бошқа синф хоналари деворларини бўяшга қўйиладиган талаблар қўйилади.

Ўқувчилар столидаги ажратиб турувчи вертикал тўсиклар ва бошқа жиҳозларнинг ранги иш столининг устини бўялган рангдан кескин фарқ қилмаслиги лозим. Махсус жиҳозларни бошқариш тугмачаларнинг рангигина қандайдир ёрқинроқ бўлиши мумкин.

Химия кабинетлари 7 – 10 синф ўқувчилари шуғулланишига мўлжалланган ҳамда лаборатория ҳамда лаборант хонасидан иборат бўлади. Лаборатория ўқитувчиси билан ўқувчилар ишлайдиган

хона энг асосий хона ҳисобланади. Химия дарсларининг ўзига хос хусусиятлари ўқувчи ва ўқитувчининг иш ўринлари махсус жиҳозланишини талаб қилади.

Лабораториядаги столларнинг юзаси химиявий моддалар таъсирига чидамли материаллар билан қопланади. Бунда линолеум, кўп қатламли пластик, резина, гетинакс паранатдан фойдаланиш мумкин. Ўқувчилар иш столларининг устини қоплаш учун кафел плиткалар, жуда қулай материаллардир. Лекин уни ёпиштиришда ораларида умуман ёриқлар қолдирмаслик керак, акс ҳолда беихтиёр тўкилиб кетган реактив моддалар ўша ёриқлардан ўтиб кетиши мумкин. Ўқув столларига газ, электр токи ва сув ўтказилади. Столларда яна ўқувчилар портфелларини сақлаши учун полка бўлади. Баъзи столларда тажриба ўтказиш жараёнида керакли штатив, идиш ва бошқалар турадиган махсус жой ҳам бўлади.

Лабораторияда столларни конструкциясига кўра турли вариантларда жойлаштириш мумкин.

Икки кишилиқ ўқув столлари қатор қилиб терилади. Бу столлардаги электр ва сув манбалари ўқувчиларнинг ўрнидан турмасдан ва бир – бирига ҳалакит бермасдан сув олишлари ва тўкишлари, газ ва электр манбаларидан тажриба ўтказиш учун бемалол фойдаланишларини ҳисобга олиб ўрнатилиши лозим. Уларнинг устида тажриба ўтказиш учун столлар умуман бўш бўлиши керак.

Ўқитувчи томонидан ўтказилаётган тажрибаларни ҳамма ўқувчилар бемалол кўра олишлари учун лабораториянинг поли зинапоясимон қилиб қўтарилади. Амфитеатр шаклидаги зинапоясимон пол синфда юришни қийинлаштиришини ҳам назарда тутиш керак. Шунинг учун бундай юзаларни горизонтал қилиш мақсадга мувофиқдир. Уни линолеум билан қорпланади. Химия хоналарини паркет билан қопланмайди. Акс ҳолда, тажриба пайтида химиявий моддалар тўкилиши натижасида паркет пол тезда ярқисиз бўлиб қолади.

Химия хонасида олдин кичикроқ столларни кейин каттароқ столларни қатор қилиб жойлаштириш ўқувчилар тажриба майдонини барабар кўра олишларини таъминлайди. Ана шу столларга мос стулларни ҳам танлашлари лозим. Лекин химия хонасида қулай ўтириб ишлашлари учун баландлигини ўзгартириш мумкин бўлган стулларни ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Намойиш столига ҳам сув, газ ва электр уланади. Сув тўкиладиган раковина столнинг чап томонига ёки унинг давомига ўрнатилади. Газ горел-

калари ва электр манбайига уланадиган нукталар ўқитувчи ўтирадиган столнинг пастки қисмига ўрнатилади. Электр симлари, газ ва сув трубалари берк ҳолда бўлади, лекин уларни таъмирлаш ёки текширишда бемалол очиш мумкин бўлиши лозим.

Физика хоналари ҳам химия хоналари каби 2 хонадан-лаборатория ва лаборант хонасидан иборат бўлади. Бу хоналардаги мебеллар ҳам химия хоналари сингари жойлаштирилади.

Физика лабораторияларида икки кишилик столлар қатор қилиб қўйилади. Столларнинг ён томонларига электр розеткаси ўрнатилиб, электр токи уланади.

Лаборант хонасида шкафлардан ташқари электр токи уланган лаборатория столи, ўқитувчининг столи, дарс учун керакли приборлар ва ўқув қўлланмалари тарқатиладиган аравача бўлиши керак.

Биология хонасида ҳам юқорида айтилган иккита хона бўлиб, улардаги мебеллар ва бошқа жиҳозлар баъзи ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Биология хоналарида ўсимликларини қоронғу ва ёруғ шaroитларда ривожланиш жараёнини ўрганиш учун махсус камералар бўлиб, улар люминесцент ва оддий электр лампалари билан таъминланади уларда вентилияцияни кузатиш тешикчалари, шунингдек, ёруғ камераларда етарли ёруғликни таъминлайдиган ва қоронғи камераларда ёруғликни изоляциялайдиган қатлам бўлади.

Лабораторияга ўсимликлар ва аквариумлар учун таглик ва полкалар ўрнатилади. Деворларга эса витрина ва болаларнинг ишлари, гербарийлар ва кизиқарли топилмаларнинг кўргазмаси учун стендлар ўрнатилади.

География хонаси 5-9 - синф ўқувчилари шуғулланиши учун мўлжалланиб, ўқув хонаси базасида ташкил этилади.

Хона икки ўринли ўқув столлари ва алоҳида турувчи столлар билан жиҳозланади. Олдинги деворга секцияли синф тахтаси ўрнатилади. Орқа деворга кўрсатмали қуруллар ўрнатилади. Ҳажмли ўқув қўлланмаларини жойлаштириш учун тешикчалар илгаклар, ва тоқчалар бўлиши керак.

Тасвирий санъат ва чизмачилик хоналарида 4-6 (тасвирий санъат) ва 5-8 (чизмачилик) синф ўқувчилари шуғулланадилар. Бу хонада тасвирий санъат тўғарагининг машғулотлари ҳам ўтказилиши мумкин.

Чизмачилик қуруллари ва расм чизиш учун керак бўлган асбобларни сақлаш учун столнинг ўнг томонига ғаладон ясалади.

Унда ўқувчилар чизгич, бўёқлар, каламлар ва бошқа анжомларни сақлайдилар.

Чизмачилик ва тасвирий санъат хоналарини имкон қадар алоҳида ташкил қилиш, тасвирий санъат хонасига стул ва мольбертлар қуйиш мақсадга мувофиқдир. Шунда ўқувчилар расм чизишлари учун қулай имкониятлар яратиш мумкин. Мольбертнинг ҳар хил турлари бўлиб уларнинг соддароқ шаклли вариантларини дурадгорлик устахоналарида яшаш мумкин.

Мольбертларни барча ёшдаги мактаб ўқувчиларига мослаб, яъни уларнинг расм чизиладиган, қоғоз ёпиштириладиган сиртларни қия, баланд ёки паст бўладиган қилиб яшаш керак.

Тасвирий санъат хонасида ўқувчилар унумли ишлашининг энг муҳим шартларидан бири - натура ўрнатиладиган тагликлардир. Уларни ҳам худди мольбертлар сингари дурадгорлик устахонасида тайёрласа бўлади. Уларнинг энг оддийси иккита тахта ёки қалин фанерни 90 градус бурчак остида бир бирига маҳкамлаб синф тахтасига осиш усулидир. Шунингдек, баландлигини ўзгарувчан қилиб ишланган темир ва тахта тагликлар ҳам мавжуд бўлиб турли синфларда ўқувчиларнинг бўйларини ҳисобга олиб бу тагликларни баландлатиш ёки пасайтириш мумкин. Бунда ҳам тахта таглик асосидаги тешикчалардан фойдаланилади. Металл тагликларда натура ўрнатиладиган юза маҳкамланган вертикал асос бўлиб турадиган трубасимон асосда резба очилиб, уни бўшатиб асосни кўтариш ёки тушириш мумкин бўлиши керак. Бу имкониятлар тасвирий санъат ўқитувчисига дарсни методик ва дидактик жиҳатдан тўғри ташкил этиш имконини беради. Ҳар бир тасвирий санъат хонасида бир нечта таглик бўлиши керак, чунки айрим синфларда натураларни икки жойга ўрнатиш зарур бўлиб қолади. Бу тагликларга ўрнатиш натураларни яхши тасвирлаш, уларнинг ҳажмини, рангини аниқ ифодалашда уларнинг тўғри ёритилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун рефлекторлардан фойдаланилади. Рефлекторларнинг лампа қисми нафақат юқорилятиш ёки пастлятиш, балки уларни ўнг ёки чап томонга буриш имконини ҳам бериши лозим. Рефлектор сифатида айрим стол лампаларидан ҳам фойдаланса бўлади.

Орқа томонда ясаладиган жавоннинг эни 300-350 мм, баландлиги 1800 мм, унинг пастки қисми берк, юқори қисми эса суриб очиладиган ойнали қилинади. Шкафнинг пастки қисмидаги табицалар тасвирий санъатнинг турларига ажратилган ҳолда сақлана-

ди. Юқоридаги сурилиб очиладиган қисмларида тасвирий санъат ва чизмачилик дарсларида ишлатиладиган модел, детал, муляж, тулум ва бошқалар сақланади. Шкаф ўртаси ўлчами жиҳатидан энлироқ, эшиги қулфланадиган қилиб ишланади ва унга проекцион (экранга тасвир туширувчи) техник восита ўрнатилади.

2-§ Монументал композиция турлари

Бадий шаклнинг ўзига хос сифат ўзгаришга эга бўлган тури монументал тасвир бўлиб, у санъат асарларининг композицион ва образли қурилишидан иборатдир.

Монументаллик санъат асарининг композицион ва образли тузилишига доир бадий шаклнинг ўзига хос сифати ҳисобланади.

Асар композициясидаги монументаллик ундаги шакл элементларининг миқёси йириклигида намоён бўлади, Бу ҳолат унинг ҳажми ҳақидаги одатдаги тасаввурни кенгайтириб кўрсатади. Шаклни монументаллаштириш унинг идрок этиладиган кўлами, шаклини умумлаштириш ҳамда ундаги ҳақиқий моддий ҳолатдаги элементларни камайтириш ҳисобига умумий тасаввурни кенгайтиришдир.

Жаҳоннинг энг яхши монументал санъат асарлари шу асосда яратилган. Қадимги Мисрда топилган фреска ва рельефлар, Қадимги Грек ҳайкалтароши яратган Афина ҳайкали, Феофан Грек ва Андрей Рублевнинг фрескалари, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари шарафига ўрнатилган кўпгина ёдгорлик комплекслари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Монументаллик композициянинг шаклга оид сифатигина бўлиб қолмасдан, балки унинг алоҳида ижтимоий ва эстетик мазмунини ҳам ташкил қилади. Бу хусусият одамлардаги кучли, юксак ҳиссиёт ва кечинмаларни, улкан ижтимоий қудратни тасвирловчи асрларга хосдир. Санъатдаги монументал шакллар асрлар давомида саройлар, эҳромлар ҳамда кўргон иншоотларига салобат бахш этиб келади. Мамлакатимиздаги жуда кўп ўқув юртларида жонли табиат музейлари ёки бурчаклари мавжуд. Бу музейларда катта ҳажмли экспонатлар билан бирга уларга фон сифатида график композициялардан фойдаланиш мумкин. Табиат бурчагида экспонатлар учун бутун деворни эгаллайдиган қилиб шаҳарларнинг ёки шу бурчак мазмунини очиб берувчи ўрмонларнинг фотосурати ёпиштирилади. Фотоплакатни бўлак - бўлак қилиб тайёрласа ҳам бўлади. Бунинг асвирнинг қисмларини қўшаётганда қоғозларнинг

четларини бир бирига мослаб ёпиштирилади, фотосуратларнинг четини шундай қилиб чиқариш керакки, бўлақлар бир-бирига ёпиштирилганда тасвир турлича бўлиб қолмасин. Фотосуратдаги матнларни қалин оқ қоғоздан ёки пенопластдан қирқиб олинган оқ ҳарфлар билан ёзилади. Расмни монументал плакат ёки панноларни тайёрлашда ДВП, ДСП, дока ва ҳакозолар ишлатилади. Бунда тасвирни туширишдан олдин бу материалларнинг юзасига илгари айтганимиздек ишлов берилади. Бўзни рамкага тортилади. ДСП қирраларини ёғоч рейка билан ўралади. Бўёқ сифатида темпера, мойли бўёқ, гуашдан, айниқса сувли эмульсиядан фойдаланиш мумкин. Оригиналдаги расмни бу материалларнинг юзасига эпидиаскоп ёки катаклар ёрдамида кўчирилади. Оригинал композиция учун хомаки эскиз тайёрланади, сўнг уни бўз ёки тахта материалларга катак чизиб, кўмир қаламчаси ёрдамида кўчирилади. Суратни кўчираётганда бўз ёки тахтани шундай ўрнатиш керакки, унинг олдидан узоқлашиб, расм қандай тушаётганини текширганда у яққол кўриниб турадиган бўлсин. Биноларнинг ташқи томонини безаш учун бўз, ДСП ва ДВП мос келмайди. Улар намга чидамсиздир. Улардан байрам, юбилей ва бошқа вақтлардаги вақтинчалик безак учун фойдаланиш мумкин. Бироқ ДВПни пухталаб тайёрланса, у кўча шароитида ҳам кўп йиллаб сақланади. Бунинг учун уни икки томондан камида уч марта алифлаб қуритиш керак. Айниқса, тахтанинг чеккаларига алиф шимдириш лозим, шундан сўнг бу қирраларини мойли бўёқ билан бўялади. Тайёр плакатларни ва панноларни кўчага ўрнатиш вақтида уларнинг устига зарар етказмасликка эътибор бериш зарур. Монументал асарлар ичида монументал безаклар томошабинга энг кучли таъсир кўрсатувчи асарлар ҳисобланади. Ўқув даргоҳларда бундай асарлардан фойдаланиш йилдан йилга кўпаймоқда. Шу билан бирга уларнинг гоаявий-эстетик ҳамда бадиий сифати ҳам яхшиланиб бормоқда.

Монументал безакларга деворга тушириладиган расмлар ёки панно ва озаикалар қиради. Тошкент Давлат Педагогика университети 3- сонли талабалар ётоқхосидаги мозаик панно, витраж, ганч уй-макорлиги каби диплом ишлари бунга мисол бўла олади.

Мактабнинг иккинчи қаватидаги зал деворларини гилам нусха қилиб безаш, ундаги тасвирларни алоҳида рангли қуроқлардан ясалганга ўхшатиб ишлаш мумкин. Бу безаклар ҳажм жиҳати-

дан мураккаб эмас. бу ерда шуғулланадиган V-VI синф ўқувчиларининг тушуниши учун мос қилиб ишланади. Рассомлар табиат қучоғида турли ўйинларни, масалан, аркон билан сакраш, қапалак тутиш, авиомоделларни учириш ва ҳоказоларни тасвирлашлари мумкин. 7-8 синф ўқувчилари шуғулланадиган 3 - қаватнинг деворларидаги расмларнинг табиати бошқачароқ бўлади. У ерда мураккаброқ ўйинлар, ўйиндан ҳам кўпроқ бирор тажриба ўтказилаётгани, ўсмирларнинг китоб ўқиётгани, ҳаёл сураётгани, кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг фарзандларидан иборат ўқувчиларнинг гулхан атрофида ўтиргани ва ҳоказолар тасвирланиши мумкин. Бунда 14-15 ёшли ўсмирлар характериға хос одат – уларнинг кичик-кичик тўдаларға бўлиниб шуғулланиши эътиборға олиниши керак.

4 - қават деворларидаги безаклар 9-10 синфларнинг ўқувчилари кўзи олдида улкан бир оламни намоён этиши лозим. Улар мана шу оламға ботиниб-ботинмай қирадилар, баъзилари дадил одим отиб борадилар. Композиция деворнинг бутун юзасини у бошидан бу бошиғача, ердан шифтғача банд этиши мумкин. Бу композиция мураккаб, кўп фигурали бўлиб, шиша ва минерал парчаларидан, сополдан ишланиши мумкин. Ўзбекистонимиздаги турли халқлар ёшларининг учрашувлари, оламға, космосға, юлдузларға саёҳатлари каби фантастик манзаралар композиция марказидан ўрин олса, ўғил ва қизларни байналминаллик, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашға маълум даражада ёрдам беради.

Ишланиши қулай бўлган техника ва материалларнинг хилма-хиллиги ўқув даргоҳлари шароитида ёш рассомлар учун монументал асарларни ривожлантириш имконини беради. Ўқувчилар ўз мактабларини бадий безаш борасида унча мураккаб бўлмаган бадий декорация композицияларни бемалол бажара оладилар. Композициялар мавзуси турлича бўлиши мумкин: жонажон ўлканинг диққатға сазовор жойлари, табиий бойликлари, туманнинг, республиканинг ҳайвонот дунёси, халқ ўйинлари, фольклор ва бошқалар.

Тасвирий санъатда бир хил ёки бир неча хил жинсли материаллар бўлакларидан фойдаланиб ишланган тасвир ёки шаклдан иборат асар мозаика дейилади. Уни яратишда майдаланган тош, рангли шиша, сопол парчалари, ойна, ёғоч, чиганок, данак, ёнғоқ пўчоғи, похол ва бошқалардан фойдаланилади. Мамлакатимизнинг барча туманларида болалар мана шу расм техникасини ижодий ўзлаш-

тириши учун битмас-туганмас имкониятлар мавжуд. Масалан, сув хавзалари соҳилларига яқин жойлардаги ўқув даргоҳлари мозаика учун тўлқинлар чиқариб ташлаган турли тошлардан фойдаланиш имкониятига эга. Шаҳар мактаблари мозаика учун қайта ишлатилмайдиган рангли шиша синиқларидан фойдаланиши мумкин. Уларнинг қолдиқлари маҳаллий шиша заводларида етарлича топилади.

Турли жинсли материаллардан мозаика тайёрлаш технологияси бир хил бўлса ҳам, аммо материалларнинг расмга яроқли сифатлари ҳар хилдир. Бунга материалларнинг хусусияти ҳамда унинг бир хил жинслилиги ва ҳажми таъсир қилади. Ҳажм нечоғлик майда бўлса, расмлар шунчалик таъсирли ва аниқ чиқади.

Рангли синиқ шишаларнинг ҳажми ҳар хилдир. Шунинг учун тасвирнинг кўриниши шартли декоратив тусда бўлади. Бу расмларнинг сифати уларнинг юзасига тушадиган нур жилоларида кўп марта ўзгариб туради.

Мамлакатимиздаги жуда кўп корхоналар мозаика учун ҳамда қурилишдаги безакларда ишлатиладиган сопол плиталарни кўплаб ишлаб чиқармоқда. Улар ҳар хил ўлчамда бўлади. Одатда, уларнинг ранглари 15 хилдан ошмайди. Смальта ҳамда шиша материаллардан фарқли ўлароқ, сопол плиталарнинг юзаси икки томондан ҳам силлиқ бўлиб, бир томонига сир билан безак берилган бўлади.

Шунингдек, юзаси жилосиз сопол плиталар ҳам тайёрланади. Улар қуёш нури таъсирида ҳамда ҳароратнинг кескин ўзгариши, намгарчиликда ўзи сифатини йўқотмайди. Сопол плиталардан бинолар интерьерларидаги монументал композицияларда бемалол фойдаланиш мумкин.

Сополларга безак беришда рангли сирлар ва эмаллардан фойдаланилади. Бунинг учун сирнинг устига ҳамда тагига бериладиган бўёқлардан, тузлардан, люстра ва бошқалардан фойдаланилади. Уларга берилган шакллар, мўйқалам ёки пуркагич ёрдамида берилади. Улардаги безакларни, гулларни учмайдиган қилиш учун 900 даража ҳароратда қиздириб пишигилади. Бундай безаклар бериш учун стандарт гулли плиталар қўл келади.

Мозаик расмларни ишлаш учун ҳар қандай юзадан фойдаланиш, интерьерларда ганч, гипс, оҳак ёки цемент суюқликларини ишлатиш мумкин. Экстерьерларда оҳак ва цемент эритмалари ёки эпоксид смоласидан ҳам фойдаланса бўлади. Мозаикани тайёрлаш бир варакайига ва алоҳида тартибда бўлиши мумкин. Бир варакайига тайёрланадиган мозаикада материал бўлақларини девордаги

юмшок массага бевосита ёпиштириб ишланади. Бу усулда тўғридан-тўғри деворга керакли микдордаги суюлтириб ёпиштирилдиган моддани суркаб, унинг устига мозаик материаллар ўрнаштирилади. Бунда суюк масса қотиб қолмаслиги учун уни ортиқча жойга суркаб юбормаслик керак. Алоҳида тайёрландиган усулда эса махсус плиталарга тўпламни тайёрлаб, кейин уларни олдин ишлаб қўйилган металл синчларга ўрнатилади. Мозаика мустаҳкамрок ўрнашиши учун цемент плиталар орасига темир тўр қўшиб ишланади, ганчли мозаикага капрон тўр ёки бошқа зангламайдиган арматура қўшилади. Плиталарни ўрнатиш учун бурчакли темирлардан каркас қилинади.

Мозаикани алоҳида тайёрлаш усули қуйидагичадир. Смальта, ойна парчаларини, сопол ёки тошчаларни қолипга декстрин елими билан ёпиштирилади. Қолипни қоғозга худди ойнада кўрингандай тарзда тескари шакли ясалади. Қолип ҳажмига қараб ёғоч тоқилардан плита қалинлигида опалубка- қолип тайёрланади. Бу ишлар битгандан сўнг уларни ёпиштирилдиган материал қўйилади, сўнг унга арматура тўрини ташланади. Бу масса қотганидан сўнг плитани тўнкарилади ҳамда мозаик безак материалларини қоришмадан тозалади.

Похол бўлақларидан тайёрландиган мозаик безакларнинг технологияси ҳам ҳар бир мактабда тайёрлаш учун қулайдир. Похол толаларини териш учун ёғоч-тола плитаси мос келади. Уни рамкага ўрнатилади, қора рангга ёпиштирувчи модда қўшиб, тусини ўзгартирилади. Композицияни алоҳида плиталардан ҳам тузиш мумкин. Похол парчаларининг толаларини ўтқир пичоқ ёки устара билан буйига кесиб, керакли узунликда тайёрланади, намланади ҳамда дазмолланади. Натижада, турли кенгликдаги похол пластинкалар ҳосил бўлади. Агар похол бўлақларига бирор ранг бериш керак бўлса, уларни увиган пайтда суюк анилин бўёқларига ботирилади.

Энг аввало юзага қалам билан керакли расм, шакл чизилади. Бу расм характери жиҳатидан материал ҳисобланган похолнинг имкониятига мўлжалланиши лозим. Териш тугатилгандан кейин похоллар ўз жойида маҳкам ўрнашиб қолиши ҳамда композицияга чирой бериши учун ишланган расмга ва унинг фонига рангсиз лок суртилади.

Деворга ишландиган монументал расмлар сувалган бетон ёки ёғоч деворларнинг юзасига елимли, мойли ёки бошқа рангли бўёқлар билан туширилади. Елим ёрдамида ишландиган расмлар уй деворлари ва шифтларини безашда жуда қадим замонлардан

бери қўлланадиган рассомлик санъатининг бир туридир. Бу ишнинг техникаси оддийлиги, шунингдек, материалларнинг арзонлиги, бундан ташқари, енгиллиги ва рангларнинг жозибалилиги учун ундан рассомлар ҳанузгача бемалол фойдаланиб келмоқдалар. Совук сувда бемалол суюладиган елим ёрдамида бажариладиган расмлар техникаси энг содда ҳисобланади. Дурадгорлик елими эса иш пайтида киздириб туришни талаб қилади. Бу елим қуюклашиб қолмаслиги учун елим 4 фоиз сўндирилган оҳак билан қайнатилади.

Расм тушириладиган деворга олдиндан ишлов берилади. Бунинг учун совун ва тўтиё эритмаси тайёрланади. 16 литр сувга 1кг совун ва 1,2 кг тўтиё солинади. Эритмани деворга кетма - кет суркаб чиқилади. Девор қуригандан сўнг унга 10 миқдор елим, 80 миқдор бўр талқони, 120 миқдор сув ва 2 миқдор аччиктош қоришмасидан иборат бўтқа ялатиб чиқилади. Елим билан ишланадиган расмлар намга чидамсиздир.

Мойли бўёқ билан рекреация хоналарда, коридорларнинг турли томонларида, вестибюль ва ошхоналарда расмлар ишлаш мумкин. Мактаблардаги музейлар ёки табиат бурчакларида мойли бўёқлар билан турли диаграммалар, ёшларнинг Ватанга садоқатини, Ватанни мудофаа қилиш панорамасини акс эттирадиган расмларни ишлаш мумкин. Мойли бўёқлар билан расм ишлашдан олдин деворга махсус ишлов берилади. Ёпиштирувчи модда сифатида қотиб қоладиган мойли бўёқларни монументал рассомликда ишлатиб бўлмайди.

Маълум миқдорда мум ва скипедар билан аралашган мойли бўёқларни ишлатиш керак. Бу бўёқ девор юзасида расмга мос қўнғир ранг ҳосил қилади. Мум (3 гр), скипедар (3 куб см), кимёвий йўл билан тозаланган сув (25 куб см) ҳамда ношадил спирти (5 куб см) аралашмасидан тайёрланган махсус эмульсиядан фойдаланиш яна ҳам маъқул.

Мойли бўёқларда ишланадиган расмларни ДСП, ДВП ёки бўзга ҳам тушириш мумкин. Кейин улар деворга ўрнатилади.

Расмнинг ҳажмига мўлжаллаб унинг эскизи картонда тайёрланади. Хомаки эскизни ўрама қоғозга қўмир билан ҳам ишлаш мумкин. Расм тайёр бўлгач унинг контурини игна билан тешиб чиқилади. Картонни деворга маҳкамланади. Игнанинг тешикларига қўмир кукуни докага солиб суркалади. Деворда қолган расм шаклини факсатив (химиявий эритма) билан маҳкамланади. Шундан сўнг расмни ишлашга киришилади.

Расм ишлаш учун елимли бўёқлардан ташқари хонаки ёки сунъий эмульсия (казеин) ёрдамида тайёрланган темпера бўёқларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Темпера расмлари монументал санъат вазифаларини бажаришда қўл келади. Темпера бўёқлари мойли бўёқларга нисбатан камрок сарғаяди, улар эластикроқ, тиникроқ, шу билан бирга қўнғир, ялтироқ тус бериши жихатидан афзаллиги бор. Сувда яхши эрийди.

Тухумли темпера жуда қадимдан маълум. Бу бўёқни тухум сариғи, анжир сути, нон кваси ва бошқаларни қўшиб тайёрланади.

Казеинли темпера эса эмульсияли бўлиб, унга 40 гр казеин, 20 гр бура ёки 5 гр сода, 280 куб см сув қўшилади. Мана шу моддалардан тайёрланган сиропсимон эритма ўзига тенг миқдордаги ёғни эрита олади. Эмульсияни бўёқ билан аралаштирилади. Расм учун янги тайёрланган бўёқдан фойдаланиш керак. Казеин темперасида ёпишқоқлик темпераси бўлиб у материалнинг юзасига маҳкам ёпишади. Шунинг учун уни мустаҳкам асосга ва қаттиқ сувоқларга ишланган маъқул. Эскирган оҳак ва бўёқларни тозалаб ташлаш керак.

Кейинги вақтларда саноат йўли билан поливинил ацетат темпераси ишлаб чиқарилмоқда.

Фреска монументал рассомликнинг ўзига хос турларидан биридир. Уни қуримаган сувоқ устига сувли бўёқлар билан туширилади. Сувоқ қуриган сари ундаги оҳак бўёқ қатлами билан маҳкам бирлашиб қолади. Фрескаларнинг икки тури мавжуд. Нам сувоқдаги фреска ва қуруқ фреска. Қадимги замон меъморлигидан бизгача етиб келган Афросиёб безакларида Ўрта Осиёдаги қадимий нақшларда фреска техникаси асосида ишланган монументал композициялар бор.

Деворни сувоқ қилишдан олдин деворни тоза сув билан ювиш керак. Сувоқ лойи яхши тозаланган, ишлатишдан бир неча ой илгари сувга солиб сўндириб қўйилган оҳакдан тайёрланади. Фреска учун қўлланадиган сувоқнинг бир қисми оҳак (оҳак лойи) 2-4 қисми яхши эланган майда кум (оҳак куюк бўлса), агар оҳак сувоқроқ бўлса, 1-1,5 қисм кум олинадиган. Сувоқни бошлашдан олдин девор яхшилаб қуритилган бўлиши шарт. Сувоқни деворга мустаҳкам ўрнатиш учун унга ўйиклар қилиш ва озгина намлаш лозим. Сувоқнинг иккинчи қатламини бошлаган пайтда олдинги қатламини ҳам сув билан бир оз намлаш керак. Сувоқ 2-8 қатлам бўлади. Ўнг тагидаги қатлам 2-5 см, охириги қатлам 2-3 мм бўлиб, уни де-

ворнинг расм тушириладиган қисмигагина берилади. Бу охириги катлам расм ишлаш вақти 3-5 соат давом этадиган жойга мўлжалланади.

Ранг тасвир иши унинг хомаки нусхасини бажаришдан бошланади. Рулон коғоздан унинг ҳажми барабар олинади. Картон коғозни фреска тушириладиган деворга ўрнаштириб, унинг жойини ҳар томонидан белгилаб чиқилади, сўнгра бу расм – андозани калькага кўчирилади, андоза бўлақларини шундай мўлжаллаб кесиш керакки, уларни сувоқ қотиб қолгунга қадар деворга тушириб улгуриш лозим. Расмларни деворга ўрнатаётганда шаблондаги чизикларни учланган ёғоч таёқча билан босиб деворга туширилади.

Расмлар сувоққа кўчирилгандан кейин унга зеб бериб ишлаш бошланади. Сувда эрийдиган ҳар қандай порошокли (кукунли) бўёқлар фрескани безашда пигмент ўрнида ўтиши мумкин. Бўёк бераётган пайтда уни қалин суркаб юбормаслик лозим, чунки у сувоққа қаттиқ ёпишмайди. Натижада, кейин тўкилиб тушиши мумкин. Ўрта сувоқ бўёқлар аста-секин устма - уст суртилади. Ёзувни эса юмшоқ мўйқаламларни астагина тутиб, иложи борича бир йўналишда ёзиш керак. Бўлмаса оҳақ моддаси устига чиқиб қолиб, ранг берилган қатламларга доғ тушиши мумкин. Олдин очик рангларни, сўнгра ўрта ва энг охирида тўқ рангларни берилади.

Рангли ойна ёки ойна устига туширилган суратлар, шакллар, безакларни тасвирий санъатда витраж дейилади. Витражларни дераза ойналари ўрнига қўйиш мумкин. Агар улар ичкари хоналарга ўрнатилса, сунъий ёруғлик берилганда жилваланиб кўринади. Витражларни рангли, доирасимон ойна бўлақларига ёки юзасига шакл туширилган сополга расм тушириладиган бўёқлар билан гул солиб ҳам ишлаш мумкин. Айрим ҳолларда эса тайёр рангли ойналар ёрдамида ишланади.

Кейинги йилларда биноларнинг, шу жумладан, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари биноларининг интерьерларини безашда витражлардан кўпроқ фойдаланилмоқда. Тошкент Давлат Педагогика университети бадийи графика факультети талабаларининг диплом ишларида ҳам витражлар кўп учрайди.

Лицей, коллеж ва мактабларнинг вестибюллари, спорт залларида «Спорт ва санъат» мавзуларидаги витражларни ўрнатиш мумкин. Ана шу безакларга ишлатилган ойна бўлақлари улар орасидаги елимлар сезилмайдиган даражада зич ва пухта ёпиштирилиши керак. Витражлар коридор бўйлаб устунлар орасига жойлаштирилса, икки томондан тушадиган ёруғликда жуда жозибали кўринади.

3-§ График ишларнинг турлари

Графика атамаси грекчада «ёзаман» деган маънони билдиради. У тасвирий санъатнинг чизик, ингичка чизик ва доғ асосидаги турларидан биридир. Графикада рангдан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўз вазифасига кўра дастгоҳли, китобий, амалий, саноат ва меъморлик графикаси фаркланади. График тасвирларнинг барча турлари фронтал композиция тамойилларига мувофиқ тарзда ишлатилади.

Ўқув юртларининг кундалик ҳаётида турли хил функционал аҳамиятга эга бўлган график композициялар салмоқли ўрин эгаллайди. Хар куни ўқувчилар турли-туман график кўрсатмали кўлланмалар, деворий газеталар, эмблема ва бошқаларни кўриб турадилар. Мана шу график композицияларнинг аксариятини ўқувчиларнинг ўзлари расм ўқитувчиси раҳбарлигида бажарадилар.

Лицей, коллеж ва мактабда кўлланадиган амалий графика ўзининг вазифаси ва характериға кўра алоҳида турларға ёки жанрларға ажралади. Буларға плакат, ўқув кўлланмалари, деворий газета, аълочилар тахтаси, спорт хабарлари тахтаси, эълон ва бошқалар киради. Бу жанрларнинг хар бири ўз вазифаси ҳамда интерьернинг кўримли бўлишидаги ролиға қараб ўзига хос хусусиятларға эгадир.

«Плакат» атамаси ҳозирги пайтда фронтал композициянинг кўрсатмали ташвиқот, реклама, таълим, инструктаж ва бошқа турли функциялари доирасида жуда кенг ўрин тутади. Эмоционал таъсир кўрсатишнинг энг оператив ва самарали воситаси бўлганлиги учун плакатдан ҳозирда кенг фойдаланилади.

Бажарилишиға қараб плакатлар босма, трафарет, чизма, фотомонтаж каби турларға бўлинади.

Лицей, мактаб коллежларда босмаҳонада тайёрланган плакатлардан кенг фойдаланилади, бироқ шу билан бирға кўриш ахборот муҳитини вужудға келтиришда трафарет, чизма ҳамда фотомонтажлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ахборотли-ҳарфли трафарет плакатлар аниқ ёзилиши, композицион қурилиши мукаммал бўлиши, ранги таъсирли чиқиши керак. Одатда, у икки рангли ҳарфдан фойдаланилади. Баъзан учинчи хил ранг фон сифатида керак бўлади. Очиқ рангли фонға тўқ ранглар, кора, кизил, кўк билан, тўқ фонға эса оқ, оч сарик, оч зангори, оч бинафша ранглар билан ёзиш мақсадға мувофиқдир. Ҳарфли плакатлар учун тоза қоғоз энг яхши фон ҳисобланади.

Ҳарфли плакатда ҳар доим асосий ва иккинчи даражали матн бўлади. Асосий матнни иккинчи даражали матнга караганда 3-5 марта йирикроқ ва кўзга ташланадиган рангда ёзилади. Уни жиддий, аниқ, ўқилиши осон ҳарфлардан терилади.

Расмли - мавзули плакатда иллюстрация асосий ўринда туради, матн эса унга қўшимча бўлиб хизмат қилади. Плакат бир лахзадаёқ ҳис этиладиган ва тушунарли бўлиши шарт. Шу сабабли плакатдаги расм ва унинг ранги фаол ва ихчам бўлиши, мазмунни аниқ билдириши. Бирор воқеа ёки тушунча орқали кишида таасурот уйғотиши зарур. Тасвирни стиллаштириш ва умумлаштириб шарҳлаш ҳам мумкин. Плакатнинг мавзу маркази бўлиши лозим.

Мамлакатимизда ўеган асрнинг йигирманчи йилларидаёқ фотомонтаж пайдо бўлган. Фотоматериаллар ҳамда босма маҳсулотларнинг осон топилиши ва мўллиги туфайли фотографиянинг бу тури билан мактаб интерьерларини бадий безаш имконияти кўпроқ. Фотоматериаллардан мавзули стендлар, деворий газеталар ва бошқаларнинг композицияларида фойдаланиш мумкин. Бунинг оператив тайёрланадиган плакат тури деса бўлади. Бу ишда вазифаларни тақсимлаб олган ҳолда ўқувчиларнинг коллектив меҳнатини йўлга қўйиш мумкин.

Плакат композицияси учун исталган материалдан фойдаланиш мумкин: рамкага тортилган материални грунтлашда, айниқса оқ, сувли эмульсия бўёғи яхши натижа беради. Рангланган ДВП, қоғоз копланган фанер, ПВА, декистрин ёки БФ-2 елими билан рамкага ёпиштирилган рангли пластикалар ҳам мос келади.

Ўқув юртларида фотомонтаж орқали тасвирланадиган мавзулар жуда кўп. Масалан, фанларни ўзлаштириш учун кураш, ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш, кўкаламзорлаштириш, бадий ҳаваскорлик тўғараклари фаолияти, спорт мусобақалари, дам олиш масканларидаги ҳаёт ва бошқалар.

Ўқув машғулотларини ўтказишда турли фанлар бўйича тайёрланган график воситаларнинг роли катта. Ўрганилаётган материалларнинг яхши идрок этилиши бу қўлланмаларнинг эстетик жиҳатдан пухта, таъсирли ишланганига боғлиқдир.

Ўқувчиларнинг ўз кучлари билан график қўлланмалар тайёрлаши, аввало, тарбиявий аҳамиятга эга, шунингдек, босмаҳоналарда тайёрланган ана шундай қўлланмаларнинг камчилигини тўлдириш ва ўқув юртига наф келтириши муҳим омил ҳисобланади.

Кўлланмаларни сифатлирок тайёрлаш учун маълум кондаларга риоя қилиш лозим. Уларни тушъ (қора ва рангли), акварель, гуашъ ёки темпера билан ок расм қоғозга ёки чизмачилик қоғозига ишласа бўлади. Қоғознинг катталиги шундай бўлиши керакки, ундаги тасвир ва матнни мазкур хонада энг орқадаги партада ўтирган ўқувчилар ҳам аниқ кўриши ва ўқиши мумкин бўлсин. Қоғоз варагининг бўш қолган жойлари : пастдан 5 см, юқоридан ва ёнларидан 2 – 3 см бўлиши керак. Кўлланмаларнинг сарлавҳаси аниқ ҳарфлар билан ёзилиши ва бунда ҳарфлар тик тушиши, уларнинг баландлиги, ёзилган юзанинг катта ёки кичиклигига мувофиқ бўлиши лозим. Қоғоз варағидан вертикал ҳамда горизонтал ҳолатда фойдаланиш мумкин. Вертикал композициядан фойдаланилса, кўлланмани ишлатиш ва сақлаш осон бўлади.

Қоғозни картонга елимлаб ёпиштирилади, синиб қолмаслиги учун картоннинг орқа томонига ҳам шундай қоғоз ёпиштирилади. Елимни қоғоз юзасининг устига тўла суртилади, бу ишда силикат елимидан фойдаланмаслик керак, чунки у қоғозни сарғайтиради.

Кўлланмани тайёрлаш учун аввал унинг эскизини тайёрлаб олиш, унда композиция элементларининг ўрнини, уларнинг ҳажминини, қандай рангда бўлиши ва ҳоказоларни белгилаб олиш тавсия қилинади. Эскизни қаламда деталларни енгилгина қоралаб ишлаш мумкин.

Ўқувчиларни турли тадбирлардан хабардор қилиш, бирор ишга сафарбар этиш учун, одатда, эълон ёзилади. Баъзан эълонлар жуда кўпайиб кетади, шунинг учун уларни бажаришда тартиб бўлиши керак. Эълонларни ёпиштириш учун ўқувчилар кўп тўпланадиган доимий жойни танланади.

Эълонлар тахтасининг шакли ва конструкцияси турлича, у битта ёки бир неча тахтадан иборат бўлиши мумкин. Тахтанинг ўлчамларини белгилашда унга бир йўла ёпиштириладиган эълонлар микдорини ҳисобга олиш керак. Тахта юзасининг ранги унинг атрофидаги рангларга ҳамоҳанг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Эълонлар тахтасини ёғоч тахтадан, ДВП ёки рамкага михланган фанердан тайёрлаган маъқул. Шунингдек, эълонларни ёғоч тахталар, рейкалардан ишлаб бўялган ёки бўялмаган махсус жойга ёпиштириш ҳам мумкин. Эълонлар кнопка билан маҳкамланади.

Эълонлар композицияси лўнда ва кўзга ташланадиган қилиб тузилади. Унинг матни осон ва тез ўқилиши керак, ёзишда эса энг осон ва тез битадиган ҳарфдан фойдаланган маъқул. Бунда брус ва

бурчакли харфлардан фойдаланса яхшироқ чиқади. Эълон матнидаги эътиборни қаратиш керак бўлган асосий ахборот ранг ёки харфларнинг ҳажми билан ажратиб ёзилиши керак. Стендларга йирикроқ қилиб «Эълонлар» деб ёзилса, у стенддаги ҳар бир эълонга алоҳида, қайта-қайта «эълон» сўзини ёзишга эҳтиёж қолмайди.

Ҳарфлар ёрдамида тайёрланадиган бу плакат турининг ўзига хос томони - унинг тарғибот ишини бажаришидир. Унда давлат сиёсати қисқа ва ифодали тарғиб қилинади, ўқувчиларни яхши ўқишга даъват этилади. Чақириқлар матога ёзилиб, кўпинча рамкага тортилган бўлади, шунингдек, қоғоз, картон, ДВП га ҳам ёзилади. Оқ рангдан бошқа картонлар ҳамда ДВП ни даставвал сув эмульсияси, ёки сув эмульсиясига майда эланган бўр қўшиб ҳосил қилинган суюқлик билан юпка қилиб бўялади. Бунда ПВА ёки дурадгорлик елими қўшиб ишлатилади. Шиор матнидаги сўзларни бўлмай қатордан - қаторга тушириш керак. Матнни ёзишдан олдин уни қалам билан белгилаб олинади. Чақириқларни матога ёзиладиган бўлса, унга бояги оқ бўрларни суртиш зарур эмас. Чақириқларни ёзиш учун тўқ кизил, тўқ ҳаво ранг, яшил матолардан, оқ сатин, оқ рангли бўзлардан фойдаланса бўлади. Чақириқларнинг композициясида расмлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Аълочилар тахтаси ҳурмат тахтасига ўхшаган бўлади, унинг учун кўзга яққол ташланадиган, ёруғ жойни танлаш керак. Бу тахта учун ёғоч қипиғидан ёки ёғоч толасидан тайёрланган плиталар қўл келади. Уларнинг юзасини ишлаш ва бўяш осон бўлиши зарур.

Аълочиларнинг суратларини ракурс жиҳатидан бир хил қилмаслик керак, токи суратларда ўқувчиларнинг ўзига хос жиҳатлари, характери кўриниб турсин. Суратларни бир хил текис чизик бўйлаб жойлаштириш ҳам маъқул бўлавермайди: бунда бир хиллик; жозибасизлик пайдо бўлади. Ўқувчиларнинг суратларини уларнинг ёшига, синфига қараб гуруҳлаштириб жойлаштириш маъқул.

Аълочилар тахтаси композициясидаги асосий нарса ўқувчиларнинг фотосуратларидир. Уларнинг фони суратларни кўзга яққол кўринадиган қилмоғи лозим. Қора – оқ тасвирли суратларнинг фони хиёл ранг бериб ишлангани, рангли суратлар ёпиштириладиган фон эса оч кул ранг ёки оқ бўлгани дуруст.

Аълочилар тахтасига турли металллар: мис, латунъ, алюминий, пўлатдан тайёрланган жиякларни ишлатиш, шунингдек, миллий нақш, ёғоч ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун 15-20 мм қалинлиги 2-3 мм металл

тасмани эгиб; ёғоч тахтани, контурли расм ёки рельефли ўймакорлик ҳамда мозаик шакллар, тахтани куйдириб гул солиш, шишадан мозаика ишлаб ва бошқача жияк бериш мумкин.

Стендларнинг мавзуси турлича: спорт ютуқлари, Ватанимиздаги машхур спортчилар ҳақида безакли композициялар, спорт ҳаётига бағишланган бурчак, спорт нормативлари, рекордлар жадваллари ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Спорт мавзусидаги композицияларни спорт зали яқинига жойлаштириш маъқул. Улар, шунингдек, ўқув юртидаги спорт майдончасида, ўқувчилар дам олиш масканларида ҳам туриши мумкин. Стендлар учун ҳар хил катталиқдаги планшетлардан фойдаланиш керак. Улардан турли блоклар тайёрлаш имкони бор. Бунинг учун оқ ёки енгил кизғиш ранг берилган ҳамда оқ коғоз билан қорланган ДВП ёки фанералардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Спорт мавзусидаги композицияларда аълочилар тахтасига қараганда ранглардан бемалол кўпроқ фойдаланса бўлади. Бу ерда безакли жияклар, шу жумладан, турли материаллар-металл, керамика, рангли ойналардан жияклар қилиш мумкин.

Мактабларда турли деворий газеталар чиқарилади: умуммактаб, тўғарак газеталари «чақмоқ» ва бошқалар. Бундан ташқари махсус ўқув хоналарида ҳам деворий газеталар чиқариб турилади.

Деворий газетанинг ҳар бир сони ўзига хос тарзда безатилиши, уларда бир хил қолипдаги рамка ҳамда виньеткалардан фойдаланавермаслик керак. Газетанинг ҳар бир сонидида шу сондаги мавзунини белгиловчи бош мақолага асосий ўрин берилади. Ҳажв ва сатира учун, одатда, газетанинг ўнг томонидан жой ажратилади. Газета сонининг композициясини даставвал қоралаб олгач, сарлавҳалар ёзилади, расмлар қилинади, шундан кейин фотосуратлар ёпиштирилиб, машинкада босилган ва қўлда ёзилган материаллар жойлаштирилади. Сўнг безак ишлари ижро этилади. Газетанинг байрам сонларида безак ва рангларга алоҳида аҳамият берилади. Байрам ғоясини газета номига ишлатилган ҳарфнинг шакли орқали, шунингдек, мавзунинг рамзий мазмунини очувчи расм орқали ифодалаш мумкин. Газета номининг ҳажми газета юзасининг тўртдан бир ёки бешдан бир қисмидан иборат бўлса энг ўқишли ва таъсирли ҳисобланади. Бу сарлавҳа доимий ёки алмаштириб туриладиган бўлиши мумкин.

Газетанинг номи. уни нашр этувчи орган, газетанинг сони ва вақти кўрсатилади.

Сатирик газета («Наштар», «Қалампир» ва бошқалар) аниқ ишонарли материалга асосланади. Унга расмлар, ҳазиллар карикатуралар билан бирга эпиграмма, масал, эртақлар, фелъетонлар жойлаштирилади. Уларни адабий манбалардан олинади ва ўқувчиларнинг ўзлари ижод қиладилар. Газеталар композициясида, материалларни жойлаштиришда ва ранглардан фойдаланишда эркинлик бўлиши керак.

Ҳозирги пайтда ўқув юртларида алоҳида биноларни, ҳаракат йўналишларини ва ҳоказоларни кўрсатиладиган график тасвирларнинг бутун бир тизими мавжуд. Ана шу кўриш ахбороти воситалари ҳарфлардан, рамзий ёки белгили, ҳарфли шакллардан иборат бўлади.

Кўриш ахборот белгиларини ўқув юрти коридорларига, бинога кириладиган эшиклар тепасига, коридорнинг икки тарафидан яққол кўринадиган қилиб ёзиш керак. Ана шу белги ва ҳарфларнинг ҳажми йўлакнинг узунлигига, шифтнинг баландлигига мувофиқ бўлиши лозим. Бу белги ва ёзувларни расм қоғозларига ҳар хил рангли тўқ бўёқлар билан ишланади. Бу композициялар, айниқса белгилар ўқувчиларга тушунарли бўлиши керак. Ана шу расмлар ва ёзувларни картонга ёки фанерга ишлаб, деворга маҳкамланади ёки ойна ичига ўрнатилади.

Ҳарфли ишларни перода, мўйкаламда, трафаретда ёки аэрографда бажарилади. Фотография методи билан ҳам жуда чиройли ёзувларни ифодалаш мумкин. Бунинг учун босмаҳонада ёки қўл билан тайёрланган ҳарфлар ёрдамида тузилган белги ва сўзларни суратга олинади ва фотоқоғозда уларнинг нусхаси кўпайтирилади, яъни ҳарф белгилари кассаси кўпайтирилади. Керакли ёзувларни ҳосил қилиш учун шу тайёр ҳарфларни резина елими билан қоғозга ёпиштирилади. Тузилган матнни керакли ҳажмда суратга туширилса, жуда яхши натижа беради. Бу ишда энг муҳими фотосуратлар аниқ ва контраст тўғри танланган бўлишидир. Бунинг учун фотографиядаги контраст материаллар, айниқса негативларни яхши танлаш лозим. Фото орқали тайёрланадиган ҳар хил белгиларнинг афзаллиги шуки, бу восита билан керакли матн материалини кўп нусхада тайерлаш мумкин. Ҳарфли графика материални: таклифномалар, ёрлиқларни кўпайтириш лозим бўлганида, мана шу методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бу методдан деворий газеталарнинг сарлавҳаларини, спорт ахборотларини ёзиш ва ҳоказоларда ҳам фойдаланилади.

Фотонабор матнларини магнитлаштирилган махсус материаллар ёрдамида ҳам ишлаш мумкин. Масалан: Тулада юпка магнитланган резина ишлаб чиқарилади, уни резина елими билан фотосуратнинг орқасига ёпиштириб, суратни металл асосли стендларга маҳкамлаб қўйса бўлади. Бу эса турли ахборот воситаларини тайёрлашнинг техник ва энг оператив усулларидан биридир.

Кейинги вақтларда ҳарfli композицияларни тайёрлашда летресат усулидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг учун олдиндан ҳарфларнинг бир қанчаси тесқари қилиб ишланган шаффоф пленка олинади. Бу ҳарфларнинг юзасига елим моддаси берилган бўлади. Пленкани енгилгина босиб ундаги ҳарфлар қоғозга ёки бошқа нарсаларнинг юзига қўчирилади.

Фронтал композицияларда аппликация усулидан фойдаланиш ҳам кенг тарқалган. Бунда композиция қоғоз, мато, картон ва бошқа нарсаларга ранг-баранг қоғоз ёки материални ёпиштириб (елимлаб, тикиб) тайёрланади. Аппликациядан мавзули стендлар, деворий газеталар, кўрсатмали қуроллар ҳамда кичик ўлчамли график ишларни бажариш учун ранг-баранг безаклар зарур бўлган ҳолда фойдаланилади. Бунда қоғозларни ёпиштириш учун крахмал ва резина елими, матоларни ёпиштириш учун БФ-6 елими ва бошқа материалларни ёпиштириш учун эса ПВА елими ишлатилиши мумкин.

Аппликациялар ўзининг ёркинлиги билан кўзга яққол ташланади ва бу усул ҳамма ўқув юртларида фойдаланиш учун қулай ва осондир. Аппликациялар кичик ва ўрта ёшдаги ўқувчилар билан ишлашда айниқса қизиқарли ва унумли бўлади.

Ўқув юртларида ишланадиган графиканинг кичик турларига ўқувчилар мустақил бажариши учун мўлжалланган кичик ҳажмли композициялар (нишон, таклифномалар, табрикномалар, ёрлиқлар, диплом, альбом, ва ҳ.к.) қиради. Ўқувчилар графиканинг бу турларини тасвирий санъат ўқитувчиси раҳбарлигида бажаришлари мумкин.

Таклифномалар тайёрлашга жиддий эътибор бериш ва ҳар сафар ижодий ёндашиш керак. Чунки ўтказиладиган тадбирлар учун ҳар хил таклифномалар тайёрланаверса, бу ишнинг қизиғи қолмайди. Бундай таклифномалар ўқувчиларнинг эсидан чиқиб кетади ва уларни сақлаб қўйиш ҳеч қимми қизиқтирмайди.

Одатда, байрам кечаларига, юбилей, тантаналарига таклифномалар тайёрланади. Улар 2 ёки 4 бетдан иборат ўлчамлари 6х9,

6x10, 6x12 см бўлиши маъқул. Таклифномалар бундан катта бўлса, уларни сақлаш қийинлашади.

Таклифномаларни қўлда ёки трафарет, линогравюра, фотография усули билан босмахонада тайёрлаш мумкин.

Таклифноманинг биринчи (ташки) саҳифасига эмблема, монограмма босилиб, матнни ёйилманинг ўнг томонига жойлаштириш тўғридир. Таклифноманинг сиртида расм бўлиб, рамз ёки сана кўрсатилади, орқа томонига эса таклифнома матни ёзилади. Танланган чиройли каллиграфик ёки ёзма декоратив ҳарфлар кечанинг мавзусига мос бўлиши лозим. Таклифнома матнини қора тушда «редис» пероси ёки чизмачилик перолари билан ёзиш мумкин.

Таклифномаларни кўпроқ тайёрлаш керак бўлса, ўқув юрти шароитида линография усули ҳам қўл келади. Бу усулда суратларни, табрик откриткаларини ва тўғарак эмблемаларини, таклифномалар ва бошқаларни босиш мумкин. Линография усули билан таклифномани куйидагича тайёрланади: аввал хомаки эскиз ишланади, тескари тасвир чиқариш учун сурат нусхаси туширилади. Бунинг учун уни қора қоғоз ёрдамида линолеумга ўтказилади. Шундан сўнг тасвирни маълум тартибда ўйишга киришилади. Скапель ёки ўткир пичоқ ёрдамида расм чизиги бўйлаб 1-1,5 мм чуқурликда ўйилади, шундан кейин расмнинг қоғозга оқ бўлиб тушиши керак бўлган жойларини қошиқсимон пичоқ билан ўйиб фон қилинади. Линолеумнинг кесиб олинган бўлагига бўёқ (босмахона, литография ёки мойли бўёқ) суртилади. Тайёрланган ишга мос қоғоз бўлақларини граверланган тахтага босиб олинади ёки эзиб тасвири тушурилади. Шу тарзда тайёр таклифнома чиқарилади. Таклифномаларнинг миқдорини кўпайтириш лозим бўлса, қўл билан айлантриладиган пресс ёки босма (тиски)дан фойдаланиш керак. Бунда қоғоз ҳамда тахтани ДВПдан тайёрланган тахтакач орасига жойлаштириб босилади.

Таклифномаларни бир неча рангда босиш керак бўлса, ҳар бир ранг учун алоҳида тахта қирқилади, уларга қора қоғоз орқали эскиз ёрдамида тасвирнинг керакли қисмигина туширилади. Даставвал оч рангларни босиш лозим. Тахтага бўёқ берадиган ўқлоғи (валик)ни иш тугагандан кейин керосинлаб ювиб, мато билан артиб қуриши керак.

Узоқ йил ишлаган ўқитувчиларнинг юбилейлари, уларнинг туғилган кунлари ёки нафақага чиқиши муносабати билан табрикномалар ҳам тайёрланади. Такбрикномалар, ёрлик ёки диплом шак-

лида бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда уларнинг энг кўп тарқалган шакли тўрт саҳифали дипломдир. Унинг муқовасини тайёрлаш, босмаҳонага буюртма қилиш ёки дўкондан сотиб олиш мумкин. Табрикномани шу муқованинг ичига ипак тасма билан маҳкамлаб қўйилади. Муқовани картондан, калин матодан, дермантиндан, баҳмал қоғоз ёки теридан тайёрлаш мумкин.

Табрикноманинг биринчи саҳифасида табрикланайтган шахснинг юбилей санаси, исми ва фамилияси ифодаланади. Ички ёйилмага тўқ жигар ранг, кўк ранг ёки бронза қуқуни ва ПВА елими қоришмаси билан табрик матни ёзилади. Матнни тўқ жигар ранг туш билан ёзиш маъқулроқ. Қизил ёки кўк ранг учун елим қўшилган гуашь ишлатса бўлади. Ёйилманинг чап томони саҳифасига табрикланувчининг ўртоқлари имзо чекишлари мумкин. Имзоларни турли рангдаги сиёҳда ва ҳар хил йўналишда жойлаштира бўлади. Биринчи ҳамда учинчи бетлардаги матнларни ранг ва композиция жиҳатидан бир-бирига мослаштириш керак. Табрикнома учун курсив ёки каллиграфик ҳарфлар мос келади. Матннинг бошланишидаги биринчи ҳарфнинг ҳажмини матндан каттароқ, рангини бошқача қилиб ишланса яхши чиқади.

Ёрликни бирон-бир фаолият соҳасида: ўқув, спорт, жамоатчилик ишлари ва ҳоказолардаги ютуқлар учун берилади. Ёрлик калин оқ, (баъзан) рангли, 18х24, 24х30, 25х32 ёки 30х40 см ли қоғознинг бир томонига туширилади. Ёрликни қоғознинг тикка томонига ҳам, горизонтал томонига ҳам жойлаштириб ишлаш мумкин. Ёрликдаги расм ҳамда матн атрофида: тепаси ва ёнларида 3-5 см, пастида 4,5-7 см очик жой қолса, чиройли бўлади.

Ёрликни сураат ёки нақш шакллари билан безатилади. Сураат ёки нақш шакллари симметрик ёки носимметрик жойлаштириш мумкин. Уларга ҳаддан ташқари кўп ранг бериб юбормаслик керак. Байрам тантаналарига бағишланган ёрликда қизил, оқ, тилла ранг, қора, спорт ёрликларида зангори, кўк, қора, оқ ранглардан фойдаланиш мумкин. Расмлардан фойдаланганда меъёрни назарда тутиш керак. Ёрлик композицияси график ҳамда услуб жиҳатидан одми бўлиши зарур.

Ёрликни безаш учун калин қоғозга турли расм, тасвирларни бўрттириб тушириш маъқул, бунинг учун оддий асбоблар, масалан, ёғоч қолип ёки пресс, турли диаметрдаги металл роликлардан фойдаланилади. Ёрликка ҳал бериш учун бронза қуқунини ишлатиш мумкин. Унга суюлтирувчи модда қўшиш шарт эмас. Ҳал бериладиган жойга юпка қилиб елим (ПВА ёки декстрин елими) сурти-

лади, сўнг уни қуритмасдан туриб, устига бир меъёрда бронза кукуни сепиб чиқилади. У қуригандан кейин бахмал билан аста артилади. Бу ишни бир неча марта қайтариб, ҳал қатлами қалинлаштирилса, ёрликнинг кўрки янада ошади, сифати яхшиланади.

Диплом бирон танловдаги совринли ўринлар, кўргазма, спорт мусобақаларидаги яхши ишлар, пешқадамлик учун бериладиган ҳужжатдир. Уни бир варақли ёки икки варақли қилиб ишланади. Дипломнинг сиртки саҳифасида унинг даражаси – I, II ёки III рақами билан кўрсатилади. Ёйилмаларнинг ўнг томонида диплом кимга, нима учун ва ким томонидан берилганлигини билдирувчи матн ёзилади. Сўнг уни берган хайъат раиси, аъзоларининг имзоси ҳамда муҳр босилади. Дипломни тайёрлаш жараёни ҳам ёрликни тайёрлаш жараёнининг худди ўзидир. Баъзан дипломни янада чиройлироқ безаш учун унга тилла ёки қумуш ҳал берилади.

Ёшлар ташкилотлари фаолиятида мавзули альбомлар салмоқли ўрин олади. Кундалик тадбирлар, сайёҳатлар, учрашувлар, дўстлар ҳамда атоқли кишилар билан ёзишмалар, турли материаллар тўплами – буларнинг ҳаммаси ўқув юрти тарихида акс этиб туриши керак. Ёшлар ўз жонажон ўлкалари, миллий қаҳрамонлари ҳақида материаллар тўплашади, кўрсатмали танловлар ўтказишади, жанговар ҳамда меҳнат шухрати манзилларига саёҳат уюштиришади. Оромгоҳларда дам олишади, гербарий ва бошқа коллекцияларни тўплашади. Мана шу материалларнинг ҳаммаси стендларда, витриналарда, мавзули альбомларда акс этиши керак. Дўкондан сотиб олинadиган альбомларнинг аксарияти бир тусли бўлади. Ўқувчиларнинг ўзлари тайёрлаган альбомларгина айрим мактабнинг фаолиятидаги ўзига хос жиҳатларини ва унинг анъаналарини акс эттириб туриш мумкин.

Альбом қуйидаги қисмлардан ташкил топади:

Мукова – қаттиқ ёки юмшоқ қоғоздан ишланиб, саҳифаларни шикастланишдан сақлаб туради. У альбомга бадий кўриниш берадиган даражада бўлиши керак;

Мукова табақаларни бирлаштириб турувчи қисм;

Форзац – муковаларни бошқа саҳифалар билан бириктириб турадиган варақлар;

Титул варағи – номи, нимага бағишланганлиги, альбом эгасининг исми, фамилияси ёзилadиган саҳифа;

Фронтиспись – титул варақдан чап томондаги саҳифа;

Шмуц титуллар – альбом бўлимларини ажратиб турадиган саҳифалар.

Альбомдаги ички безакларининг элементлари-пешлавҳа (боблар матни бошидаги безаклар) инициллар (бошланишдаги безакли ҳарфлар), тугатмалар (бобларнинг охиридаги тасвирлар).

Ҳар қандай мавзудаги альбомнинг беағи унинг муқовасидан бошланади. Муқовада суратли ёки нақшли сюжетли безак бўлади, номи ёзилади. Баъзан сурат ёки матн билан биргаликда фотографиядан фойдаланилади. Агар муқова дермантин ёки қалин картон қоғоздан тайёрланган бўлса, сурат ҳамда матнни мойли ёки босмаҳона бўёғи билан тушириш ҳам мумкин. Агар муқова қоғоз ёки юпка картондан ишланган бўлса, унинг беағини босмаҳона, темпера ёки гуашь бўёғи билан ишлаш мумкин. Баъзан ялтирок клеенкали супер муқовалардан фойдаланилади.

Сурат ҳамда матннинг беағиши бир маромда бориши керак. Альбомни ранги пешлавҳалар билан тўлғизиб юбормаслик, уларни синчиклаб, танлаб ишлаш лозим. Ранглар ёрдамида альбомни мазмунан бойитиш унга жозибадорлик бағишлаш ёки ўқувчида маълум бир кайфият пайдо қилиш ҳам мумкин. Альбомдаги расм ва ҳарфларнинг ҳажми альбом саҳифаларидаги расм ва ҳарфларга нисбатан йирикроқ бўлиши керак.

Альбом муқовасини ҳар хил материалдан: фанер, тунука, мис, латунь, алюминий, рухланган темир, оргойна, пластмасса ва бошқалардан тайёрлаш мумкин. 4-5 мм қалинликдаги фанер муқовани қора рангга бўяб, локлаб, тасвир ҳамда ҳарфларни эса ўйма контур усулида туширса бўлади. Фанер муқовага шунингдек, турли дарахтлардан тайёрланган поналар тўплами орқали мозаик шакл ҳам берилади. Похол бўлакларидан фойдаланиб ҳам жозибали муқова яратиш мумкин.

Муқоваларнинг иккала бетини корешок -- муқова табақаларни бирлаштириб турувчи қисм билан бириктириш учун юпка латунь чегалар билан парчинлаб бириктирилади. Кейин уларни бўяш ёки силликлаб лок билан қоплаш мумкин бўлади. Альбом варақларини иккита ёки учта винт билан маҳкамланади. У винтларнинг бир томонида резбаси бўлиши керак. Винтларнинг учларига пардоз берилса, улар ҳам зийнат вазифасини ўтайди.

Мис ўймакорлиги ёки гравировка қилинган металл пластинкалардан тайёрланган муқова анча кўркам ва чидамли бўлади. Металл пластинкалардан қалин картон ёки тахта асосга бириктирилган

зийнат деталлари сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Уларни муковатга БФ-2 елими ёрдамида, эпоксид смоласи ёки механик усул билан бириктириш лозим. Санаб ўтилган материалларнинг қайси бири бўлмасин, улардан альбом мазмунига мос тушадиган тақдирдагина фойдаланиш керак.

Альбомларни, шунингдек, олдиндан аппликация, кашта, мунчок, расмлар билан безалган мато билан қопласа ҳам бўлади. Мато билан гул тушурилган ёки ўйиб безак берилган металлнинг қўшилишидан яхши вариантлар яратиш мумкин. Эски тери қолдиқларидан тайёрланган муковалардан ҳам альбом учун яхши материал сифатида фойдаланиш керак, бунинг учун икки бўлак терини уларга ўхшаш ёки бошқа бирор декоратив чок билан тикиш талаб этилади. Терига тамга босиб, бўяб, металл зийнатлар ёпиштириб ишлов берилса яхши чиқади.

Барча альбомларда ҳам форзац бўлавермайди, баъзан альбом муковасини унинг варақларига ипак тасма ёрдамида маҳкамланади. Бундай альбомнинг муковаси очилгандаёқ унинг титул саҳифаси кўринади. Титул саҳифада альбомнинг мавзуси уни ким чиқаргани, ҳамда альбомни тайёрлаган вақт ёзилади. Титул саҳифасини тузганда унга ҳар хил ҳарфлар билан ёзиш, суратларни кўпайтириб юборишдан сақланиш керак. Баъзан ҳарфлар композициясининг ўзи билан чекланса ҳам бўлади. Фронтиспись услуби титул саҳифа нинг қиёфасига мос тушуши керак. Ёйилмада титул саҳифа энг кўзга ташланадиган жой бўлганлиги учун кўпинча фронтисписни бўш қолдириш ҳам мумкин.

Альбомнинг кейинги ёйилмасида хат матни, безак материаллари бошланади. Одатда, улар ёйилманинг ўнг томонига жойлашади.

Барча материалларни пухта жойлаштириш керак. Биринчи саҳифадаги матн пешлавҳа ҳамда безалган бош ҳарф билан бошланади. Илгари қўлёзма китобларни шундай безашган. Бу ҳарфнинг ҳажми, ранги бошқача бўлиши, баъзан эса оддий шаклда бўлса ҳам йирикрок қилиб ёзилиши лозим. Бош ҳарфнинг шакли экслибрис - расми қилиб безатилиши ҳам мумкин. Альбом саҳифаларини фотосуратлар ҳамда декоратив безаклар, айниқса ранг-баранг безаклар билан тўлғазиб юбормаслик зарур. Фотосуратларнинг ҳажми альбом саҳифасига мутаносиб бўлиши керак. Фотосуратларни саҳифанинг четига яқинлаштириб ёпиштирмаслик, уларни ёпиштирганда резина ёки декстрин елиmidан фойдаланиш лозим. ПВА елими ишлатилса, у қуриганда қоғоз бужмайиб қолмайди. Идора елими қоғозни сарғайтиради. Расм изоҳлари ёзилган ҳарфларнинг баландлиги 5 мм дан ошмаслиги шарт.

4-§ Байрам безаклари ва бадий тасвир тамойиллари

Одатда, ўқув юртини Мустақиллик куни, янги йил, Ўзбекистон қуролли қучлари кунига, Наврўз байрами каби турли саналар, умумхалқ тантаналари ва ижтимоий - сиёсий воқеалар муносабати билан турли йўсинда безатилади.

Ўқув юртини байрамона безатишда унинг атрофида, ташқи кўриниши ва ички хоналари, айниқса мажлислар залига махсус зеб бериш ишлари бажарилади. Бино ичини, алоҳида хоналарини байрамона безатишда риоя қилиш керак бўлган бадий-тасвирий тамойиллари ҳамда воситалари умуман коллеж, мактаб, лицей залларини, стендлар ва кўргазмаларни одатдагидек безатишдан унчалик фарқ қилмайди. Бунда фақат безакнинг декоратив элементлари мазмуни, шунингдек, уларни бадий ижро этишнинг байрамона руҳи кўзга ташланиб туриши керак. Бинонинг ташқариси, унинг майдони ҳамда ўқувчиларнинг чиқишларидаги байрамона композициялар кескин ўзига хос жиҳати билан эътиборни жалб этиши лозим, бинонинг ташқи қиёфаси унинг байрам кунларидаги биринчи тантанавор нуқтасидир. Унинг безаклари мазкур байрамнинг мазмунини акс эттириши, ихчам ҳамда чиройли бўлиб, томошабинга байрамнинг асосий ғоясини етказиши керак ва бу жиҳатдан бироз плакатга ўхшаши мумкин.

Бино ташқарисини безатишда унинг жойлашган ўрнини ҳисобга олиш керак, чунки ўқув юрти мана шу атроф ва ундаги бинолар орасида байрамни ифода этувчи асосий элементлардан бири бўлиб туради. Ўқув юрти биноси бошқа бинолар, айниқса уй-жой бинолари қуршовида турса, ундаги байрамона руҳ кучлироқ, кўркемроқ бўлиши бошқа биноларнинг зийнатига контраст бўлиб тушиши лозим. Мабодо мактаб биноси бошқа қурилишлардан олисроқда жойлашган бўлса, унинг безаклари теварак атрофдаги нарсаларга камроқ алоқадор бўлиши, эркинроқ кўриниши мумкин. Бироқ иккала ҳолатда ҳам кўча участкаларининг умумий безатилишини унутмаслик лозим. Ўқув юрти ёнида майдонлар, гулзорлар, йўлақлар, бутазор ҳамда дарахтлар бўлиши ҳам уни безатиш мазмунига жиддий таъсир қилади. Мухитнинг бу элементлари бинонинг умумий безаклари вазифасининг бир қисмини бажаради, умумий композицияга қўшилади ёки, аксинча, унга ҳалақит бериши ҳам мумкин. Масалан, дарахтлар кўпинча бинонинг олдини тўсиб қўяди. Шундай ҳолларда бинонинг бадий безакларини унинг кўзга яққол ташланадиган қисмига кўчирилади ёки алоҳида ўрна-

тиладиган декоратив иншоотларда бажарилади. Мактаб сахнини безашда унинг кириш дарвозаси, атрофдаги панжаралар ҳам асосий ўринда туради.

Мактаб биносини безаш эскизида бинонинг маълум бир масофадан одамлар кўзига кўпроқ кўринадиган томонини назарда тутиши лозим.

Мабодо бино чорраҳада жойлашган бўлса ва асосий фасади ҳамда ён деворлари кўзга ташланиб турса, унинг барча кўринадиган томонларини безатиш лозим.

Бино ташқарисини безатишдаги композицион чизмалар ҳар хил бўлиши мумкин, аммо бино дарахтлар билан тўсилмаган тақдирда бинонинг меъморлик жиҳатидан симметрияси уни безатиш симметриясига мос тушмоғи лозим.

Бинони безатишда ипга тизилган байроқчалардан, шунингдек, ҳар хил катта-кичикликдаги байроқлардан, рангли матолар, тасмалар ва ҳ.к. фойдаланиш мумкин. Булар байрам зеб-зийнати вазифасини муваффақиятли бажаради. Лекин болалар ва уларнинг раҳбарлари бу ишга ижодий ёндашиб, безакларга янги декоратив элементларни, масалан, ранг-баранг арғамчилар, шарлар, турли геометрик шакллар ва ҳ.к. қўшишлари мумкин.

Бинонинг ташқи томонини байрамона безатишнинг вариантларидан бири қуйидагичадир. Композиция ўта симметрик бўлиб, бинога кираверишдаги томда Ўзбекистон Русспубликаси Давлат Байроғи хилпираб туради. Бинога киравериш жойи кўзга ташланадиган асосий манзарани ташкил этади. Унда эшикдан юқоридаги деразалар орасидаги қуёш нури каби икки томонга йўналган рангли матолар тортилган. Умуман ҳамма безаклар рангли матодан ишланган ва уларнинг четлари бўшроқ турсин учун кенгайтириб маҳкамланган. Қўпол безаклар қўшилмаган. Монтаж ишлари жуда кам, бино ташқарисига ишлатилган безаклар жуда сипоиланган; матоларнинг четига тасмалар тикилиб, уларни дераза ромларига боғланган.

Беш қаватли типовой мактаб биносининг кейинги вақтда қурила бошланган уч қаватли «самолёт» типигаги бинолардан афзаллик томонлари бор. Унинг ён томонидаги фасади дераза ўринларидан озод ясси текислик бўлганлиги учун бу жойдан байрамона безаклар осиш учун фойдаланиш, бу ерга рангли тасмалар, матолар, ипга тизилган байроқчаларни ўрнатиш мумкин. Аммо бу ерда ҳам безакларни ўрнатиш учун дағал материалларни маҳкамлаш мураккаброк ишдир. Бу ерда турли рангли материал тортиб ромга

ўрнатилган ҳамда дераза точкаларига жойлаштирилиб, ромга арконлар билан маҳкамланган безак ҳам асосий декоратив элемент бўлиши аниқ. Мана шу рангли матолар ва бинога кираверишдаги безаклар, бино марказидаги байроқ билан биргаликда бинонинг ораста, байрамона кўринишига ҳисса қўшади.

«Самолёт» типдаги уч каватли биноларнинг фасадида деразасиз девор бўлмайди. Аммо бунда ҳам безатишнинг маъқул шакллари топиш мумкин. Агар безакни бино деворидан унга ёндашган бўшлиққа кўчирилса, буни амалга ошириш осон бўлади.

Байрамнинг муҳим қисми ўқувчилар иштирокида митинг бўладиган жойга – қишлоқ марказига юришидир. Бу юриш – байрамнинг кульминацияси ҳисобланади. Шу сабабли рассомнинг унга лойиқ безаклар топиши масъулиятли ишдир.

Рассом бинони безатишдаги каби бу юришни безатишда ҳам йил фаслини, мазкур жойнинг ўзига хос шароитини ҳисобга олиши керак. Ҳаракат йўналишида ҳам гап қўп. Агар ўқувчилар колоннаси бир каватли бинолар тушган кўчадан юрадиган бўлса, колоннага фақат кўчадан туриб қаралади. Бунда рассом асосий эътиборини колоннанинг умумий силуэти, унинг олдиндан ҳамда ён томондан ритмик кўринишига қаратиши лозим. Мабодо колонна қўп каватли бинолар тушган кучалардан ўтадиган бўлса, колоннанинг тепадан - айвон ҳамда юқори кават деразаларидан қандай кўринишини ҳам ўйлаб олиши керак.

Байрам колоннаси рассом учун ҳар ёклама салмоқли-улкан объект деб олинади. Лекин унинг бошқа объектлардан фарқи шундаки, колонна ҳаракатда бўлади, унинг безак композицияси ҳаракатга мосланиши зарур. Рассом колоннанинг ўтадиган йўлини, унинг ҳаракатларини эътиборга олиши ва шу жиҳатдан режиссёрлик вазифасини ҳам бажариши керак.

Ўқувчилар ҳаракат давомида маълум яқинлик билан силжиб, белгиланган сценарий асосида колоннанинг кўринишини ўзгартириши, масалан, рангли байроқчаларни, гулдасталарни кўтариб ёки тушириб боришлари мумкин.

Композицион жиҳатдан колонна олдинги қисмга, ўрта ҳамда охириги қисмга бўлинади. Бу уч қисмга бўлиниш ўқувчиларнинг ёш гуруҳларига ҳам мосланади: юқори синф ўқувчилари кичикларга қараганда йирикроқ безак элементларини олиб юрадилар. Рассом ёш гуруҳларига қараб колоннанинг кўринишини ўйлаши, уларга мос безак топиши лозим.

Колонна безакларининг тайёрланиши осон, вазни енгил, кўтариб юриш хавфсиз бўлиши керак. Масалан, безак элементлари фанер ёки оргалитдан ишланса, уларнинг юзаси елканнамо кенг бўлмаслиги керак. Акс ҳолда шамол кучи уни кўтариб юришни қийинлаштиради.

Икки томони кўп қаватли иморатлардан иборат кўчадан ўтадиган ўқувчилар колоннасини безатишнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Бунда колоннанинг олдинги қисмини тепадан ва ёндан безатишга қараганда камроқ зеб берилади. Масалан, колонна уч бўлакдан иборат қилиб тузилган дейлик. Бунда унинг ўрта бўлимини безатишга эътибор берилади. Бунинг учун кўзга яққол ташланадиган нисбатдан йирикроқ безак, масалан, «Тинчлик, Меҳнат, Дўстлик, Мустақиллик» сўзлари ёзилган айланиб турадиган «ер курра-си» ишланади.

Колоннани композицион безатишнинг бошқа чизмалари ҳам бўлиши мумкин. Ўқувчилар юришини байрамона безатиш масалаларига ундан қисқа муддат ичида фойдаланилиши ўз таъсирини кўрсатади. Шунга кўра ҳар қандай кескин, кўзга яққол ташланадиган бадиий ифодалар қўл келади. Бу элементлардан қисқа муддатгина фойдаланилаиши сабабли уларни сақлаш, демак, яна қайтадан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд бўлади. Декоратив элементларни ишлаган пайтда уларни унификациялаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу безаклар турли шакл ва кўринишдаги элементлардан ташкил топиши мумкин. Мана шу элементларни ҳар хил тарзда қўшиб фойдаланиш натижасида турли ранг ва конструкция вариантлари ҳосил қилинади. Ҳар бир элементнинг ўзига хос жиҳати янги элементни юзага чиқаради. Безакларни унификация қилинган тақдирда мактаб фасади ва ўқувчилар юришини безаш элементларини тайёрлашга кам меҳнат ва маблағ сарфланади.

Бинони байрамона безатишнинг асосий материаллари сифатида анъанавий турли рангдаги мато, қоғоз ва гуашь ишлатилади. Янги материаллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Баъзан бадиий жиҳати унчалик кўзга ташланмайдиган, бироқ усталик билан фойдаланилган материаллар ҳам яхши безак сифатларини намоён эта олади. Масалан, фанер, картон, полиэтилен, сим, поролон ва бошқалардан безашда яхши фойдаланса бўлади.

Бино, унинг сахнини ҳамда ўқувчиларнинг юришини безашда санаб ўтилган мисоллардан ташқари биров мураккаброқ декоратив безак санъатининг элементлари: катта фотосуратлар, фотогра-

фика, расмлар, фотомонтаж ва плакатлар, бино олдидаги стендли конструкциялар, транспортлар, кичик ҳажмли графикадан ҳам фойдаланиш мумкин. Мабодо байрамона безатишнинг мазмун ва эстетик муъёрларига мос тушса, ҳар қандай ижодий кашфиёт ҳам шодлик, қувноқликни ёрқин ва очиқ ифодалаш вазифасига хизмат қилади.

5-§ Кўргазмалар ташкил этиш

Ўқув юртларида ташкил этадиган кўргазмалар мавзусига кўра хилма - хил бўлиши мумкин. Лекин уларнинг барчаси ҳам тўрт асосий босқичда ташкил этилади.

1. Кўргазма мавзусини аниқлаш.
2. Мавзули ва мавзули - экспозиция режасини тузиш.
3. Экспонатлар йиғиш.
4. Кўргазма ташкил этиш учун қулай жой танлаш.

Кўргазманинг мавзусини, мазмунини аниқлаш ва уни ташкил этиш муҳим вазифадир. Мавзуни ҳар томонлама ва чуқур англамай туриб образли ва оригинал кўринишга эга бўлган кўргазма ташкил этиш қийин.

Ўқув юрти ҳаётида деворий газета, стенд ёки кўргазмада ўзининг ёрқин ва образли ифодасини топиш мумкин бўлган кўпгина мавзулар топилади.

Мавзули кўргазмалар мазмунини аниқлашда ўқув - тарбиявий ишларнинг асосий вазифаларига амал қилиш талаб этилади. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш етакчи тамойил ҳисобланади. Шунинг назарда тутиш керакки, ўқувчилардаги бадиий безаш ишларига доир малакаларнинг ривожланиш доираси бевосита уларнинг ёшлари билан боғлиқ. Шунинг учун бошланғич синф ўқувчилари ўзлари бирор стенд ёки кўргазмани мустақил безашни уддалай олмайдилар. Лекин уларда ҳар хил оригинал гоёлар бўлиши мумкинки, уларни амалга оширишда юқори синф ўқувчилари яқиндан ёрдам беришлари керак.

Ўқувчилар ҳаётини ёритишда мавзули кўргазмаларнинг мазмуни ва бадиий тасвир шакллари янада аниқроқ мақсадга эга бўлишида уларнинг асосий йўналишларини яққол тасаввур этиш ва доимо унга амал қилиш муҳимдир. Бу йўналишлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ўқувчиларни гоёвий – ахлоқий тарбиялаш.
2. Ўқувчилар билимларининг чуқур ва пухта бўлиши учун кураш.
3. Юқори синф ўқувчиларини меҳнатга ва касб танлашга йўллаш.

4. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш ва ҳ.к.

Лицей, коллеж ва мактабларда «Китоб ҳафталиги» ўтказиш анъанага айланиб қолмоқда. Бу кўргазманинг қизиқарли ва таъсирчан бўлиши ўқувчиларга китоблар: дарсликлар, бадий ва бошқа адабиётларнинг ролини англаб етишда яқиндан ёрдам беради. Кўп ҳолларда бундай китоб кўргазмаларини ташкил этишда китоб маҳсулотларини образли тарғиб қилиш малакаларининг етишмаслиги сезилиб қолади. Хаттоки, стенд ёки витринадаги экспозиция материални компановкалаш, эълон ёки сарлавҳалар нима учундир эътиборни ўзига тортмайдиган даражада бўлади.

Бундай кўргазмаларни жонлаштиришда, яъни уларни бадий жиҳатдан безашда рассомчилик тўғарагининг аъзолари томонидан бажарилаётган ишлар диққатга сазовор. Уларнинг бу ишда қатнашишлари педагогик жамоанинг болаларни дарсликлар ва бошқа китоблар билан мустақил ишлашга жалб этиш борасидаги ишига бевосита ёрдам бўлади.

Китоб кўргазмалари мазмунан жуда ранг-баранг ва уларнинг энг асосийлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Замоннинг долзарб масалаларига бағишланган кўргазмалар.
2. Буюк саналарга бағишланган кўргазмалар.
3. Атоқли кишиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар.
4. Ўқув жараёнига ёрдам берадиган кўргазмалар.
5. Жанрли кўргазмалар.

Лицей, коллеж ва мактабларда ташкил этиладиган кўргазмаларнинг ҳар бири учун ўзига хос оригинал бадий ечим топиш, кўргазмадаги асосий ва маъновий элементларни алоҳида бўрттириб кўрсатиш муҳимдир.

Кўргазма ишларини яхши йўлга қўйиш ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнатга қизиқтириш, ахлокий ва эстетик тарбиялаш учун қўшимча имкониятларни очиб беради. Турли ўқув предметларидан ташкил этилган кўргазмалар ўқувчиларнинг дарсларда олган билимлари доирасини кенгайтиради.

Ўқувчиларни эстетик тарбиялашда бадий кўргазмалар ташкил этиш, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга моликдир. Мавзули кўргазмаларини ташкил этишда бажариладиган ишлар ўқувчиларни эстетик тарбиялаш борасида ўз самарасини беради. Болаларнинг турли кўргазмаларни безатишда иштироки уларнинг эстетик ҳиссиётлари ва бадий дидларини ривожлантиради.

Барча кўргазмалар ягона комплексни ташкил этиши ва улар бинода ўз ўрнини топиши керак.

Мавзули кўргазмаларнинг ташкилий тамойил ва усуллари музей экспонатларини ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир. Ўқувчилар мавзули кўргазмаларни ташкил этиш ва бадий безатишда олган билим, кўникма ва малакалар ҳажми мактаб музейларини барпо қилиш ишига профессионал ёндашиш имконини беради.

Турли байрамлар муносабати билан тайёрланган экспозициялар ўзига хос мавзуга эга бўлади. Нишонланаётган байрамлар, муҳим сиёсий-ижтимоий саналар катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бундай тадбирларни юксак бадий савияда безаш ўқувчиларни ғоявий, маънавий тарбиялаш учун кенг имкониятлар яратади.

Кўргазмаларнинг мавзуси ва тахминий ҳажми аниқлангандан сўнг уларнинг мавзуси ва мавзули экспозиция режаси тузиб чиқилади. Кўргазма ўқувчилар эътиборини ўзига жалб этиши, уларга фойдали бўлиши, унинг долзарблиги билан бир қаторда замонавийлигига ҳам эътибор бериш керак. «Китоб ҳафталиги» ўтказилаётганида китоб янгиликлари, ёзувчи ва шоирлар, китоб графикаси соҳасида ижод қилаётган рассомлар ҳақида ҳам маълумотлар бериш лозим.

Кўргазмани ташкил этишда унинг долзарблиги, замонавийлигидан ташқари маҳаллий шароит - кўргазмада ишлатиладиган материаллар, шунингдек, бадий безаш ишларини амалга ошириш имкониятлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Масалан, бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган кўргазманинг бадий - образли ечими юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган кўргазманинг ана шундай ечимидан албатта фарқланиши лозим. Мавзули экспозицион режа қабул қилинган, уни бевосита бажаришга киришилади. Бу эса иш жараёнида режага ўзгартиришлар мутлақо киритилмайди, деган сўз эмас. Режани амалга оширишда қизиқарли фикрлар, кўргазманинг мазмунига ва таъсирчанлигига ижобий таъсир кўрсатадиган материаллар ҳам топилиши ва уларни қўллаб кўргазманинг мазмунини янада бойитиш, унинг самарадорлигини ошириш мумкин.

Мавзули - экспозицион режа тузилгандан сўнг кўргазма учун материаллар йигила бошлайди (баъзан акси бўлиши, яъни олдин материаллар йигиб, сўнг режа тузилиши мумкин). Материал йиғишга ташкилотчилар кенг ўқувчилар оммасини жалб этадилар.

Тажриба ўқувчилардан, хатто, юқори синф ўқувчиларидан тузилган безовчи-рассомлар ҳам мустақил иш юритиш қобилиятига

эга эмаслигини кўрсатмоқда. Шунинг учун бу тадбирда уларга бевосита тасвирий санъат ўқитувчиси раҳбарлик қилиши керак. Ўқув юртларига педагогик амалиёт ўтказиш учун келган педагогика университетлари бадий - графика факультетининг талабалари ва бадий- графика ўқув юртларининг ўқувчиларини бу ишларга жалб этиш яхши самара беради.

Кўргазмани ташкил этишнинг кейинги босқичларида дурадгорлик касбига қизиқувчи ва бу соҳада маълум кўникмага эга бўлган ўқувчилар ҳам қатнашишлари керак. Чунки кўргазма учун планшет, ром, гуллар учун қутилар талаб этилади.

Кўргазмалар учун тўғри жой танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда фақат кўргазманинг экспонатлари таъсирчан бўлиши эмас, балки уларнинг умумий интерьер билан мослигига ҳам эътибор бериш керак. Кўргазма бинони бадий жиҳатдан бойитиши лозим.

Кўргазма рекреацияда, коридорда, ёшлар хонаси ва бошқа бирор хонада бўлиши мумкин.

Кўргазма стендларининг атроф - муҳит билан эстетик боғланишини таъминлаш учун уларнинг муҳитга нисбатан тўғри қатталиқда ва мос рангда бўлишига эришиш энг асосий шартлардан биридир.

Агар кўргазма стендлари девор бўйлаб жойлашса, уларнинг баландлиги ва катта-кичиклиги хонанинг баландлиги ва катта-кичиклигига қараб белгиланиши керак. Стендларни кўриш қулай бўлиши учун ўқувчиларнинг бўйлари ҳам ҳисобга олинади.

Кўргазмаларни ташкил этишда олдин уларнинг макетларини ясаб олиш юқорида айтилган талабларнинг бажарилишини олдиндан яққол тасаввур этиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, кўргазма учун жой танлашда унинг тарбиявий аҳамиятини оширувчи турли бадий, педагогик ва психологик омилларга етарли эътибор бериш керак.

6-§ Спектаклларни бадий безаш

Ўқув юртларида синфдан ташқари олиб бориладиган таълим - тарбиявий ишларнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, драмтўғарак ҳам шулар жумласидандир. Тарбиянинг ажралмас қисми бўлмиш эстетик тарбияни амалга оширишда драма тўғарагининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Театрга ихлосманд ўқувчилар бу тўғаракда турли кечаларга тайёргарлик кўрадилар, спектакллардан парчалар тайёрлайдилар.

Ўқувчиларнинг бир мақсадга қаратилган ижодий меҳнатлари уларни спектаклнинг асосий моҳиятини очиб беришга ўргатади, санъат борасидаги истеъдодларини камол топтирад, шунингдек, уларда топширилган вазифага масъулиятли муносабатни таркиб топтиради.

Спектаклларни ва бошқа тадбирларни бадий жихатдан безаш уларнинг мувоффақиятида муҳим роль ўйнайди. Бунда асосий ўрини, шубҳасиз, тасвирий санъат ўқитувчиси ва тасвирий санъат тўғараги катнашчиларининг спектаклларни бадий безаш борасидаги фаолиятлари эгаллайди.

Ўқитувчи ёрдамида тасвирий санъат тўғараги катнашчилари декорациялар, кастюмлар ва бошқа декоратив ҳамда бутофория элементлари эскизларини тайёрлайдилар. Бу иш жараёнида улар спектаклдаги воқеа содир бўлган жойлардаги уй-рўзгор буюмлари, кийимлар, меъморчилик элементларининг ўзига хос кўринишларини ўрганадилар, музей ва спектаклларга борадилар.

Эскизлар тайёр бўлганидан кейин барча тўғарак катнашчилари, тасвирий санъат ўқитувчиси ва спектакл режиссёри уларни биргалашиб муҳокама қиладилар. Маъқулланган эскиз бўйича унинг муаллифи макет ясайди. Кейин ўқитувчининг декорацияни бажариш техникасига оид кўрсатмаси асосида барча ўқувчилар ишга киришадилар.

Спектаклларни саҳналаштиришда юқорида таъкидлаб ўтилганидек, декорацияларнинг аҳамияти каттадир. Улар ўзининг специфик хусусияти билан спектаклдаги образларнинг томошабинга янада тушунарлироқ бўлишига ёрдам беради.

Театр беағи бўйича маълум тажрибага эга бўлмаган рассом, шунингдек, дастлабки уринишлари натижасиз чиққан ўқувчилар кўп ҳолларда ўз олдига қўйилган вазифани ҳал этишда баъзи хатоларга йўл қўядилар. Айни пайтда спектаклларни тезлатиш ҳақида уларга тайёр рецепт ҳам бериш мумкин эмас. Чунки улар бунда изланиш, мустақил фикр юритиш имкониятидан маҳрум бўлади. Ўқувчилар ўз олдига муайян мақсад қўйишлари керак. Бу мақсадга эришишда интилаётган ўқувчилар пьеса асосида ётган драматург гоясини очиб беришда ўзига хос бадий восита танлаб оладилар. Уларнинг ишларидан спектакл режиссёри ҳам доимо хабардор бўлиб туриши керак. Декорациянинг кўриниши пьесанинг асосий моҳиятидан, ҳаракат ўринларининг планировкасидан, тасвирланаётган объектларнинг ўлчами тўғри олинганидан, ёруғлик йўналиши

тўғри танланганидан, композицион ритмга амал қилинганлигидан келиб чиқади.

Театр рассоми ижоди бошқа соҳа рассомлари ижодидан фарк қилади. Театр рассоми ижодининг ўзига хос томонлари доимий ҳаракатда бўладиган объектлар - энг аввало актёрлар, шунингдек, ёруғлик, унинг таъсири остида ўзгариб турувчи рангларда акс этади. Буларнинг ҳаммаси декорация композициясини ҳал этишда ҳисобга олинади. Шунинг учун декорация пьеса мазмуни, пьеса гоёси ва актёр ижроси билан уйғунлашмоғи, бутун спектаклнинг ажралмас бир элементи, пьесанинг гоёвий моҳиятини очиб берадиган воситалардан бири бўлмоғи лозим.

Саҳналаштирилаётган пьесанинг бадий безагини тайёрлашга киришган ўқувчилар аввало асар билан танишиб чиқадилар. Эскиз чизишдан олдин фойдаланиладиган жиҳоз ва шароитлар, яъни саҳнанинг улчамлари, унинг механик ва ёритиш жиҳозлари билан танишиб, шароитдан келиб чиққан ҳолда эскиз ишлашга киришадилар. Саҳна ва бошқа жиҳозлар спектаклни безатишнинг у ёки бу шакли танланишини белгилаб беради.

Спектакллари безаш борасида тажрибага эга бўлмаган рассом муваффақиятли ишлаши учун саҳна майдонидаги декорациялар ўрнатиладиган шароитларни, бу ишнинг техникасини ўрганиш, ёритувчи аппаратларни самарали ишлатиши, безакларнинг саҳнадан кўринишини ҳисобга олиши керак. Спектаклни саҳналаштирувчи режиссёр билан рассом пьесани саҳналаштириш ишида бошидан охиргача ҳамкорликда ишлайдилар. Уларнинг ҳамкорлиги материални муҳокама қилишдан бошланади. Ундан сўнгра рассом спектакл декорацияларининг хомаки нусхаларини ишлайди. Унинг вариантларидан маъкулини режиссёр билан биргаликда танлаб олиб ранг билан ишлайди. Сўнгра улар спектаклнинг планировкасини ишлаб чиқадилар. Спектакл декорацияси билан саҳнада спектакл иштирокчиларининг ҳар бири роль ижро этаётган пайтдаги ҳаракат жойлари, уларнинг костюмлари ва гримларни ҳам ҳал этиб боради. Уларнинг ҳаммасига мос, воқеа содир бўлаётган даврга мансуб бўлган мебел танлайдилар, саҳнанинг ёритилишини ҳал этадилар. Буларнинг барчаси рассом ва режиссёр томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқиладиган ва амалга оширилади.

Томошабинлар залга кириб, жой-жойларига ўтирадилар. Улар ҳали спектаклга ҳеч бир дахли йўқ бошқача таассуротда бўладилар. Чироклар ўчиб, парда очилади ва томошабинлар саҳнадаги декора-

цияларни кўрадилар. Бу декорациялар томошабинларни дархол спектакл мухитига олиб киради, воқеа қаерда ва қайси тарихий даврда содир бўлиши ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Спектаклнинг сахна мухитини режиссёр билан биргаликда рассом яратади. Пьеса муалифи: «яхши жиҳозланган хона», -деб ёзади. Хонанинг жиҳозлари бу ерда яшайдиган кишилар тўғрисидаги дастлабки тасаввурни пайдо қилади. Рассом эса сахнада хонани яратиб, буюмларни гўё пьесадаги ўз эгаси ҳақида гапиришга мажбур этади. Шунинг учун ҳар бир детали синчиклаб танланади. Безаш спектаклдаги образга боғлиқ ҳолда ҳақиқий ёки шартли бўлиши мумкин.

Спектаклни бадий безатувчи рассом ишининг бир хусусияти шундан иборатки, у декорация санъати воситасида сахнада – асар воқеалари содир бўлаётган даврнинг ва шароитнинг бадий образини яратади. Юксак бадий савияда яратилган декорация томошабинларни спектаклдаги воқеаларнинг характерини тўғри тушуниб етишлари, ундаги асосий нарсга эътиборни қаратишлари учун имконият яратиб беради. Шу билан бирга декорация ва ундаги айрим элементлар томошабиннинг эътиборини асосий воқеалардан чалғитмаслиги лозим.

Спектаклни муваффақиятли безаш учун рассом сахналаштирувчи режиссёрга хос айрим хислатларга эга бўлиши лозим, жумладан, у пьесадаги образларнинг ички дунёсига кириб бориб, ўша тасаввурлар асосида декорация ишларини амалга оширади.

Сахнадаги кайфиятни тўғри тасвирлаш учун мавжуд бадий воситалардан оқилона фойдаланиш керак. Бу воситалар орасида ранг муҳим аҳамият касб этади. Ранг воситасида сахнадаги об - ҳаво, вақт ва бошқа декорацион эффектлар тасвирланади. Бу борада, шубҳасиз, ўқувчиларнинг фантазиялари маълум даражада заифлик килиши мумкин. Улар дастлабки пайтларда бундай бадий ишларни тасвирий санъат ўқитувчисининг кўрсатмалари асосида амалга оширадилар.

Декорацияларни спектаклдаги воқеа содир бўлаётган жой, даврнинг ўзига хос хусусиятларни аниқроқ тасвирлаш учун пьесадаги қаҳрамонлар ҳаётини яққолроқ тасаввур этиш учун ўша даврга оид илмий тадқиқотлар, бадий адабиётлар, картина, расм, гравюра, иллюстрация, портрет, фотография, кийим, мебеллар ҳамда бошқа материаллар билан танишиб чиқилади.

Декорациялар муваффақиятли чиқишида уни бажарувчининг тасвирий санъат борасидаги билим ва малакалари етарли бўлиши,

айникса, ранглар ва улар билан ишлаш технологиясини пухта ўзлаштириши талаб этилади. Декорациялар асосан елимли бўёқлар билан ишланади. Улар куригандан кейин ранги сезиларли даражада оч тусга киради. Уларни ҳам ҳарорати паст ва зах бўлмаган хоналарда қуритиш керак. Акс ҳолда бир хил рангга бўялган юзларда доғ ва бошқа нуқсонлар ҳосил бўлиши мумкин. Шунингдек, бир юзани бир неча марта бўяш ҳам ярамайди. Чунки бўёқлар қатлами қалинлашиб декорация осилганда бўёқлар ёрилиб, тўкилиб кетиши мумкин. Шунинг учун декорациядаги рангларни тўғри қўллаш керак. Саҳналаштирилаётган спектакллар декорацияларини ишлаётган ўқувчилар айрим қийинчиликларга дуч келадилар. Жумладан, эскиздаги тасвирни саҳна декорациясига ўтказишда баъзи ноаниқликларга йўл қўядилар. Чунки катта сиртни кўз билан идрок қилиш қийин. Эскиздаги тасвирни бир неча марта катталаштириб чизиш лозим бўлса, катакларга бўлиб кўчириш маъқул. Бунинг учун эскиз вертикал ва горизонтал паралел чизиклар билан томонлари ўзаро тенг катакчаларга бўлиб чиқилади. Худди шундай катаклар маълум даражада катталаштирилган декорация сатҳига ҳам чизиб чиқилади. Вертикал ва горизонтал чизиклар рақамланади. Декорация чизиладиган матодаги катакларнинг рақамлари эскиздаги катаклар рақамларига мос бўлади. Ҳосил бўлган катакларга эскиздаги элементларни мос жойига ўтказиш йўли билан эскиз талабдаги декорация ҳосил қилинади.

Спектаклларни бадий безаш жараёнида ўқувчиларда ҳосил бўлган қизиқишларни театр ҳаёти ва театр рассомлари ижодига бағишланган суҳбатлар билан тўлдириб бориш, уларнинг асарларидан репродукциялар кўрсатиш, музей ва теартларга экскурсиялар уюштириш яхши самара бериши тайин.

Лицей, коллеж ва саҳнасидаги спектакл ёки бошқа бадий тадбир намоиш қилингандан кейин унинг ютуқ ва камчиликлари муҳокама қилинади. Камчиликларни бартараф этиш омиллари белгиланади ва кейинги ишларда уларга амал қилинади.

ХУЛОСА

Ўқув юртларидаги бадий безаш ишлари ҳақида фикр юритганда, кўргазмали тарғибот таъсирчанлигини ошириш ва шу орқали ўқувчиларга эстетик тарбия бериш муваффақиятини таъминлаш назарда тутилади. Шунингдек, бадий безаш ишлари жуда катта бадий ва таълимий – тарбиявий аҳамиятга ҳам моликдир.

Лекин бу ишлар ҳамма ўқув юртларида ҳам яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Бунинг биринчи сабаби юқорида айтилганидек, мазкур ишларнинг кийинлиги ва уларни бажариш учун керакли билимларга эга бўлган мутахассисларнинг камлигидир. Шунинг учун ўқувчиларга синфдан ташқари тасвирий санъат машғулотларида бадий безаш ишларини ўргатиш ва уларнинг ўзларини ана шу ишларга жалб этиш зарур.

Маълумки умумий ва касб – ҳунар таълим мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлардан бири ёш авлоднинг меҳнат тарбиясини яхшилашдан иборатдир. Ўқувчилар бадий безаш ишларини бажариш жараёнида ўзларининг бадий қобилиятларини ривожлантириш билан бир қаторда жуда кўп ишлаб чиқариш – техник операцияларни ҳам ўрганадилар. Материалларнинг хоссалари ҳақида анчагина қизиқарли нарсаларни билиб оладилар, коғоз, газлама, ёғоч, металл, ва ҳоказоларни ишлатиш технологияси ҳамда турли асбоблардан фойдаланиш қоидалари билан танишадилар.

Энг муҳими, ўқувчиларни безаш ишларини тўғри ва қизиқарли йўсинда ташкил этиш, уларни бажаришга доимий равишда жалб қилиш ва уларни қунт билан ишлашга одатлантиришдир. И.Г. Песталоцци таъбири билан айтганда, болага муайян даражада сабр-тоқатни талаб қиладиган ишни ўргатишда барча инсоний билимлардан болалар учун энг осон ва жозибалиларини танлаш муҳим. Боланинг тақлид қилиши сизнинг йўл кўрсатишингиз бўлсин. Хонада печ бўлса, унинг расмини чизинг. Агар бола бир йил давомида тўрт бурчакни чиза олмаса-да, ҳар ҳолда у қунт билан ишлашга одатланади.

Шунингдек, ўқувчилар бадий безаш ишларини ихтиёрий равишда ва гоят қизиқиш билан бажарар экан, уларни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик ўзлари бажараётган ишларни мақсади ва моҳиятини билиб боришга, ана шу ишларнинг натижасини тасаввур этишга ўргатиш лозим. Ана шуларга кўра педагогика олий ўқув юрти бадий графика факультетида таълим олаётган талабалар рассомлик ва чизмачиликка доир билимларни ўзлаштириш билан бир қаторда бадий безаш ишларини ташкил этиш ва бу ишларга раҳбарлик қилиш йўллари ҳам пухта эгаллашлари лозим. Шундагина улар умумий таълим ва касб-ҳунар мактабини ислоҳ қилиш талабларига мувофиқ ўқув юртлардаги бадий безаш ишларини, ахборот, тарбия, ташвиқотни ёшларни Ватанимиз манфаати йўлидаги фаолиятга жалб қилишнинг самарали воситаси сифатида амалга оширишда кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

АБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Таълим тўғрисида». Т.: Ўзбекистон. 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» ҳақида. Т.: Ўзбекистон. 1998.
3. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безаги санъати Т.: Мехнат 1991.
4. Қодирхўжаев П. Мактабда бадий безаш ишлари. Т.: Ўқитувчи. 1991.
5. Жиганов Б.В. Оборудование школьных интерьеров. М.: Просвещение. 1972.
6. Зуев Д.Д. Художественное оформление школы. 1970.
7. Интерьер школы. Под. ред. В.Н.Шиххова и Т.Е. Астровой М.: Просвещение. 1972.
8. Рождественский Б.П. Петров Г.А. О художественном оформлении школ. Изд-во Казанского Университета. 1963.
9. Сергеев Г. Чеканка по меди. Т. 1960.
10. Жоголь Л. Е. Декоративное искусство в интерьерах общественных зданий. Киев. 1978.
11. Соловьев С. П. Астрова Т.Е. Цвет в интерьерах общеобразовательных школ. М.: 1973.
12. Кардобовский К. Декоративно - оформительская работа в школе. Л.: Учпедгиз. 1961.
13. Страшнов В. Оформление школьного интерьера, Художник. 1966. № 10.
14. Быков В.В. Вопросы композиции в агитационно- оформительском искусстве. М. 1982
15. Ковалев. А.Ф. Основы художественного оформления школы. Минск. 1977.
16. Смирнов С.И. Шрифт и шрифтовой плакат. М.:1978.
17. Яблонский В.А. Оборудование кабинета рисования и основы композиции. М.: 1983.

МУНДАРИЖА

Мукаддима	3
1 Боб. Бадий безаш ишларининг мақсади, мазмуну ва вазифалари.....	6
1. Композиция.....	9
2. Ранг ва ёруглик.....	19
2 Боб. Бадий безаш ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш.....	35
1. Интерьер ва фасадларни бўяш	36
2. Безашда декоратив ўсимликлардан фойдаланиш	37
3. Бадий безак ишларида амалий санъатнинг ўрни.....	39
4. Бадий безаш ишларида фойдаланиладиган асбоб-ускуна ва материаллар	44
3 Боб. Интерьерни безатиш.....	53
1. Интерьердаги бадий безаклар	55
2. Монументал композиция турлари	61
3. График ишларнинг турлари	69
4. Байрам безаклари ва бадий тасвир тамойиллари.....	81
5. Кўргазмалар ташкил этиш	85
6. Спектаклларни бадий безаш	88
7. Хулоса	92
8. Адабиётлар рўйхати.....	94

Кодирхужаев Пайзилла

Бадий безак санъати

Мухаррир Э. Бозоров

Босишга рухсат этилди 15.09.07. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{8}$
Ҳисоб-нашр табағи 6,0. Адади 100.
Буюртма раками № 58.

«IQTISOD-MOLIYA» нашриётида тайёрланди
100084, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, 7-уй.

Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй